

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Барча йўналишлар учун

**“ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК
КОМПЕТЕНТЛИК”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2018

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2017 йил 24 августидаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа
ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТДПУ хузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази,,
п.ф.д., проф. Н.А. Муслимов, п.ф.н. М.Усмонбоева,
п.ф.н. М.Мирсолиева

Тақризчи: п.ф.д., проф. Ў.Қ.Толипов,
п.ф.н., доц. Д.Файзуллаева

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги
5/4.13- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	28
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	174
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	219
VII. ГЛОССАРИЙ	221
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	231

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жихатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаот ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасалар (ОТМ)ида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтисосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиягини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Инновацион таълим технологиялар” ўқув модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг қўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар инновацион таълим технологияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, мето ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабарор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиши жараёнида талабаларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Инновацион таълим технологиялари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион таълим технологиялари, ўқитишининг инновацион шакл, метод ва воситалари, педагогик компетентлик сифатлари ҳамда таълим жараёнини ташкил этишга креатив ёндашишга доир билимларини такомиллаштириш асосида улар томонидан инновацион ёндашув, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятнинг самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитни яратиш.

“Инновацион таълим технологиялари” модулининг вазифалари:

- инновацион таълим технологияларининг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;
- тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш;
- уларда педагогик жараённи самарали ташкил этишда турли инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиларидан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникма-малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларнинг ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш малакаларини такомиллаштириш;
- тингловчиларда педагогик компетентлик сифатларини янада ривожлантириш;

- ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш кўникма-малакаларини такомиллаштириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Инновацион таълим технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **тингловчи**:

- инновацион таълим технологияларининг функциялари;
- инновацион таълим технологияларининг турлари ва қўлланилиш соҳалари;
- инновацион таълим технологияларини қўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитлари;
- инновацион таълим технологияларини лойиҳалаш қоидалари;
- инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиларининг моҳияти;
- педагогик компетентлик асослари ва сифатлари;
- педагогларда касбий компетентликни ривожлантириш йўллари, шакл ва методлари;
- педагогик компетентлик потенциали ва ундан оқилона фойдаланиш шартлари;
- педагогларнинг касбий фаолият (ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш)га креатив ёндашишлари ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;
- аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- талабаларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;
- интерфаол таълим технологиялари (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case-study (кейс-стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологилари)ни олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши**;
- инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий мухитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;

- мутахассислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши**;
- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологилари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- талабаларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Инновацион таълим технологиялари” модулини ўқитиши жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билиш боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Таълимда илғор хорижий тажрибалар”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ва ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Виртуал таълим технологияси”, “Педагогнинг лойиҳалаш маданияти”, “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси”, “Педагогик такт ва техника”, “Аниқ фанлар тараққиёт йўналишлари ва инновациялар”, “Педагогиканинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялар”, “Креатив педагогика асослари” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
	Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан	
		Жами	Назарий		
1.	Инновацион таълим технологиялари: моҳияти, назарий асослари ва турлари	4	4	2	2
2.	Шахсга йўналтирилган таълим турлари ва инновацион таълим шакл, метод ва воситалар	10	8	2	6
3.	Педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар	6	6	2	4
4.	Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари	4	4	2	2
5.	Педагогик креативлик моҳияти	6	4	2	2
Жами:		30	26	10	16
					4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Инновацион таълим технологиялари: моҳияти, назарий асослари ва турлари.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Инновацияларнинг асосий қўринишлари. Таълим инновациялари. Таълим инновацияларининг турлари. Новация (янгиланиш). Новация ва инновациянинг фарқли жиҳатлари. Таълим инновационлари таъминлайдиган ўзгаришлар. Инновацион фаолият мазмуни. Педагогнинг инновацион фаолияти. Педагогик инновацион фаолият белгилари. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш босқичлари. Педагогда таълим жараёнига инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари.

2-мавзу: Шахсга йўналтирилган таълим турлари ва инновацион таълим шакл, метод ва воситалар.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари турлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим шаклари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол дарслар, модулли-кредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари.

Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион методлар:

интерфаол методлар, “Case-study” (Кейс-стади) ва “Ассесмент” методи.

Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар (компьютер, проектор, электрон доска, Интернет ва вебинар технологиялар).

Ўкув лойиҳаларини ишлаб чиқиши. Талабалар портфолиоларини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиши.

3-мавзу: Педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар.

“Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Касбий компетентлик. Касбий компетентлик сифатлари (ижтимоий компетентлик, маҳсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив) компетентлик, шахсий компетентлик, технологик компетентлик, экстремал компетентлик. А.К.Маркова ва Б.Назароваларнинг педагогга хос касбий компетентликнинг таркибий асосларига нисбатан ёндашувлари.

Педагогнинг ўз устида ишлаши. Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари. Педагогнинг ўз устида ишлаш модели.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш. Ўзини ўзи баҳолаш. Ўзини ўзи самарали баҳолаш омиллари. Ўз-ўзини баҳолаш формуласи. Ўзини-ўзи баҳолаш модели.

Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари. “Индивидуал ривожланиш дастури”. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури. Педагог “Индивидуал ривожланиш дастури”нинг таркибий элементлари. Касбий ривожланиш шкаласи.

4-мавзу: Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари.

“Маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчаларининг мазмуни. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги. Нутқ техникаси ва маданияти. Коммуникатив таъсир кўрсатиш. Педагогик мулоқот услублари ва уларни тўғри танлаш.

Педагогик деонтология.

Педагогик мулоқот маданияти. Педагогик мулоқот йўналишлари ва услублари (авторитар, демократик, либерал). Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Педагогик низоларни ҳал этишда қўлланиладиган усуллар. Педагогик низо субъектларига кўрсатиладиган педагогик-психологик ёрдам турлари.

“Низо” ва “педагогик низо” тушунчаларининг моҳияти. Педагогик низога хос белгилар. Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар. педагогик низоларнинг турлари. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари.

Замонавий педагог имиджи. Педагогнинг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

5-мавзу: Педагогик креативлик моҳияти.

“Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти. Креативлик сифатлари. Болаларда креативликни ривожлантириш шартлари. Шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласиган омиллар. Шахс креативлигини ифодаловчи белгилар. Шахс креативлигини аниқловчи психологик тестлар.

Педагогнинг креативлик потенциали. Креативлик потенциалига эга педагогда намоён бўладиган малакалар. Педагогда креативлик потенциалини ривожлантириш методлари. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари. Педагог креатив потенциалини ифодаловчи тамойиллар. Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар. Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари.

Болаларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид Девид Льюис кўрсатмалари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Педагогик жараёнда инновацион таълим технологияларини самарали қўллаш шартлари.

1. Таълим тизимининг модернизацияси ва педагогик технологиялар моҳиятига оид блиц-сўров.
2. Кичик гуруҳлара таълим тизимининг модернизациясининг аҳамиятини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш.
3. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.
4. Мавзуга оид даражали тестларни ечиш.

2-мавзу: Ўқитиш амалиётида инновацион таълим шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш.

1. “Ўқитиш тизимида шахсга йўналтирилган таълимни қўлланилишининг аҳамияти” мавзусида “Қарорлар қабул қилиш технологияси” график органайзери ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.
2. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.
3. Мавзуга оид даражали тестларни ечиш.
4. Таълим жараёнда амалий (дидактик) ўйинлардан фойдаланиш борасида ўзаро тажриба алмашиш.
5. Ўқитиш тизимида интерфаол методларни қўллаш юзасидан маҳорат дарсларини ташкил этиш.

3-мавзу: Педагогик компетентлик сифатларини ривожлантириш.

1. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.
2. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзиш.
3. “Индивидуал ривожлантириш дастури” бўйича ишлаш.
4. “Касбий ривожланиш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш.

5. “Ўз-ўзини ривожлантиришнинг 36 қоидаси” асосида педагоглар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

4-мавзу: Педагогларда касбий маҳоратни такомиллаштириш.

1. Мавзуга оид тушунчалар моҳиятини ўрганиш.
2. Шахснинг пантомимик ҳаракатлари ва жестлари моҳияти билан танишиш
3. М.Снайдернинг “Мулокот жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш” номли тести асосида тингловчиларнинг коммуникатив компетентликка эгаликларини аниқлаш.
4. Педагогларда коммуникатив компетентликни ривожлантирувчи амалий машқларни бажариш.

5-мавзу: Педагогларда креатив қобилиятни ривожлантириш.

1. Махсус тестлар ёрдамида педагогнинг креативлик сифатларига эгалигини ўрганиш.
2. Педагогик креативликни ривожлантиришга доир топшириқни бажариш.
3. Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести билан ишлаш.
4. Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари билан танишиш ва у юзасидан муҳокама ташкил этиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириклари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириклари		0.5 балл
3	Амалий топшириклар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хозирги вактда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рафбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам атashади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рафбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим оловчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим оловчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим оловчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим оловчилар ўз

жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиликнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиликнинг мулокот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиликнинг турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиликнинг ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиликнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзуу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда-янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатта олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Куйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари күйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.


“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гурұхларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гурұхларда ишлаш” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурӯхлар белгиланади. Таълим оловчилар гурӯхларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурӯхлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурӯхлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурӯхлар баҳоланади.

«Кичик гурӯхларда ишлаш» методининг афзалиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш қўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;


- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичидаги ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра сухбати” методи – айланада стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айланада бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.




Белгилар:
1-таълим оловчилар
2-айланада стол

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айланада шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига

солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йигиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган



**“Давра сұхбати” методининг тузилмаси
“Давра сұхбати” методининг босқичлари қўидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таниширади.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варакалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб кўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варакалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йигиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра сұхбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини хис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра сұхбати” методининг камчиликлари:

- қўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.


“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методdir.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар

ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори мухим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Кўйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинligини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга холоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчалигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли холоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказиша қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлинини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни групкаларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласи.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:


- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундейди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзуу танлаш талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлади. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласи.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таниширади.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қиласиди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласидилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласидилар, уларни таҳлил қиласидилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласидилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:


- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- қўп вақт талаб этилади.

“Лойиха” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиши, тадқиқот ўтказиши ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа

вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим оловчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиха” методининг босқичлари

“Лойиха” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топширикларни ишлаб чиқади. Таълим оловчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топширикка оид маълумотлар йифадилар.

2. Таълим оловчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим оловчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиласидар. Таълим оловчилар иш режасига асосан топширикни бажариш бўйича қарор қабул қиласидар. Таълим оловчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланниб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим оловчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим оловчилар топширикни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик групкаларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш ва рақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қўйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сұхбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МОХИЯТИ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Режа:

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари.
2. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.
3. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.
4. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари.
5. Педагогик инновацион жараён моҳияти.

Таянч тушунчалар: модернизациялаш, таълим жараёнини модернизациялаш, технология, педагогик технология, технологиялаштириш, таълим жараёнини технологиялаштириш, тарбия жараёнини технологиялаштириш, инновация, новация, инновацион таълим технологиялари, инновацион жараён, таълимий инновацион жараён, таълимий инновацион жараён босқичлари.

1.1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сўнгти йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда. Хўш, “модернизация” тушунчаси лугавий жиҳатдан қандай маънони англатади? Ушбу тушунча негизида қандай ҳолат тавсифланади?

Модернизация (ингл. “modern” – замонавий, илғор, янгиланган) – объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши саналади

Одатда модернизация жараённида машиналар, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда технологик жараёнлар янгиланади. Бироқ, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологияларнинг ривожи туфайли жамият ҳам ривожланишининг муайян босқичидан янада такомиллашган босқичга ўтади. Фалсафий талқинда ифода этганда миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига айланади. М: ўрта асрларда аграр характер касб этган жамият илм-фан, техника, саноат ва ишлаб чиқаришнинг

ривожланиши билан индустрисал жамиятга айлани.

Ижтимоий модернизация жамиятнинг ижтимоий тизимдан очик фуқаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги модернизация негизида жамиятнинг ижтимоий қатламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир бўлади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир.

Таълим тизимининг модернизацияси – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши

Мазкур модернизация шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла қамраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласиди¹.

Таълим тизимининг модернизациялашда қўйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади:

- ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг хуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш;
- янги таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-хуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизmlарни шакллантириш;
- давлат ва жамиятнинг кўллаб-куватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;
- таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувига асосланганлик тамоилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талabalар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон шароитида ҳам таълим тизимини модернизациялашда давлат, жамият, маҳаллий ва ижтимоий ташкилотлар, юқори ҳамда қуий бошқарув органларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий шароитда таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари қўйидагилар саналади:

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- ўқитишининг мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш;
- ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талabalар томонидан мустақиллик ўзлаштирилиши учун кулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни вужудга келтириш

¹ Модернизация образования // <http://www.gov.karelia.ru/Leader/Gossoviet/d14.html>.

1.2. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хulosалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири хисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласи.

Технология (юон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чикариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиши) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойищалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишининг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиласи.

Таълим технологиясининг марказий муаммоси – таълим оловчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади¹.

¹ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989.

Педагогик технология – таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО).

Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жищатдан асосланган щамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди.

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Фарбий Европа ва АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя 30-йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника(си)” тушунчаси “ўкув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йигиндиси” тарзида талқин этилди ҳамда ўкув жараёнига ўкув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали куроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш “таълим технологияси” йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор талабалар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сифимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўкув жараёнини “технологиялаштириш”нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида урғу берилди.

60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим талабаларга муайян билимларни алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган “Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Қўмита” томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари,


уларни ўзгаририш ва баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим мухитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўзгаририш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчаси мазмунига мос келади:

1-жадвал. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш босқичи

Босқичлар		Йиллар	Таълим технологияси-ТТ
1.	I-босқич	XX асрнинг 30-йиллари	ТТ= Птех Ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех)
2.	II-босқич	XX асрнинг 50-йиллари	ТТ=Птех. + ТВ Таълим жараёнида техник воситалар (ТВ)ни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомилаштириш, ахборот сифимини кенгайтириш, уларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, талаба фаолиятини индивидуаллаштириш
3.	III-босқич	XX асрнинг 60-йиллари	ТТ = Птех. + ТВ + дастурий таълим (ДТ) Дастурий таълим – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, талабалар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташҳислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
ТТ = Птех + ТВ + ДТ			

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билиш мазкур жараён ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратади.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, куйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эга (1-расм):



1-расм. ПТнинг умумий дидактик тамойиллари

1. Бир бутунлик, яхлитлик тамойили икки жиҳатни ўзида акс эттиради: 1) таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, “тизимлилик” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнинга, ҳам умумий таълим жараёнинга хосликни англатади.

2. Асослилик (фундаментлик) тамойили фанларнинг ўрганиш обьекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун “ядро”, “ўзак” саналувчи ахборотларга эга бўлиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қиласди.

Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқиши камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келшини таъминлади.

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларга мавжуд фанлар сощалари быйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга былиш учун қулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

3. Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили немис педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда мутахассислар “соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чукур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари” ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига пухта тайёрланиши лозим.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юонон. “*humanus*” – инсонийлик, “*humanitas*” – инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди.

Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, **инсонийлаштириш** тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, **инсонпарварлаштириш** – инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, хуқуқ ва бурчларини хурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни бўлса, **инсонийлаштириш** “барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (таракқиёти) учун” деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог талабалар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик гояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қўйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қиласди: 1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

6. Таълимнинг узлуксизлиги тамойили таълим олувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ён йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг

дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуидаги икки хил маңнода изоҳланади: а) таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият жараёнида мустаҳкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тадбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишининг самарадорлигини баҳолаш ҳам мухим аҳамиятга эга. Педагогик технологияларнинг имкониятидан келиб чиқсан ҳолда уларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини бир қатор мезонлар билан аниқлаш мумкин. Улар қуидагилардир:


- таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш вазифаларининг ўзида яхлит ас эттира олиши;
- ўзида замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши;
- ғоявий жиҳатдан талабаларнинг ёш ва психологияк хусусиятларига мос келиши;
- ўқув материалининг зарур ахборотлар билан тўлиқ таъминланганлиги;
- ўқитиш жараёнида ранг-баранг метод ва воситаларни қўллаш имкониятини таъминлаганлиги;
- таълимнинг кўргазмалилиги ва барча учун очиқлигини таъминлаш тамойилига эгалиги;
- кўп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон эксплуатация қилиш имкониятининг мавжулиги;
- педагогнинг талабаларга мустақил ишларни самарали ташкил этишга кўмалашиш даражаси

Ўқитиш тизимида педагогик технологияларини самарали қўллаш педагогнинг касбий компетентлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли педагогик технологияларнинг самарадорлигини педагог томонидан уларнинг қўлланилишига қўра ҳам баҳолаш мумкин. Бунда қуидаги мезонлар мухим аҳамиятга эга:

- педагогнинг технологик маданиятга эгалиги;
- педагогнинг педагогик технологияларни қўллаш борасида тажрибага эгалиги;
- педагог томонидан педагогик технологияларга “ижодий” ўзгаришлар киритилиши ва уларнинг қайта шакллантирилиши;
- педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этишда ўқитиувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик негизида муваффакиятли вазиятларнинг қарор топганлиги;
- педагогик технологияларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик;
- педагогик технологияларнинг талабалар ва педагогларнинг касбий ривожланишини таъминлашдаги имкониятларга эгалиги;
- талабалар ўқув-билиш фаолиятининг ижобий аҳамият касб этиши

3. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотнинг муҳим йўналиши сифатида таълим жараёнини технологиялаштиришдан эътироф этилди. Бу жараённинг самарадорлиги ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларини таълим амалиётида фаол қўлланилиши, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган замонавий технологиялардан хабардор бўлишқўйидаги шартлар асосида таъминланди.

Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим қўриниши бўлиб, у қўйидаги босқичларда амалга оширилади (2-расм):



2-расм. Таълим жараёнини технологиялаштириш босқичлари

Педагогик вазифанинг ҳал этилишига ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойиҳалаш орқали эришади. Замонавий шароитда таълим жараёнини технологиялаштириш уни лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технологик структурасига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўкув курсини ўрганиш алоҳида мавзуу ва бўлимларни лойиҳалаш асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш – педагогик фаолият қўриниши бўлиб, у таълим жараённинг технологик тузилма ҳама ўқитиши натижасини кафолатловчи метод ва воситалар йиғиндисига эгалиги билан тавсифланади

Лойиҳалаш маҳсули таълим жараёнининг лойиҳаси саналади.

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қонуниятлари ажратилди. Улар:


- 1) таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик мухит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади;
- 2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;
- 3) лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танланади;
- 4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорлигига боғлиқ

Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада:

- a) ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш);
- b) таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади ҳамда лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишига, педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат (3-расм):



3-расм. Таълим жараёнини лойиҳалаш тамоиллари

1. Марказлаштириш тамоили технологик жараёнда талабалар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва талаба фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини

талабаларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур.

Талабалар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, талабанинг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қиласди.

Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қўйидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, уларни талабалар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

2. Рефлексивлик тамойили субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, талабаларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси – субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришни талаб этади.

3. Натижавийлик тамойили педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

4. Кўп омиллилик тамойили. Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий-психологик муҳит, талабаларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни хисобга олиши зарур.

5. Талаба шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили. Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами

(ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўнималарини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмuni ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни талабалар қундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур.

Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

6. Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамоилии. Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, талабаларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамоилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибани индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди. Лойиҳалашда талабани ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустақил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини хурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

“Педагогик технология” тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни, таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур. Баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири саналади.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсад ва ижтимоий ғояга асосланиб, талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши

Таълим жараёнидан фарқли тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараёнининг самарасини қисқа муддат оралиғида кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, талаба ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараённи технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндошиш зарурлигини тақозо этади.

Замонавий шароитда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилишига расмиятчилик нуқтаи назардан воз кечиши мақсадга мувофиқир. Зеро, тайёр сценарий асосида муайян тадбирни ташкил этиш

жараёнида унинг асосий субъектлари бўлган талабалар фаол иштирокчи, тадбир натижасини белгиловчи шахс сифатида эмас, балки оддий ижрочи сифатида қатнашади. Бу ҳолат эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- 1) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат шаклланади;
- 2) талабаларда мустақил фикрлаш, ижодкорликқобилиятынинг тарбияланиши учун имконият яратилмайди;
- 3) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашга йўналтирилганлиги ҳақида эмас, балки синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида “сохта обрў” орттириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги тўғрисидаги хulosанинг шаклланиши учун шароит юзага келади

Таълим муассасаларида ташкил этилувчи маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашув қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- тадбир мавзуси ва ғоясини талабалар томонидан билдирилган шахсий ташабbusлар, уларнинг хоҳиш-истакларига кўра белгилаш;
- тадбир сценарийсини ишлаб чиқишида талабаларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;
- тадбир мазмунида ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзда эмас, балки талабаларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш;
- тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, талабаларга йўл-йўрик кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришиш;
- тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гурух талабаларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш

Муҳокама жараёнида ўқитувчи томонидан турли танбеҳларнинг берилишига йўл қўймаслик, аксинча йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг талабаларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейинги тадбирни ўтказиш жараёнида уларнинг тақрорланишини олдини олиш) йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашув моҳияти талабалар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратишни ҳам тақозо этади:

- талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги;
- талабаларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил ташкил этиш борасида муайян тажрибаларга эга эканликлари;
- тадбир ғоясининг талабалар ички эҳтиёжларига мос келиши.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённи лойихалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш мухим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойихалаш қўйидаги босқичларда кечади:

- 1) тадбир мавзусига доир материалларни йиғиши;
- 2) тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- 3) тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;
- 4) тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш;
- 5) тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;
- 6) тарбиявий тадбир сценарийсиги ишлаб чиқиш;
- 7) талабалар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (уларни бу щақида хабардор қилмасдан) баҳолаш;
- 8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;
- 9) тадбирни ташкил этиш жараёни;
- 10) тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний

4. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қўйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асослангаан техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”².

А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

равища муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гурухга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади.

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганганди.


Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчига янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўкув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар (4-расм):



4-расм. Таълим инновацияларининг асосий турлари

Инновациялар турли кўринишга эга. Қўйидагилар инновацияларнинг асосий қўринишлари саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташабbusлар;
- илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгаришишга хизмат қилса у **новация (янгиланиш)** деб юритилади.

Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгаришишга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади

Илмий адабиётларда “новация” (янгиланиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвазинскийнинг эътироф этишича, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуидагилардир (2-жадвал):

2-жадвал. Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида кўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

И.П.Подласыйнинг фикрига кўра, таълим инновационлари қуидаги ўзгаришларга олиб келади:

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- талаба (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши

V. Педагогик инновацион жараён моҳияти. Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, X.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантиғини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади.

Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзgartириш, янгилашни назарida тутади.

Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш зарурятни ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қиласи.

Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгилашнинг содир этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йигиндисини ёритишга хизмат қиласи.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишига эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб борувчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар – А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой,

Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қуйидаги икки ёндашув мавжуд эканлигини эътироф этади:

1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайир янги ғояга амалиётга жорий этилади);

2) алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирланиши, бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятли саналади).

А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов ва В.С.Толстойлар ўз тадқиқотларида янгилик киритишнинг тизимли концепцияни асослашга уринган. Бу ўринда муаллифлар инновацион жараёнларнинг қуйидаги икки муҳим босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатишади:

1. Янгилик сифатида намоён бўладиган ғояларни ишлаб чиқиш (м: корхона, ташкилот томонидан муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишнинг режалаштирилиши).

2. Янгилик (муайян маҳсулот)ни кенг кўламда ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар кузатилаи. Улар:

1. **Гностик-динамик ёндашув** (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадилар, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадилар).

2. **Индивидуал фаолиятли ёндашув** (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиё фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадилар).

3. **Кўп субъектли (диалогик) ёндашув** (мазкур ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

4. **Инсонпарварлик ёндашуви** (ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишилари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қиласиди).

5. **Индивидуал-ижодий ёндашув** (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўкув материалининг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан

келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий мөъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти қўйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида БКМни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантириши талаб этади.

М.Жуманиёзованинг эътироф этишича, педагогик инновацион фаолияти қўйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:


- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкаслар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув қўйидагиларга эга бўлишни ифодалайди:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданияти

Педагогик инновациялар тегишли соҳада ижобий ўзгаришларни содир этиш, сифат жиҳатдан юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилади. Бу турдаги инновацияларни асослаш муайян босқичларда

кечади. Улар (5-расм):



5-расм. Инновацияларни асослаш босқичлари

тузилмаси

1. Соҳада намоён бўлаётган янгиликни ажратиб кўрсатувчи блок (унда педагогикадаги янги ғоялар, педагогик янгиликларнинг таснифи, уларни асослашга хизмат қиласидиган шарт-шароитлар, янгилик даражасини белгиловчи меъёрлар, педагогларнинг янгиликларни ўзлаштириш ва унан амалиётда самарали фойдаланишга тайёрликлари, анъаналар ва новаторлик ташаббуслари, соҳада янгиликларни яратиш босқичлари акс этади).

2. Педаголар томонидан янгиликнинг идрок қилиниши, ўзлаштирилиши ва баҳоланиши ифодаловчи блок (унда педагогик жамоалар томонидан янгиликларнинг баҳоланиши ва ўзлаштирилиши – турли инновацион жараёнлар, консерваторлик ва новаторлик, инновация мухити, педагогик жамоаларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрликлари акс этади).


3. Янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки (унда янгиликни амалиётга тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳодисаси рўй беради).

Бу ўринда М.М.Поташник томонидан эътироф этилган инновация жараёнлар мөҳиятини ифодаловчи талқин алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатиш ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур талқинга кўра инновацион жараён қуйидаги тузилмаларга эга (6-расм):



6-расм. Инновацион жараён тузилмалари

Инновация жараёни таркибий тузилмалардан иборат бўлиш билан бирга муайян қонуниятларга ҳам бўйсунади. Мазкур жараён учун қуйидаги тўртта қонуният характерли саналади (7-расм):



7-расм. Педагогик инновацион жараён қонуниятлари

Кескин бекарорлик қонуниятига кўра педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар ўзгаради, шаклланган педагогик янгилик баҳоланади ва бу янгиликнинг аҳамияти, қиймати эътироф этилади.

Амалга ошиш қонунияти янгиликнинг ҳаётийлигини ифодалайди, унга кўра янги педагогик инновациялар стихияли ёки онгли равища ўта тезкор ёки тезкор равиша амалиётга татбиқ этилаи.


Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонунияти аксарият педагогларда янгича тафаккурнинг қарор топганлигини ва уларнинг инновацияларни амалиётга татбиқ этиш йўлида фаоллик қўрсатишларини тавсифлайди. Бу жараёнда дастлаб инновацион характер касб этган ғоялар янада илғор янгиликларни амалга оширишиб йўлида тўсиқ бўла бошлайди.

Педагогик инновацияларнинг даврий такрорланиши ва қайтарилиши қонунияти янгиликларнинг янги, янада қулай шароитларда қайта тикланишини ифодалайди.

Одатда педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқ этилиши икки хил кечади:


1. Педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқи стихияли кечади, яъни, инновацион жараёнда педагогик янгиликларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уларни амалиётга татбиқ этишда мавжуд шарт-шароитлар, усул ва йўлларига онгли муносабат билдирилмайди.
2. Педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқи стихияли кечади, яъни, педагогик янгиликлар инновацион жараёнда онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсули сифатида амалиётга жорий этилади

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча **босқичларда** кечади. Улар қуйидагилардир (8-расм):



8-расм. Инновацияларни педагогик жараёнга татбиқ этиш босқичлари

Бугунги қунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педаголар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни (9-расм):



9-расм. Педагогларда инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда рўй беради.

Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиши сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рафбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлади. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Назорат саволлари:

1. “Модернизация” тушунчаси қандай маънони англашади?
2. “Таълим тизимининг модернизацияси” деганда нимани тушанасиз?
3. Таълим тизимининг модернизациялашда қандай вазифалар ҳал килинади?

4. Таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
 5. Технология нима?
 6. Таълим технологияси деганда нимани тушунасиз?
 7. “Педагогик технология” тушунчаси ЮНЕСКО томонидан қандай шарҳланган?
 8. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиши қандай босқичларда кечган?
 9. Қандай тамойиллар педагогик технологияга хос саналади?
 10. Педагогик технологияларнинг самарадорлиги қандай мезонлар билан аниқланади?
 11. Таълим жараёнини технологиялаштириш қандай босқичларда кечай?
 12. “Таълим жараёнини лойиҳалаш” деганда нимани тушунасиз?
 13. Таълим жараёнини лойиҳалашда қандай тамойиллар устувор саналади?
 14. Тарбия жараёнини технологиялаштириш нима?
 15. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда қандай омиллар инобатга олиниши зарур?
 16. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қандай босқичларда кечади?
 17. Инновация нима?
 18. Инновацион таълим қандай таълим саналади?
 19. Таълим инновациялари деганда нимани тушунасиз?
 20. Таълим инновацияларининг қанай турлари мавжуд?
 21. Нималар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади?
 22. Новация ва инновациянинг асосий фарқлари нималарда кўринади?
 23. Инновацион жараёнлар қандай ёндашувлар асосида ташкил этилади?
 24. Инновацион фаолият нима ва унга қандай белгилар хос?
 25. Инновацияларни асослаш қандай босқичларда кечади?
 26. Инновацион жараён қандай тузилмаларга эга?
 27. Инновация жараён қандай қонуниятларга бўйсунади?
 28. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш қандай босқичларда кечади?
 29. Педагогларда инновацион ёндашувни қарор топиш қандай босқичларан иборат?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
2. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.кўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.

2-МАВЗУ: ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАР.

Режа:

1. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.
2. Таълимнинг инновацион шакллари.
3. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион методлар.
4. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар.
5. Вебинар технологиялар ва уларни таълим жараёнида қўллаш.
- 6 Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш.
7. Талабалар портфолиоларини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Таянч тушунчалар: шахс, таълим, шахсга йўналтирилган таълим ва унинг турлари, таълимнинг инновацион шакллари, инновацион методлар, инновацион воситалар, ўқув лойиҳалари, портфолио, талабалар портфолиоси.

1. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари. Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги тезкор давр талабаларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан куроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзизда ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Бу таълим ўқитиши мұхитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутади. Унга кўра таълим мұхити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёнини түлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш,

шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати таълим олувчи шахсини тан олиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай, зарур муҳитни яратишдан иборат

Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга хизмат қиласи. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдириш тақозо этилади. Қолаверса, шахсга йўналтирилган таълим ўқитиши жараёнининг иштирокчилари педагог-талаба ёки талаба-талаба, талаба-талабалар групхи, талаба-талабалар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, шахс сифатида камол топтириш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифодалайди.


Педагог таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланаар экан, бир қатор шартларга қатъий риоя этиши керак. Ушбу талаблар қуйидагиларан иборат:

- ҳар бир талабани алоҳида, ўзига хос шахс сифатида кўра олиши;
- талабани ҳурмат қилиши;
- талабанинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолай олиши;
- талабанинг хоҳиш-истак, қизиқишиларини инобатга олиши;
- ҳар бир талабага толерант муносабатда бўлиши;
- талабанинг кучи, имконияти ва интилишларига ишонч билдириши;
- ҳар бир талаба учун қулай таълим муҳитини яратиши;
- талабаларнинг мустақил ёки кичик групхларга эркин ишлашлари учун имконият яратиши;
- талабаларни ўз фаолиятларини мустақил назорат қилиш, фаолияти самарадорлигини аниқлаш, ютуқларнинг омиллари ва йўл қўйилган хатоларнинг оқибатларини таҳлил қилиш ўргатиши;
- таълим жараёнида ҳеч бир талабага тазийк ўтказмаслик;
- алоҳида талабанинг камчиликларини бўрттириб кўрсатмаслик;
- борди-ю, талаба томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, таълим жараёнида ўзини одобсиз тутиш ҳолати қайд этилса, у ҳолда қатъий хулоса чиқармасдан, бунинг сабабларини аниқлаш;
- аниқланган сабаблар асосида талабанинг шаъни, ғурурига зиён этказмаган ҳолда у томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, ўзини одобсиз тутиш каби ҳолатларни бартараф этиш;
- таълим жараёнида ҳар бир талаба учун “муваффақият муҳити”ни яратади;
- ҳар бир талабага таълим олиша муваффақиятга эриша олишига ёрдам бериш;
- талабанинг қобилиятини ўстириш, шахс сифатида ривожланишига ёрдам бериш;

Шахсга йўналтирилган таълим талабани таълим тизимига мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини


инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутади. Бу тураги таълим талабаларни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олишга, ўзининг ички имкониятлари, қобилияtlарини тўла намоён эта олиши, билиш фаоллигини ошириш учун зарур шароитни вужудга келтириши зарур. Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий, танқидий ёнашишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя килиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш кўникма, малакаларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши талабаларни ривожлантириш, қобилияtlарини янада ўстиришга хизмат қилади. Хусусан:

- 
- муаммоли изланиш;
 - кичик тадқиқотларни олиб бориш;
 - дебат;
 - баҳс-мунозара;
 - эвристик сұхбат;
 - кичик гурухларда ишлаш ва б.

Машғулотларини ташкил этишда педагоглар ўқув ахборотларининг талабалар билим, қўникма, малака ва тажрибаларига таянган ҳолда уларни қизиқтира оладиган, фикрлашга, ижодий ёндашишга ундейдиган имкониятга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Таълим жараёнида педагоглар томонидан:


- 
- турли шакл, метод, восита ва технологиялардан самарали, мақсадли фойдаланиш;
 - ўқув топшириқларини бажаришда талабаларга усуулларни мустақил танлаш имконини бериш;
 - талабани жуфтликда, кичик гурухда ва жамоада ишлашини таъминлаш;
 - машғулотларнинг лойиҳалаштирилишига эътиборнинг қаратилиши нафакат ўқитиш сифатини яхшилай, самарадорлигини оширади,

Энг муҳими педагоглар ўқув машғулотларининг нафакат ахборот бериш, балки ривожлантириш характеристига эга бўлишларига эътиборни қаратишлари зарур. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала, муаммо, ўрганилаётган мавзу юзасидан талабаларнинг мустақил фикр билдиришлари (нотўғри бўлса-да, фикр билиришлари)га имкон бериш, нима бўлганда ҳам уларни ўйлашга, фикрлашга ундаш шахсга йўнатирилган таълимга хос муҳим белгилардан бири саналади.

Таълим жараёнида қуйидагилардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълимнинг яна бир белгисидир:

- ижодий топшириклар;
- креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар;
- муаммоли вазиятлар;
- ролли ва ишбилармонлик ўйинлари;
- баҳс-мунозара, дебат;
- мусобака кўринишидаги беллашувлар

Айни вақтда шахсга йўналтирилган таълимнинг қўйидаги турлари фарқланмоқда (10-расм):



10-расм. Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий турлари

2.2. Таълимнинг инновацион шакллари. Замонавий шароитда талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда **амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модул-кредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш ва маҳорат дарслари** таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда.

Айни ўринда таълимнинг инновацион характерга эга ушбу шакллари тўғрисида сўз юритилади.

I. Амалий ўйинлар. Дастрлаб “ўйин” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш талаб этилади.

Ўйин – кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади

Замонавий шароитда таълим амалиётида амалий-инновацион характерга эга ўйинлардан самарали фойдаланилмоқда.

Амалий ўйинлар – муайян амалий ҳаракатларнинг ташкил этилишини имитациялаш имкониятини берадиган ўйинлар

Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади.

Кишилик тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган. Бинобарин, шахс фаолиятининг муҳим турлари – меҳнат, ўқиш билан бирга ўйин ҳам унинг шаклланланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар воситасида катта авлод томонидан тўпланган ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билим, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабат асослари, маданий қадриятлар ёш авлодга изчил узатиб келинган.

Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан ҳалқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиласди. “Мактабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятида ўқиш ва меҳнатга тайёрланади. Ёш улғайган сари ўйиннинг роли бироз камайиб боради. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти боланинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади”³.

Агарда жисмоний хатти-ҳаракатларни ривожлантиришга хизмат қиласдиган ўйинлар болаларда чакқонлик, эпчиллик, чидамлилик, қатъийликни тарбияласа, интеллектуал, конструкцияли ўйинлар уларни ўйлашга, фикрлашга, мантикий тафаккур юритишга ўргатади.

“Ўйин инсон ҳаётининг ҳаётининг ҳар бир даври учун унинг руҳий ривожланишини белгиловчи етакчи фаолият тури ҳисобланади. Фақат ўйинда ва ўйин орқали бола воқеликни, шу жумладан, кишилар ижтимоий муносабатларини, ҳулқини, хатти-ҳаракатларини билиб олади”⁴.

Тарихий тараққиёт жараённида ўйин нафақат болалар, балки катталар ҳаётидан ҳам алоҳида ўрин эгаллашга муваффақ бўлинди. Замонавий шароитда интеллектуал, компьютер, иқтисодий, ҳарбий, касбий, спорт ва майший ҳодиқ чиқаришга кўмаклашадиган ўйин моделлари ҳам катталар орасида кенг оммалашган.

Замонавий педагогикада ўйинлар таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш мақсадида қўйидаги тарзда қўлланилади:

³ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия / Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул муҳаррир: А.Мажидов. – Тошкент: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 432-бет.

⁴ Ўша манба. – 432-бет.

- тушунча, мавзу ва алоҳида бўлим моҳиятини ўзлаштиришда алоҳида технология сифатида;
- педагогик технологияларнинг элементи сифатида;
- ўқув машғулити шакли ёки унинг бир қисми сифатида;
- синф (аудитория)дан ташқари ишлардан бири (“Заковат”, “Билимон”, “Хуқуқ фани билимдони” ва б.) сифатида

Ўйиннинг моҳияти ва тузилиши маълум кўникма, малака, қобилият ва сифатларнинг ҳар бир иштирокчидан бутун ўйин давомида шаклланишини таъминлайди. Таълим жараёнда ўйин технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи педагогик вазифаларини сценарийда аниқ ифодалай олиши зарур.

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ўзининг ҳаётда ўрнини белгилаш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишан иборат асосий эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ҳамда ўйин жараёнида шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Ўқув фаолиятининг асосий мотиви – бу ўқув-билиш мотиви бўлса, ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса талабада ўзи танланган ва асосларини ўзлаштираётган касбга бўлган қизиқиши саналади. Талаба ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан хиссий жиҳатдан қониқа олиши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўйинли технологиялари, шунингдек, талabalарнинг ижодий қобилияти ва креатив тафаккурини ўстиради.

Педагогик мақсадда фойдаланилаётган ўйинлар ўйин технологиялари деб номланади.

Ўйин технологиялари (ўйин таълими) – ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда хиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири


Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласи. Таълим жараёни иштирокчилари (м: таълим олувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакили ва б.) сифатида турли ролларни бажариш талаба (ўқувчи)ларга педагогик фаолият мазмуни билан

яқындан танишиш имкониятини яратиш асосида маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий ва руҳий тайёргарликка эришиш нуқтаи назаридан ёрдам беради.

Ўқув машғулотларидан ўйинлар ва ўйинли вазиятларни қўллаш кўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

- дидактик мақсад талабалар олдига ўйинли топшириқ шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсундирилади;
- дидактик ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув фаолиятида дидактик вазифани ўйин вазифасига айлантирувчи мусобақа элементи қўлланилади;
- муваффақиятли бажарилган дидактик топшириқ ўйин натижаси саналади

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни, роли, шунингдек, ўйин элементлари ҳамда таълимнинг ўзаро уйғунлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан педагогик ўйинлар моҳияти, функцияси ва турларининг қанчалик тушунилиши билан белгиланади. Аксарият педагогик ўйинлар ўзида кўйидаги белгиларни намоён қиласи (11-расм):




11-расм. Педагогик ўйинларнинг асосий белгилари

Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади.

Таълим муассасаларида кўп ҳолатларда ролли ва касбий характерга эга ишбилармонлик ўйинлариан фойдаланилади. Муҳими педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйинли технологияларининг асосини талабаларнинг **фаоллик ва тезкорликка асосланган фаолияти** ташкил этади.

Педагогик ўйинлар янги ўқув материалини ўзлаштириш, мустахкамлаш, талабанинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, умумий касбий тайёргарлик кўникма, малакаларини шакллантириш каби масалаларни ечишга қаратилади. Улар ёрдамида талабалар турли ҳолатлардан ўқув материалини тушуниш, унинг негизида маълум кўникма, малака ва сифатни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Машхур педагог Г.К.Селевко педагогик ўйинларни қуидаги тартибда таснифлаган (12-расм):



12-расм. Педагогик ўйинлар типологияси (Г.К.Селевко)

Айни ўринда ўйин методикасига кўра гурӯхланган ўйин технологияларининг мөхияти хусусида сўз юритилади.

1. **Дидактик ўйинлар** – ўрганилаётган обьект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўкув фаолияти тури хисобланади. Бу каби ўйинлар ўқувчилар томонидан ижтимоий-фойдали

мехнат ва ўқиши кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг аҳамияти натижалар билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва кечиши билан белгиланади; бу каби ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, улардаги турли психологик зўриқишиларни камайтиради.

2. Сюжетли ўйинлар – педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар саналади. Бу каби ўйинлар одатда педагогик муаммоларнинг ечимини излаш, таъим-тарбия жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни бартараф этиш, шахсни қайта тарбиялаш мақсадида қўлланилади.

3. Ролли ўйинлар – маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар, уларда роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади. Ролли ва ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласди. Таълим жараёни иштирокчилари (м: ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларнинг вакиллари ва б.) сифатида турли ролларни бажариш талабаларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратса, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий, энг муҳими, руҳий жиҳатдан тайёрланишга ёрдам беради.

4. Ишбилармонлик ўйинлари – маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ҳамда сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар таълим олувчиларда аниқ фаолият йўналишида зарур БКМ ва сифатларни шакллантириш ёки ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Шу жиҳатдан ишбилармонлик ўйинлари ишлаб чиқариш жараёни, касбий фаолиятининг моделлаштирилишини англатади. Ишбилармонлик ўйини талабаларда касбий сифатларни ҳосил қилиш билан бирга шахсий сифатларни ҳам тарбиялайди, уларнинг ижтимоийлашувини таъминлайди.


5. Имитацион ўйинлар – ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар сценарияси, сюжетидан ташқари, имитация жараён, объектларнинг таркибий тузилмаси ва аҳамиятини тўла очиб бериш мақсадиа моделлаштириллади. Имитацион ўйинлар жараёнида таълим олувчилар муайян операцияларни, м: масалалар ечиш, маълум бир усулни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

6. Драматик ўйинлар (психологик ва ижтимоий драмалар) – психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган

ўйинлар бўлиб, улар ташкил этилиши, методик хусусиятларига кўра ролли ва ишбилармонлик ўйинларига яқин. Одатда психологик ва ижтимоий характердаги драматик ўйинлар жамоадаги муҳитни яхшилаш, шахсларо муносабатларнинг ижобий бўлишига эришиш, мулоқотга кириша олиш, жамоада ягона бирликни қарор топтириш, ўзгаларнинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, оғир вазиятларга уч келган субъектларга ёрдам қўрсатиш ҳамда самарали, унумли фаолият қўрсатиш учун зарур шароитни яратишга хизмат қиласди.


Барча ўйинларда бўлгани каби педагогик ўйинлар жараёнида ҳам иштирокчи-талабалар фаол ҳолатда бўлади, шериклари билан ўзаро муносабатга киришади, шунингдек, ўз қарашларини шериклариники билан таққослаш, жамоа билан зарур муносабатни ўрнатиш орқали ўзини ўзи ўрганади.

Педагогик жараёнда ўйинлардан фойдаланишда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан:


- 
- ўйин сценарийсини тайёрлаш;
 - йўриқномалар тузиш;
 - аудиторияни ўйин моҳиятига мувофиқ жиҳозлаш

Сценарий ва унинг моҳияти муҳим аҳамиятга эга. Зоро, айнан сценарийгина тегишли таълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришиш имкониятини таъминлайди. Ўқитувчилар ўйин сценарийларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишлари, сценарийни тайёрлаш малакасига эга бўлишлари зарур.

Педагогик характердаги ўйинларнинг таркибий тузилмаси қуидагилардан иборат:

- 
- ўкув мақсади;
 - ўйиннинг вазифаси;
 - ўрганиладиган муаммо тафсилоти;
 - ўйин вазиятининг тафсилоти;
 - иштирокчиларнинг таснифи

Таълим жараёнида ўйин технологиялари қўллаш қуидагиларга асосланади:


- 
- гурӯҳни шакллантириш;
 - машғулотларнинг бош мақсадини ифодалаш;
 - муаммоли вазиятни вужудга келтириш;
 - ролларни тақсимлаш,
 - ўйин регламентини ўрнатиш;
 - материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш;
 - маслаҳат бериш

Ўйин технологияларини қўллашда роллар қуръа ташлаш йўли

билин тақсимланади. Бунда роллар номи ёзилган кичик қоғозчаларда фойдаланиш мумкин. Ролларнинг талабалар ўртасида қуръа асосида тақсимланиши келиб чиқиши эҳтимоли бўлган норозиликларнинг олдини олади. Ўйин жараёнида белгиланган вақт (регламент)га, мулоқот одобига риоя этиш, фаоллик кўрсатиш ҳамда ўйинни охиригача давом эттириш кутилган натижани кафолатлайди. Шунингдек, қуидаги омиллар педагогик мақсадларда ўйин технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлайди:

- ўйин сценарийсининг пухта тайёрланганлиги;
- ўйин мақсади ва вазифаларининг тўғри, аниқ белгиланиши;
- ўйин қоидаларининг аниқ, лўнда (8-10 тагача) ифодаланиши;
 - ўйин йўрикномасининг мавжудлиги;
 - талабаларнинг ўйин жараёнига қизиқишилари;
 - ролларнинг самарали, тўғри тақсимланиши;
 - жамоада кўтаринки кайфиятнинг юзага келиши;
 - иштирокчиларнинг бир-бирларини тушуна олишлари ва қўллаб-қувватлашлари;
 - ҳар иштирокчининг ўйин натижаси учун масъулиятни хис этиши;
- барча иштирокчилар имкониятларининг ягона мақсадга йўналтирилиши

Педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйинлар қуидаги технологияга эга (13-расм):



13-расм. Педагогик ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

Ўйин жараёнида ҳеч ким ҳалақит қилмаслиги керак. Борди-ю, зарурият бўлсагина фақат бошловчи иштирокчиларнинг ҳаракатларини тузатиши, уларни тўғри йўналтириши мумкин.

Хар қандай жараён сингари ўйин якунида унинг ташкил этилиши,

ўтказилиши юзасидан мухокама ўтказилиши зарур. Мухокама чоғида ўйин иштирокчилари, томошабин (жамоанинг ўйина иштирок этмаган аъзолари), экспертлар ўйиннинг ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиради.

Мухокама жараёни қуидаги тартибда ташкил этилади:

- тақризчиларни чиқишлари;
- фикрлар алмашинуви;
- иштирокчиларнинг ўз қарорлари ва хулосаларини химоя қилишлари;
- ўйинга якун ясаш

Ўйин технологияларининг методик таъминоти лойиха, ўйиннинг мезонлари, иш қофозлари (методик кўрсатмалар), ўйин моҳиятини ёритувчи хужжатлар (сценарий) кабилардан иборат. Педагогик жараёнда қўлланиладиган ўйинлар субъект фаолиятини тақозо этадиган ҳамда машина (м: компьютер) ўйинлари тарзда фарқланади. Ўйинлар чоғида турли воситалар (компьютер, имитацион тренажёрлар, спорт анжомлари (коптоқ, арқон, ҳалқа), хомашёлар (пластилин, юмшоқ ўйинчоқларни ясаш учун материаллар, рангли қаламлар, иш қофозлари, ўйинчоқлар, леголар, конструкциялар, декорациялар ва б. керак бўлади.

II. Муаммоли ўқитиши такомиллашган ўқитиши технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиши технологияси муаммоли таълимидир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли таълим ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли таълим – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим

Бу турдаги таълимнинг илк фоялари америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи (1859-1952 йй.) томонидан асосланган. У 1894 йилда Чикагода ўқитиши ўқув режаси бўйича эмас, балки ўйин ва меҳнат асосида олиб бориладиган тажриба мактабини ташкил этган.

Ж.Дьюи муаммоли таълим асоси сифатида қуидаги йўналишларни белгилаган (14-расм):



14-расм. Муаммоли таълимнинг асоси бўлган йўналишлар

Муаллиф кўрсатилган йўналишларда таълимни ташкил этиш учун қуидаги воситалардан фойдаланган:

- { 1) сўз; санъат асарлари; техник қурилмалар;
2) ўйинлар; меҳнат }

Ўтган асрнинг 60-йилларида муаммоли таълим Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Окон, И.Я.Лернер каби тадқиқотчиларнинг қарашлари негизида янада ривожланган. С.Л.Рубинштейннинг “Тафаккур муаммоли вазиятдан бошланади” деган ғояси муаммоли таълимнинг психологик асоси сифатида қабул қилинган.

Муаммоли таълимнинг бир неча турлари мавжуд. М: М.Н.Скаткин ўз ишларида муаммоли таълимнинг қуидаги турлари борлигига урғу беради (15-расм):



15-расм. Муаммоли таълимнинг асосий турлари

Муаммоли таълимнинг асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли ТТ уларнинг ечимини топишга хизмат қиласди. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қиласди.

Муаммо (юон. “тўсиқ”, “қийинчилик”, араб. “жумбокли”, “сирли”, “тушунилиши қийин”) – ҳал қилиниши мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала

Моҳиятига кўра муаммо уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш, уни ҳал этишда аҳамиятли, самарали бўлган йўл, метод ва воситаларни излаш, уларнинг самарали эканлигини асословчи далилларни тўплаш, далилларни янгича, янги таҳлитда изоҳлаш асосида ҳал қилинади.

Педагогика соҳасида кўп ҳолатларда “муаммо” тушунчаси ташкилий- педагогик, психологик, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Соҳа нуқтаи назардан педагогик жараёнда қуидаги характердаги муаммоларга мурожаат қилинади:

- дидактик характердаги муаммо;
- амалий характердаги муаммо;
- илмий-методик характердаги муаммо;
- соф илмий характердаги муаммо

Маълум билимлар, номаълум билимлар ва мавжуд тажриба муаммонинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.


Педагогик муаммо – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала

Таълим жараёнида муаммони қўйиш бир неча сатҳда кечади. Улар (3-жадвал):

3-жадвали. Муаммони қўйиш даражалари

Даражалар	Муаммони қўйиш моҳияти
1-даражা	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-даражা	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-даража	Ўқитувчи муаммони қўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаған ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усулларини таҳлил қилади

Таълим жараёнида масалани қўйишда мавжуд шарт-шароитларни аниқлашда муаммо фундаментал асос сифатида намоён бўлади. Ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришда муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши қўйидаги босқичларда кечади (16-расм):




16-расм. Муаммони қўйиш ва ҳал этиш босқичлари

Педагогик жараёнда талаба “муаммо”га эмас, балки муаммоли вазиятга рўпара қилинади.

Муаммоли вазият – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ рухий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади

Дарҳақиқат, муаммоли вазият деганда талабанинг ҳозирда ёки келгусида таълим мақсадига эришиши учун хавф туғдираиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш бир неча босқичда кечади. Яъни (17-расм):




17-расм. Муаммоли таълимнинг асоси бўлган босқичлари

Педагогикада муаммоли вазият методи ҳам қўлланилади.

Муаммоли вазият методи – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида унинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл

Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазият методи қўлланилганда талабаларнинг фаолиятлари куйидаги тизим асосида ташкил этилади (18-расм):



18-расм. Муаммоли вазият методига асосланган талабалар фаолияти

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги талабаларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда талабалар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганади.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси қуйидагича:

- муаммоли вазият тавсифини келтириш;
- талабаларга кичик гурухларга бўлиш;
- гурухлар томонидан муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларининг аниқланиши:
 - гурухларнинг муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритиши;
 - гурухлар томонидан муаммоли вазият ечими борасидаги вариантларнинг асосланиши;
 - варианtlар орасидан тўғри ечимнинг танланиши;
 - гурух томонидан ечимнинг баён этилиши;
 - жамоада ечим юзасидан муҳокаманинг ташкил этилиши

Таълим жараёнида муаммоли вазият методини қўллаш қуйидаги тартибда кечади:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди.
2. Ўқитувчи томонидан муаммо вазият баён қилинади.
3. Ўқитувчи талабаларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
4. Ўқитувчи талабаларни кичик гурухларга ажратади.
5. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлайди.
6. Гурухлар муаммони ечиш имкониятларини муҳокама қиласди.
7. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари танланади.
8. Кичик гурухлара муаммоли вазиятнинг ечими топилади.
9. Гурухлар ечим юзасидан тақдимот қиласди.
10. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
11. Жамоа ўқитувчи билан муаммоли вазиятнинг самарали ечимини

Муаммоли вазиятни ечишда қуйидаги усууллар қўлланилади:

- муаммони турли нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- мавжуд далилларни солиштириш ва умумлаштириш;
- қўшимча далилларни аниқлаш ва уларни ўзаро қиёслаш;
- муаммо билан боғлиқ холосаларни чиқариш;
- талабаларнинг мустақил равишда муаммони қўйишлари

Муаммоли вазият методи қўйидаги афзаликларига эга:

- талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- талабалар муамонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишни ўрганади;
- талабаларнинг билим ва қобилиятларини
- баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- талабалар фикрлар ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганади

Таълим жараёнида ушбу методни қўллашда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланай. Улар:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаф этилади;
- қўйилган муаммо талабаларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- қўп вақт талаф этилади

Моҳиятига кўра муаммоли таълим муайян технологияларга асосланади.

Муаммоли таълим технологиялари – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби қўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласидиган таълим технологиялари

Муаммоли таълим технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Ушбу технологияларнинг асосий ғояси – шахсни фикрлашга, муаммо моҳиятини тушуниш, муаммоли вазиятни ҳал қилишга ундаш, унда муаммони ҳис қила (кўра) олиш, ечимни топиш йўлида тадқиқот олиб бориш ва муаммони ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш саналади.

Ушбу таълим технологияси жуда қадимдан шаклланган. М: қадимги Грецияда Суқрот томонидан қўлланилган усул, қадимги Хиндистон, Хитой, Мовароуннаҳрда қўлланилган баҳс-мунозалар. Замонавий таълимда қўлланилаётган муаммоли таълим технологиялари 1894 йилда америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи томонидан (Чикаго тажриба мактабида) асосланган.


Бу турдаги таълим технологияларининг қўйидаги шакллари мавжуд:

- муаммоли баён;
- муаммоли маъруза;
- эвристик сухбат;
- муаммоли намойиш;
- изланишга асосланган амалий машғулот;
- ижодий топширик;
- хаёлий муаммоли тажриба;
- муаммо фаразларини шакллантириш;
- масалаларни муаммоли ечишнинг оптималь варианларини танлаш;
- муаммоли вазифа;
- муаммоли ўйин

Таълим тизимида муаммоли маъруза муаммоли таълимда энг кўп қўлланиладиган ўқитиш шакли саналади.

Муаммоли маъруза – ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаолиятини оширишга йўналтирилган маъруза

Муаммоли таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ўқитувчилар уларни тўғри танлашга эътибор қаратишлари зарур. Кўйидагилар муаммоли таълимнинг асосий методлари саналади (19-расм):




19-расм. Муаммоли таълим методлари

III. Интерфаол таълим таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли сифатида эътироф этилаётган таълим тuri ва ўқитиш шакли саналади.

Интерфаол таълим (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим

Моҳиятига кўра интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларини англатади. Мантиқий нуқтаи назардан эса интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришлиарини ифодалайди.


Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат кўйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади (20-расм):



20-расм. Анъанавий таълимга асосланган сухбат

Интерфаол таълим ўқитиши жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гурухи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккilanмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гурухи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълимда сухбат қўйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади (21-расм):




21-расм. Интерфаол таълимда ташкил этиладиган сухбат (диалог)

Интерфаол ТТ моҳиятига кўра сухбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, қўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.


Ўкув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ,

бунда ўқитувчининг маълум даражада қуидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади (22-расм):



22-расм. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар

Шу оиласн оирга интерфаол ТГни қўллаш самарадорлиги қуидаги иккиласмчи омилларга ҳам боғлиқ (23-расм):



23-расм. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар


Одатда интерфаол ТГга асосланган таълимий ҳаракатлар қуидаги шаклларда ташкил этилади:

- индивидуал;
- жуфтлик;
- гурӯҳ;
- жамоа билан ишлаш

Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар қўйидаги имкониятларга эга бўлади:

- гурух ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гурух ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилияtlарини тўлиқ намоён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш, энг муҳимларини саралаш;
 - ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
 - ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш

Интерфаол таълим муайян белгиларга эга. Қўйидагилар интерфаол таълимга хос асосий белгилар саналади (24-расм):



24-расм. Интерфаол таълимнинг асосий белгилари

Изоҳ: Рефлексия (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш), ўз-ўзини таҳлил қилиши.

Барча таълим турлари каби интерфаол таълим хам устувор тамоилиларга эга:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гурухнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қиласади

Интерфаол таълим қуидаги имкониятларга эга:


- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рафбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг рухиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг пухта ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун педагоглар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:

1. Таълим жараёнига жамоадаги барча ўқувчиларнинг тўла қамраб олиниши.
2. Талабаларнинг машғулотларга руҳан тайёрликларини инобатга олиш.
3. Талабалар сонининг кўп бўлмаслиги (25-30 нафар ўқувчи билан кичик групкаларда ишлаш самаралидир).
4. Ўқув хонасининг жиҳозланиши (стуллар доира, арча, “Жонли линия” каби шаклларда жойлаштирилади).
5. Топширикни бажариш, материалларни тақдим этиш, групкаларнинг ишланмаларини мухокама қилиш учун вақтнинг аниқ белгиланиши.
6. Талабаларнинг кичик групкаларга моҳирона бириктирилиши (ҳар бир групда фаол, нофаол талабаларнинг тенг миқдорда бўлиши)

Изоҳ: Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада талабалар, катта доирада эксперт групчи жойлашади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол таълимнинг қуидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум (25-расм):



25-расм. Интерфаол таълимнинг асосий шакллари

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуидаги энг оммавий технологиялар

қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Суҳбат” ва б.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зигзаг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модулини ўқитиш мисолида ўқитиш амалиётида бугунги кунда фаол қўлланилаётган интерфаол методлар тўғрисида ЎММнинг 2-қисмида сўз юритилади.

IV. Модулли-кредит тизими замонавий таълимнинг энг такомиллашган шакли саналади. Бугунги кунда тараққийпарвар инсоният давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйишининг янгидан янги йўлларини излашда давом этмоқда. Бинобарин, юқорида айтиб ўтилганидек, инсониятнинг омон қолиши ва ривожланишда давом этишининг ягона чораси ирқий, этник, диний зиддиятларга барҳам бериш ва ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка эришишdir.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам халқаро ҳамкорликка эришиш, олий маълумотли, малакали кадрларни тайёрлашга ягона ёндашувни қарор топтириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. 1954 йилнинг 19 декабрида қабул қилинган Европа кенгашининг Европа маданияти конвенцияси ҳам дастлаб мазкур минтақа давлатлари миқёсида олий маълумотли, малакали кадрларни тайёрлашга нисбатан ягона ёндашувнинг қарор топиши учун замин тайёрлаган эди. Ҳозирда эса у жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари университет (институт, академия)лари фаолиятининг ўқитиш тизимида ягона малакавий талаблар асосида ташкил этилишида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур Конвенция ғоялари Европа ҳудудида шахс тафаккурини шакллантиришда кўп тилликка асосланиш учун зарур шарт-шароитларни ҳосил қилишдан иборат эди. Конвенцияни имзоловчи томонлар ўз ҳудудларида фуқаролар томонидан Европа ҳудудида мавжуд бўлган тиллар, турли миллатларнинг тарихи ва ривожланиш тараққиётини ўрганиш ҳамда ўз ҳудудида бошқаларга ўз тили ёки бошқа тилларни ўргатиш имкониятини яратиб бериш⁵лари зарур эди.

Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратилиши учун илк қадамлар 1949 йилда қўйилди. Худди шу йили асосий мақсади

⁵ Болоньский процесс // <http://sun.tsu.ru/mminfo/000063105/340/image/340-081.pdf>.

Европада ижтимоий, иқтисодий жараёнлар кечиши ва бирлигини таъминлашдан иборат бўлган биринчи халқаро ташкилот – Европа Кенгаши ташкил этилди.

Болонья жараёни ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашуви жараёнидир. Ушбу жараённинг расман бошланиш муддати 1999 йилнинг 19 июни деб эътироф этилган. Бинобарин, худди мана шу санада 29 мамлакат вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланган эди. Айни вақтда мазкур тизим ўзига 1954 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Европа маданияти Конвенциясини ратификация қилган (олий давлат ҳокимияти органи тасдиқлаган) 49 мамлакатдан 47 иштирокчи мамлакатларни қамраб олган.

Болонья тизимининг асосий мақсади ижтимоий субъектлар томонидан олий маълумот олиш имконини кенгайтириш, Европа олий таълимининг сифати ва самарадорлигини истиқболли ошириш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, фаоллигини ривожлантириш, шунингдек, академик даража ва бошқа касбий малакаларнинг меҳнат бозорига йўналтирган ҳолда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан муваффақиятли таъминлашдан иборат. Мазкур тизимни қабул қилган мамлакатлар олий касбий таълимни замонавийлаштириш, олий ўқув юртларининг Европа комиссияси томонидан молиялаштириладиган турли лойиҳаларда тенг ҳукуқлилик, ҳамкорлик асосида қатнашиш, талабалар ва ўқитувчиларни ўзаро академик алмаштириш учун янги имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Тизимнинг умумий асослари Болонья шаҳрида имзоланган декларацияда ўз ифодасини топган. Улар қуйидагилардан иборатdir:

1. Диплом иловасига кўра фуқароларни ишга самарали жойлаштириш, Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатга бардошлилигини ошириш имкониятини яратадиган ўзаро мувофиқ келувчи академик даражалар тизимни қабул қилиш.

2. Икки цикли: тайёргарлик ва битирув таълимига ўтиш. Таълимнинг биринчи цикли уч йил давом этади. Иккинчи цикл эса магистрлик ва докторлик даражаларини олиш учун йўналтирилади.

3. Кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-куватлаш учун мashaқатli синов бирликларини қайта топширишнинг Европа тизимиغا ўтиш. Мазкур тизим талабаларнинг ўрганиладиган фанларни танлаш ҳукуқига эга бўлишлари учун имконият яратади. Бунинг учун асос сифатида “Умр бўйи таълим олиш” концепцияси доирасида қўллаш имконини берадиган тизим - ЕСБТ (Европа синов бирликлари тизими)ни қабул қилиш таклиф этилади.

4. Ўқитувчилар алмашинувини ривожлантириш. Европа ҳудудида ишга сарфланадиган вақт даврини инобатга олган ҳолда ўқитувчилар ва б. ходимлар алмашувини кенгаштириш. Трансмиллий таълим стандартларини ўрнатиш.

5. Ўзаро мос мезон ва методологияларни ишлаб чиқиш ҳамда сифатини таъминлашда Европа ҳамкорлигини қарор топширишга кўмаклашиш.

6. Олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва олий ўқув юртлари талабалари ва ходимлари фаолиятини ташки баҳолашга тортиш.

7. Олий таълимда, айниқса, ўқув режаларини такомиллаштириш, олий таълим муассасалариаро ҳамкорлик, талаба ва ўқитувчилар алмашинуви ва биргаликдаги таълим дастурлари, илмий тадқиқотларни ўтказишга оид амалий тайёргарлик ва уларни олиб бориш борасида зарур европача нуқтаи назарларнинг шаклланишига кўмаклашиш.

Декларацияга аъзо бўлиш учун қуидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- олий ўқув юртигача 12 йиллик таълим;
- икки босқичли олий таълим-бакалавриат ва магистратура;
- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши

Болонья декларациясига аъзо давлатларда таълим модул-кредит тизими асосланади.

1989 йилда Европада Европа ҳамжамиятининг **ERASMUS** (European Community Action Scheme for mobility of University students) ва **TEMPUS** каби дастурлар жорий этилди.

2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларацияси имзоланди. Бугунги кунда ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви 145 та олий ўқув юртларини қамраб олган. Улар ўртасида Европа университетлари таълими натижаларини ўзаро тан олиш тизими – **ECTS** (European Credit Transfer System) шакллантирилган.

“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради

Модул-кредит тизими – хар бир ўқув фани (модули)нинг талабалар томонидан маълум микдордаги кредит бирликлари асосида ўзлаштирилишини таъминловчи тизим

Кредит бирликларининг сони талабалар томонидан сарфланадиган меҳнат сарфида мос ҳолда белгиланади. **Талабанинг меҳнат сарфи** – аудитория машғулотлари, мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Ўқув фани (модули)ни ўрганиш учун талаба томонидан сарфланган умумий меҳнат сарфи микдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши лозим. Айни ўринда айтиб ўтиш зарурки, кредитлар

аудитория соатлари билан чегараланиб қолмай, балки талабанинг аудиториядан ташқари шароитда ҳам ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш учун сарфлайдиган юкламани ҳам инобатга олган ҳолда белгиланади.

Одатда ўқув режасига киритилган фанлар бўйича ажратиладиган кредитлар сони 3 га teng. Баъзан ўқув фани учун ажратилган кредит сони 3 тадан

кўп ёки кам бўлиши мумкин. Кредитлар барча (мажбурий ва ихтиёрий) танланган ўқув фанлари бўйича тақсимланади.

Кредитларнинг тақсимланишида фан бўйича курс лойиҳалари ва амалий ишларининг мавжудлиги иноатга олинади. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар миқдори фаннинг мураккаблиги ҳамда талabalар томонидан унинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади. ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда – 30 тани, ўқув йили давомида – 60 тани, бакалавриат даврида эса – 240 ни ташкил этади.

ECTS кредит технологиясига ўтишдан кўзланган мақсад талabalарга хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиш; муайян давлатдаги мавжуд таълим олиш муддатининг хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш; Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш; талabalар қобилятини тўла ривожлантириш ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш.

Модул-кредит тизими ҳам муайян тамойилларга таянади. Улар:

1. Transferancy – ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) алмашиш схемасига киритилган талabalарнинг ўқиши натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш; 2) олий ўқув юртларининг ўз ахброт пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш; 3) олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. Agreement – талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидағи фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. Credits – Host (талаба қабул қиласиган) университетида муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post (талабани бошқа ОТМга юборган) университетда ҳисобга олиниши зарур.

4. Таълимнинг инсонпарварлашуви – шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобилятини очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

5. Таълимнинг индивидуаллаштируви ҳар бир талабанинг

индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70 % ни, мажбурий фанлар эса 30 % дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70 % ни, аудиториядаги иши эса 30 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қиласди.

6. Таълимнинг самарадорлиги гурухда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишлига, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талabalар томонидан ўз қобилияtlари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Бу асосида таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

Замонавий ўқитиши технологияси, ОТМнинг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишининг юқори сифатлари – ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаси бўйича барча ўқув фанлари икки гурухга бўлинади:

- 1) мажбурий фанлар;
- 2) талаба томонидан ихтиёрий танланадиган фанлар.

Улар тахминан 1:2 нисбатда бўлади.

Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлиши зарур. Қолаверса, талаба ҳар бир ўқув фани бўйича ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

Модул-кредит тизими учун ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони камида 3 та, кўпи билан 7 та бўлиши, мустақил ишга ажратилган соатларнинг аудитория соатларидан кўплиги ўзига хос жиҳатлар саналади.

Асосий хужжат **транскрипт** (transcript of ruords) – унификациялашган хужжат бўлиб, ягона шаклга эга

Транскрипт таълим натижаларининг тан олиниши учун мажбурий хужжат саналади. Унда талаба ўқиётган давлатда қабул қилинган баҳолаш тизими ҳамда ўз мамлакатида олган баҳолари тўғрисидаги маълумот берилади.

Ўқув фанлари бўйича дастурлар “силлабус” деб номланиб, улар қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

- ўқув фанининг тўлиқ номи ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;
- ўқув фанини ўрганишдан кўзланган мақсад;
- ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- машғулотлар жадвалииловасига асосланган тақвимий режа;
- ўқитиши технологияси;
- талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- талabalар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати

Модул-кредит тизимиға кўра ўқув машғулотлари шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ва талабанинг мустақил ўқиб-ўрганишига асосланади.

Таълимнинг биринчи босқичида ҳар бир талабага ахборот пакети берилади. Унда маълумотлар мавжуд бўлиб, улар талабаларга модул-кредит тизими бўйича муваффақиятли таълим олиш шартларидан хабардор бўлиш имкониятини яратади:

- олий таълим муасасаси ҳақида маълумот;
- ўқув режаси;
- ўқув жараёнининг графиги;
- ўқув фанларининг мазмуни;
- ОТМда мавжуд бўлган ўқитиш тизимининг
- методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар:
 - талабалар билимини баҳолаш тизими ва
 - баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;
- ижтимоий-маиший шарт-шароитларга оид маълумотлар;
 - ОТМ фаолиятининг тарихий тараққиёти ва
 - унинг замонавий ривожига оид маълумотлар;
- қўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар

Ўқув кредитларини ҳисоблашда ҳафталик аудитория ўқув юкламаси 36, талабаларнинг ҳафталик меҳнат сарфи ўртача 54 соат миқдорида қабул қилинган.

Модул-кредит тизими бўйича ташкил этиладиган таълим учун ҳам таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режаси таълим жараёни учун асоси бўлиб хизмат қиласи. Айнан ўқув режасига мувофиқ ўқув фаолиятининг турлари бўйича талабалар томониан сарфланадиган меҳнат сарфлари аниқланади. Ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфларини ҳисоблаш тахминан шундай кечади (4-жадвал):

4-жадвал. Ўқув фаолияти турлари бўйича кредитлар тақсимоти (намуна)

№	ДТС асосида ўқув фаолиятининг номи	Ҳафт алар сони	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1.	Назарий ва амалий таълим	136	[136·36]	136·54=7344 36·36=344	7344·0,02 9=213
2.	Педагогик амалиёт	8	288	432	13
3.	Битирув иши	5	5·36=180	5·54=270	8
4.	Аттестация	19	-	-	6
5.	Таътил	32	-	-	
Жами:		204	5508	8262	240

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар

ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициенти (K_{yt})ни аниқлаш талаб этилади:

$$K_{yt} = 240:8262-0,029$$

Бу ерда: 240 – бакалавриатнинг ECTS бўйича умумий меҳнат сарфлари йигиндиси, соат.

Жами кредитлар сони талабаларнинг меҳнат сарфига кўра ўтиш коэффициенти (0,029)га кўпайтирилади.

Ўқув фаолиятининг турлари, блоклар ва алоҳида ўқув бўйича кредитларни ҳисоблаш қўйидаги намуна бўйича амалга оширилади (5-жадвал):

5-жадвал. Фанлар блоклари бўйича кредитлар тақсимоти

№	Фанлар блокларининг номланиши	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1.	Умумгуманитар ва ижтимоий фанлар	1214 ($\approx 25\%$)	1726	50
2.	Математик ва табиий-илмий фанлар	846 (25 %)	1292	37
3.	Умумкасб фанлари	2034 (50 %)	3682	89
4.	Ихтисослик фанлар	468 ($\approx 10\%$)	794	23
5.	Кўшимча фанлар	334 ($\approx 5\%$)	450	14
6.	Малакавий амалиёт	432 6	648 9	19
7.	Битирув иши	180	270	8
Жами		5508	8262	240

Ўқув жараёни модул-кредит тизими асосида ташкил этилганида, одатда 4 балли ёки 100 фоизли баҳо шкаласи қўлланилади. Яъни:

A-4 б;
B-3,5 б;
C-3 б;
D -2,5;
E-2 б;
F- 1,5 б;
F-1 б

100 фоизли баҳолаш тизими тахминан қуидагича тақсимланади:

- машғулотларда қатнашиши – 5%;
- жорий назорат (тест) – 30 % (одатда 10 % дан 3 марта);
- мустақил таълим – 15 % (ўртача 5 % дан 3 марта);
 - лаборатория иши – 10 %;
 - курс лойиҳаси (иши) – 10 %;
 - якуний имтиҳон – 30 %

Европа мамлакатларида модул-кредит тизими бўйича фаолият юритаётган университетларда баҳолаш мезонлари ва даражалари қуидагича (6-жадвал):

6-жадвал. Баҳолаш мезонлари ва даражалари

Баҳолар таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш %	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло	A	90-100 (баҳолаш)	Билимларни умумлаштира олади, маълумотларни баҳолайди, таҳлил қиласи, тушунади, билади	4-даражада (ижодий даражада)
Жуда яхши	B	80-90 (синтез ва таҳлил)	Билимларни синтезлайди, таҳлил қиласи, кўллайди, тушунади, билади	3-даражада (кўникма ва малакаларга эгаликни тўла намойиш этиш даражаси)
Яхши	C	70-80 кўллаш	Билимларни кўллайди, тушунади, билади	3-даражада (кўникма ва малакаларга эгалик даражаси)
Қониқарли	D	тушуниш	Билимларни тушунади, билади	2-даражада (билимларни қайта тиклаш даражаси)
Етарли	E	50-60 билиш	Билимлардан хабардор	1-даражада (тасаввур этиш даражаси)
Етарли эмас, кўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FY	40-50	Билимлардан ёмон хабардор	0-даражада (ёмон тасаввур этиш даражаси)
Етарли эмас, кўшимча яна жуда ҳам кўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Билимлардан мутлақо хабардор эмас	0-даражада (мутлақо тасаввур эта олмаслик даражаси)

Ўқув фани (модули) материалининг 90-100 % ўзлаштирилиши учун “аъло” баҳо қўйилади. Бу касбий тайёргарликни 4-даражасига teng бўлиб,

“ижод даражаси” деб белгиланади. Агарда ўкув фани (модули) дастури бўйича материаллар камида 50 % ўзлаштирилса, у ҳолда “етарли” баҳоси қўйилади ва у ўзлаштиришнинг “тасаввур этиш даражаси” деб белгиланади. Ўкув фани материалларининг 40 % дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси (“мутлақо тасаввур эта олмаслик даражаси”)га тенг ҳисобланади.

Ҳар бир курс якунлангандан сўнг талаба кредитни якунлаганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлади.

V. Масофали ўқитиши замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашиб бораётган шакли саналади. Замонавий шароитда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим жараёнида уларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароитни вужудга келтириди. Айни вақтда етакчи хорижий мамлакатлар масофадан ўқитиши борасида бой тажриба тўпланган.

Масофавий таълим – муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълими махсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиши анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Очиқ университетлардаги ўқиши харажатлари анъанавий институтларда ўқитишига қараганда 8-10 марта арzon. М: Англияда турғун ўқишига 3000, масофавий ўқитиши орқали билим олишга эса атига 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жихозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради. Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади. Англияда ўқувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланиш хусусиятига эга.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди.

Ўқитишининг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-

бирлари ҳамда ўқитиши воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлик бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яъни ўқитиши мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўкув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-хуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.

Ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро мулоқот баёнлари, фойдаланувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган аппарат-дастурний, ташкилий-услубий таъминот ва бошқалар масофадан таълимнинг тизимиш-ташкилий мажмуи саналади.

Масофавий таълим ўқитишининг анъанавий усулларидан фойдаланиш, турғун шароитда ўқиши имкониятига эга бўлмаган, имкониятлари тиббий шарт-шароитлар туфайли чегараланган шахслар, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиши истагида бўлган абитуриентлар, иккинчи мутахассисликни эгаллашни хоҳловчи кадрларга жуда қулай шароитни яратиб беради.

Мазкур таълимни ташкил этишда ўқитувчиларнинг фаолияти фақат ўқув ахборотларини узатиш билан чекланмайди. Шу сабабли бу турдаги таълимни ташкил этишга бир неча мутахассис жалб қилинади. Улар ўз вазифаларига кўра турлича номланади. Хусусан:

1. Ўқитувчи – масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланилдиган ўқув-методик қўлланмаларнинг муаллифи.

2. Модератор – масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сұхбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог (мулоқот жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, билдирилаётган фикрларни умумлаштиради, зарур бўлганда уларни тўғрилайди, таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантиради, билиш фаолиятларини фаоллаштиради).

3. Тьютор (лот. “tutorem”) – ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи педагог (устоз, мураббий).

4. Эдвайзер (фр. “avisen” – “ўйламок”, “advisor” – “ўйловчи”) битириув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим олувчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи.

5. Фасилитатор (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” – енгил, қулай) – масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гурухларнинг фаолиятини муаммонинг ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гурухлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог.

6. Инвигилатор – масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог.

Масофавий таълим тизимида продуктив, репродуктив, муаммоли баён, эвристик ва илмий изланиш (тадқиқот) методлари қўлланилади. Мазкур тизимда ўқитиш воситалари сифатида қўйидагилардан фойдаланилади:

Китоблар (босма ва электрон шаклда); дидактик материаллар; компьютер ўқув тизимлари (оддий ва мультимедиа шаклида); аудио ўқув ахборотлари; видео ўқув ахборотлари; виртуал стенdlар; тренажёрлар; маълумотлар базаси; техник воситалар – радио, телевидение, магнитофон, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор, видеопроектор, кодоскоп, компьютер, Интернет тармоғи ва б.

Ўқув курсларида бир тингловчининг ўрнига бошқа тингловчи қатнашиши, унинг ўрнига синов топшириқларини топширишнинг олини олиш мақсадида масофавий таълим тизимида назорат видеоконференцияларни ташкил этилишига асосланади.

Масофавий таълим тизимига кўра машғулотлар маъруза, семинар, лаборатория машғулоти, курс иши, синов, имтиҳон, маслаҳат, мустақил иш каби шаклларда йўлга қўйилади.

Аввалдан ёзиб олинган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш учун шароит яратса, факсимал алоқа, хабар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради. Замонавий шароитда телекоммуникация воситалари – босма матнлар, аудио ва видеоёзувлар ўрни электрон ўқув-ахборот ресурслари, дастурлари билан тўлдирилмоқда.

Масофадан ўқитишнинг ташкилий-методик модели сифатида қўйидагилар тавсифланади:

- экстернат асосида ўқитиш;
- бир университет негизида ўқитиш;
- бир неча ўқув юртининг ҳамкорлиги;
- маҳсус масофавий ўқитиш мақсадида ташкил этилган автоном таълим муассасалари;
- автоном ўқитиш тизимлари;
- мультимедиа дастури асосида норасмий интеграллашган масофали ўқитиш;
- ягоналик модели ва б.

Хозирда ривожланган хорижий мамлакатларда масофавий таълимнинг қўйидаги моделлари (ЮНЕСКО, 2000 йил) амал қилмоқда (26-расм):



Куйидаги ушбу моделларнинг моҳияти очиб берилади.

1. Бирламчи модель (у фақат масофавий таълимни ташкил этишга хизмат қиласди; унга кўра таълимнинг кундузги шакли зарур бўлмайди; таълим барча ҳолатларда масофадан ташкил этилади; ўқитувчи ва таълим олувчилар ўқув фаолиятининг шакл, метод ва воситаларини эркинлик танлаш ҳукуқига эга; вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди; ҳудудий марказлар ташкил этилган бўлиб, уларда таълим олувчилар ўқитувчилардан маслаҳат олиш, якуний имтиҳонларни топшириш имкониятига эга бўлади; Буюк Британиянинг Очиқ университети (United Kingdom Open University) ана шу модель асосида фаолият кўрсатади).

2. Иккиламчи модель (унга кўра таълим қисман ОТМда, қисман масофали дастур асосида ташкил этилади; ҳар икки ҳолатда ҳам дарс жадваллари, ўқитиш дастурлари, имтиҳонлар ва баҳолаш мезонлари бир хил бўлиб, эътибор амалий тажрибага, педагогика инновацияларни тадқиқ этишга қаратилиади; Австралиядаги Янги Англия университети (University of New England) шу модель асосида ишлайди).

3. Аралаш модель (масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модель; таълим олувчилар масофавий таълим курслари ва университет дастурларини ўзаро параллел равишда ўзлаштиради; анъанавий курслар доирасида виртуал семинар, тақдимот ва видео-маърузага асосланган машғулотлар ташкил этилади; бу каби интеграллашган курслар Янги Зеландиянинг Массей университети (Massey University, New Zealand)да ташкил этилади).

4. Консорциум (лот. “consortium” – “шериклик”, “биргаликда иштирок этиш”; масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма; университетлар ўқув материалларини ўзаро алмаштиради ёки муайян вазифаларни ўзаро бўлишиб олган ҳолда бажаради; м: бир университет масофавий таълим учун ўқув материалларини тайёрласа, иккинчиси виртуал ўқув гурухларини ўқитувчилар билан таъминлайди ёки масофавий таълим дастурларининг аккредитациясини таъминлайди; бундай ҳолатда университет, унинг марказлари, факультетлари, нодавлат ташкилотлари, давлат муассасалари университетлар билан ҳамкорликка эришишлари мумкин; Канададаги

Очиқ ўкув Агентлиги (Open Learning Agency, Canada) ушбу модел асосида иш кўради).


5. Франчайзинг (ингл. “franchise” – “лицензия”, “хукуқ”; ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўzlари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳукуқининг бериши; ушбу модел асосида таълим олувчилар гарчи муайян университетда таҳсил олсалар-да, консорциумга аъзо етакчи олий таълим муассасасининг талабаси оладиган ҳажмда сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш ҳукуқига, қолаверса, улар каби дипломга эга бўлади; Буюк Британиянинг Очик университети қошидаги Бизнес Мактаби (Open University Business School, Great Britain) билан ўзаро ҳамкорликка эришган Шарқий Европадаги қатор университетлар ана шу моделга асосланиб фаолиятни ташкил этади).

6. Валидация (ингл. “validation” – “қондириш”; таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши; масофали таълимнинг кенг тарқалган бу моделига кўра ўзаро ҳамкор таълим муассасалари тенглик тамойилига мувофиқ масофавий таълимни барча даражада биргаликда ташкил этиш хусусида келишиб олади; уларнинг бири диплом валидацияси, иккинчиси ўкув курслари, дастурларини акредитация қиласи, учинчиси намунадаги диплом ҳамда сертификатларни бериш учун масъул бўлади, илмий даражалар беради ва ҳ.к.).

7. Узоклаштирилган аудиториялар (унга кўра замонавий ахборот технологиялари ва инновацион характердаги таълим воситалари кенг қўлланилади; бир олий ўкув юртида ташкил этилаётган ўкув курслари, маъруза ва семинарлар ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўкув аудиторияларга телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радиоэшиттириш кўринишида узатилади; ўқитувчи бир вақтнинг ўзида талabalарнинг катта аудиторияси билан ишлайди; АҚШнинг Висконсия университети (Wisconsin University, USA), Хитойнинг марказий радио ва телеведение университети (China Central Radio and TV University)да масофавий таълимнинг ушбу моделидан фойдаланилади.

8. Лойиҳалар (у давлат таълим ёки илмий-тадқиқот дастурлари доирасида кенг қамровлик лойиҳани амалга ошириш учун мўлжалланади; асосий эътибор ўкув материалларини тайёрловчи етакчи мутахассислар, ходимлар, масофавий таълим курсларини ташкил этадиган ўқитувчи ва олимлардан иборат илмий-методик марказни шакллантиришга қаратилади; марказ томонидан тайёрланган масофавий таълим курслари муайян давлат худудида катта аудиторияга узатилади; лойиҳа доирасида режалаштирилган ишлар бажарилгач (тутатилгач) яқунланади; Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатларида турли халқаро ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги, агротехника, экология бўйича ташкил этиладиган ана шу моделга мисол бўла олади).

Масофавий таълим ҳам барча таълим турлари касби муайян тамойиллар асосида ташкил этилади. Улар (27-расм):



27-расм. Масофавий таълимининг устувор тамойиллари

Кўйида ушбу тамойилларнинг моҳияти очиб берилади.

1. Интерфаоллик тамойили (у талаба ва ўқитувчи ўртасидаги алоқани таъминлаб қолмай, балки талабалар ўртасида ўзаро алоқани юзага келтиради).

2. Бошланғич билимларга эгалик тамойили (масофавий ўқитиш тизимида тингловчиларнинг олдиндан тайёргарлик кўришлари, техник воситалари – компьютер, модел, электрон доска ва б. билан таъминланиши, Интернет алоқа тизимига уланиши, тизимда самарали ишлай олиш малакаларига эга бўлишлар мухим).

3. Индивидуаллик тамойили (бу тамойил реал ўқув жараёнида кириш ва оралиқ назоратлари ўтказилишини, уларнинг натижаларини таҳлили асосида индивидуал ўқув режалари тузилишини ифодалайди).

4. Идентификациялаш тамойил (у масофавий ўқитиш тизимида мустақил таълим натижаларини назорат қилиш шакли бўлиб, талабаларнинг БКМ даражасини ўрганишда бевосита мулоқот видеоконференцияларидан фойдаланиш, шу мақсадда самарали техник воситаларни қўллашни назарда тутади).

5. Таълимнинг аниқ вақтга асосланиши тамойили (унга қўра ўқув жадвали қатъий режалаштирилади ва режалаштирилган жадвалга қатъий риоя қилиниши назоратга олинади).

6. Таълимнинг ошкоралиги ва ўзгарувчанлигини тъминлаш тамойили (масофавий таълимнинг ёш, маълумоти жиҳатидан турлича бўлган талабалар учун қулайлигини, ўқитишнинг очиқ режалаштирилишини; таълим вақти, суръати ва жойини эркин танлаш имконияти мавжудлигини; ўқув машғулотларида ихтиёрий қатнаша олишини, изчиллик, тизимлилик, узвийлик нуқтаи назаридан ўқув материалларининг мунтазам ўзгариб боришини тъминлаш имкониятига эгалиги тавсифлайди).

7. Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг педагогик

мақсадга әгалиги тамойили (унга кўра масофавий таълим тизимини лойихалаштириш, яратиш ва ташкил этишда мавжуд техник воситаларини мақсадга мувофиқ қўлланилиши таҳлил қилиб борилиши ҳамда уларни қўллашда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларнинг олди олиниши лозим).

Ўқув юртларида масофавий таълимнинг ташкил этилиши муайян жараён сифатида кечади. Табиийки, ҳар бир жараён маълум босқичларда амалга оширилади. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлар қўйиагилардир:

Ўқув муассасасларида масофавий таълимни амалга ошириш қўйидаги босқичларда амалга оширилади (28-расм):



28-расм. Масофавий таълимининг устувор тамойиллари

Айни ўринда масофавий таълимни амалга ошириш босқичларининг моҳияти хусусида сўз юритилади.

1. Таҳлил босқичи (унда ўқув муассасининг масофавий таълимни ташкил этишга бўлган эҳтиёжи, таълим олувчиларнинг сони, таълим шакли, метод ва воситалари, лойихани амалга ошириш учун зарур бўлган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойихани иқтисодий асослари таҳлил қилинади).

2. Лойихалаштириш босқичи (унда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқлар лойихалаштирилади).

3. Жорий қилиш босқичи (ушбу босқичда масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга мувофиқ домен танланади; масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуудан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатишни таъминловчи ходимларга иш ўргатиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилади).

4. Ўқув контентларини яратиш босқичи (унда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда масофавий таълимнинг асосий элементларидан бири – ўқув контентлари яратилиб, улар эксперталар томонидан экспертизадан ўтказилади).

5. Ишга тушириш босқичи (унда масофавий таълим жараёни ишга туширилади; ўқув жараёни доимий назоратга олинади; тизим хавфсизлиги мониторинг қилиб борилади).

6. Ривожлантириш босқичи (унда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади).

Масофавий таълим технологиялари таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир

Ушбу технологиялар таълим ахборотларини тақдим этиш, таълим ахборотларини узатиш ҳамда таълим ахборотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини ўз ичига олади. Масофавий таълим технологиялари орасида электрон ахборот-таълим ресурслари (ЭАТР) муҳим ўрин тутади (29-расм).

Масофавий таълим тизимида ЭАТР электрон ахборот ташувчи воситалар – дискета, CD-ROM, DVD кабиларда ўқув ахборотини ташиш ёки Интернет тармоғи орқали электрон почта орқали юбориш имкониятини таъминлайди. Аксарият ҳолларда тингловчилар ЭАТР бўйича ўқув ахборотларини Интернет тармоғига боғланган ҳолда тегишли сайтлардан олади.

Асосий турлари



29-расм. ЭАТРнинг асосий турлари

Масофавий таълим технологиялари қўйидаги асосий талабларга жавоб бера олиши зарур (30-расм):



30-расм. Масофавий таълим технологияларига қўйилалиган талаблар

Шу билан бирга масофавий таълим технологиялари қўйидаги қўшимча талабларга жавоб бера олиши зарур:

- 1. Адаптация** (таълим олувчининг ўз шахси, тураг-жой шароити, молиявий ахволи, психологик ва физиологик хусусиятлари кўра таълим жараёнига мослаша олиши зарурлигини ифодалайди).
- 2. Иқтисодий мувофиқлик** (бу талаб таълим тизимини молиялаштиришда маблағлар миқдорининг чекланганлигини билдиради).
- 3. Ўзгарувчанлик** (у таълим сифати ва мазмунини тезкор, изчил, узлуксиз янгилаб бориш, ўкув манбалари ва материалларини модернизациялаш зарурлигини англатади).
- 4. Назорат** (ўқитишининг барча босқичларида таълим натижаларини сифатли назорат қилиш, тингловчи шахсини аниқлаш муҳимлигини ифодалайди)

Ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишда бу тизимда фаолият олиб борувчи ўқитувчилар малакасини оширишга юқори талаблар қўйилади. Ўқитувчи малака ошириш тизимига келишлари билан таълим бериш субъектидан таълим олиш обьектига айланади ва ўкув жараёнидаги ўзаро муносабатлар характеристи ўзгариади.

VI. Blended learning (аралаш ўқитиши) замонавий таълимнинг нисбатан янги, бироқ, тобора оммалашиб бораётган шакли саналади.

Blended learning (аралаш ўқитиши) – онлайн ўкув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигига гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиши шакли

Ушбу шаклдаги ўқитиши жараёнида талаба мустакил таълим олади, аммо айни вактда унга гуруҳ ва ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади. Гуруҳли машғулотлар давомида “blended learning” (аралаш ўқитиши)нинг кўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўкув материалларини ўзлаштириш борасида ўзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўнікмаларини ўзлаштириб боради, ўтилган материалларни такрорлайди ва янги мавзуни ўрганишга тайёрланади.


Blended learning (аралаш ўқитиши) кўп ҳолатларда топшириқларга таянади ва асосий, муҳим маълумотлар негизида ташкил этилади, қўшимча материаллар эса талабага онлайн платформа орқали узатиб берилади.

Талаба мустақил таълим олар экан, гурухнинг бошқа аъзолари билан онлайн режимда ташкил этилаётган мухокамада иштирок этиш орқали ҳамкорлик қиласи. Аудиторияда ва онлайн режимда ташкил этилаётган машғулотлар вақт микдори бўйича ўзаро мос келиши турлича ўзгариб туриши мумкин. Таълимнинг турли босқичларида масофавий ва мустақил таълим самарали равишда қориштириб юборилади.

Аралаш таълима ўқитувчи раҳбарлигига ташкил этиладиган машғулотлар учун соатлар ҳажми камайтирилади деган фараз нотўғридир.

Blended learning (аралаш ўқитиши)нинг муваффақияти таълим воситаларининг тўғри танланиши билан белгиланади. Бу таълим шаклининг афзаллиги шундаки, талабанинг ўзи ўқув материалини ўзлаштириш тезлиги ва таълим жараёнининг интенсивлигини ўзи белгилайди.


Аралаш ўқитиши ўзида қуйидаги Европа таълими моделларини жамлайди:

- 
- 
1. Масофавий таълим (distance learning).
 2. Аудитория таълими (face-to face learning).
 3. Интернет таълими (online learning).
 4. Узлуксиз таълим (lifelong learning)


Бу шаклдаги таълим қуйидаги шахслар учун ниҳоятда аҳамиятлидир: иш вақти қатъий тартибга солинмаган соҳаларнинг ходимлари; ишлаб чиқариш ажралмаган ҳолда таълим олишлари лозим бўлган корхона, ташкилот ва фирмаларнинг ходимлари; “жонли мулоқотга асосланган таълим” мухитида ўқишни хоҳловчи шахслар учун.

Аралаш таълимнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгарувчан ҳисобланади. Айни вақтда хорижий мамлакатларда аралаш таълимнинг ўндан ортиқ шакллари мавжуд.

Ўқитиши амалиётида аралаш таълим ўз “ўлчам” (кўрсаткич)ларига эга. Улар қуйидагилардир:

- 
- 
- малакали кадрлар гурухининг шакллантирилганлиги;
 - маҳорат дарсларига асосланган таълим;
 - юқори даражадаги ютуқлари кафолатловчи мухит;
 - талабаларнинг ўз шахсий таълимий ютуқлари учун жавобгарлиги

ОТМда blended learning (аралаш ўқитиши) қуйидагиларга асосланади:

- 
- 
1. Онлайн маъруза машғулотлари.
 2. Онлан амалий машғулотлар.
 3. Интернет тармоғида мухокама қилинадиган лойиҳа ва гуруҳ ишлари.
 4. Онлайн режимда ташкил этиладиган лаборатория машғулотлари.
 5. Онлайн режимда мустақил топшириладиган тест.
 6. Онлайн режимда ташкил этиладиган маслаҳат

VII. Маҳорат дарслари замонавий таълимнинг яна бир тобора оммалашаётган шакли саналади.

Маҳорат дарслари – очик ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли

Бу шаклдаги ўқитиш бир марталик саналади. Маҳорат дарсларини ташкил этишда қўп йиллик иш тажрибасига эга, шунингдек, самарали методика ёки технологияга эга инноватор педагогларнинг касбий малакалари очик тарзда, интерфаол мулоқот асосида ҳамкасб педагоглар ҳамда талабаларга намойиш этилади.

Малакали педагоглар томонидан маҳорат дарсларини ташкил этишда қўйидаги вазифалар бажарилади:

- муайян муаммо бўйича тажрибали, маҳоратли педагогнинг иш тажрибасининг оммалаштирилиши;
- тажрибали, маҳоратли педагог томонидан изчил ҳаракатларнинг тўғридан тўғри ва изохли намойиш этиш орқали педагогик фаолиятда самарали шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш тартибининг кўрсатилиши;
- малакали, маҳорали педагогнинг методик ёндашувларини белгиланган муаммони ҳал этиш усуллари билан ўзаро мувофиқлаштириш;
- маҳорали педагог томонидан ўзининг касбий малакаларининг шогирд (талаба)ларга ўргатилиши;
- талабаларнинг касбий такомиллашувлари учун маҳорали педагог томонидан ёрам кўрсатилиши;
- педагог ходимлар ўртасида инновацион гоя, технологияларни оммалаштириш;
- маҳорат дарслари иштирокчилари (талабалар)нинг касбий компетентликларини ошириш;
- маҳорат дарсларнинг ҳар бир иштирокчисида индивидуал ижодий педагогик фаолият услубини шакллантириш

Маҳорат дарсларини ташкил этиш натижаси сифатида қўйидаги маҳсулотлар яратилиши мумкин:

- педагогларнинг ижодий ишлари маҳсули (дастур, методик қўлланма);
 - машғулотлар учун тарқатма материаллар;
 - педагогик адабиёт ва манбалар картотекаси;
- таълим ва тарбиянинг янги шаклларини методик жиҳатдан асослаш;
 - янги педагогик технологияларни шакллантириш;
- малака ошириш курслари, семинарлар, практикумларнинг дастурлари;
 - ижодий ва оммавий характердаги тадбирлар Низоми ва б.

3. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион методлар.
Замонавий шароитда таълим тизимида инновацион характерга эга методлар ҳам қўлланилмоқда. Улар орасида энг кенг оммалашган методлар ягона ном билан номланувчи интерфаол методлар саналади.

Интерфаол методлар – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ҳамда ўқитувчи билан ҳамкорликларини ташкил этишга хизмат қиласидиган методлар

Бу турдаги методлар интерфаол таълимнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Ҳозирги кунда интерфаол методларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ўқув материалининг характеристи, талабаларнинг ёш ва психологияк хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таълим жараёнида уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш мумкин. ОТМ педагогларининг малакасини ошириш курсида ўқитилиши йўлга қўйилган “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули доирасида интерфаол методлардан ўринли, самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Ушбу ЎММнинг 2-қисмида бевосита модулни ўқитиш жараёнида самарали қўллаш имконияти бўлган интерфаол методлар тўғрисида сўз юритилиши сабабли айни ўринда уларнинг моҳиятига батафсил тўхталиб ўтилмади.

Сўнгги вақтларда “Кейс-стади” методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Шу сабабли айни ўринда ушбу метод (технология)⁶ моҳияти ҳақида сўз юритилади.

“Кейс-стади” технологияси (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – 1) талабаларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласидиган технология;
2) реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси

Технологиянинг асосий вазифалари⁷ қуйидагилардан иборат:

⁶ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.; Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

⁷ Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

1. Таҳлил кўнималари ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.
2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намойиш қилиш.
4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.
5. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўнималарини шакллантириш

Дарҳақиқат, кейс-стади талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба (талаба) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.

“Кейс-стади” технологияси дастлаб 1870 йилда АҚШнинг Гарвард университетининг хуқук мактабида таълим жараёнида кўлланилган. Ушбу технология Гарвард университетининг бизнес мактабида 1920 йилда кўлланила бошланган. Кейсларнинг ilk тўплами 1925 йилда бизнес ҳақидаги Гарвард университети ҳисботлари асосида чоп этилган⁸. Ҳозирда технология хорижий мамлакатларда иқтисодиёт, бизнес соҳаларида ҳам кенг кўлланилмоқда. Ўзбекистонда мазкур технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш йўлидаги ҳаракатлар мустақиллик йилларида фаоллашди.

Замонавий ўқитиши амалиётида ўкув кейсларининг қуидаги турлари кўлланилмоқда (31-расм):



⁸ Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.

Таълимда қўлланиладиган “Кейс-стади”нинг тайёр вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни сотиб олиш мумкин. Бироқ, энг самарали йўл ҳар бир фан бўйича кейсларнинг мустақил яратилишига эришишdir. Биргина Гарвард университетида йилига 700 та кейс ишлаб чиқилади. Уларнинг нархи 10 \$. Аммо баъзи кейсларнинг нархи 500 та 1000 \$ гача. Лондон бизнес мактаби ва бошқа бизнес мактаблар ўзларида 340 нафарга яқин иштирокчиларни бирлаштирган ҳолда кейсларни яратиш билан шуғулланади.

Технология талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради, турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида улар томонидан билимларнинг фаол ўзлаштирилиши учун имконият яратади.

“Кейс-стади” ёрдамида талабалар қуйидаги кўникма, малакалар⁹га эга бўлади:

- 1. Таҳлилий кўникмалар** (маълумотларни ахборотлардан ажратса олиш, уларни турқумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш; бунинг учун шахс аниқ, мантиқий фикрлай олиши керак).
- 2. Амалий кўникмалар** (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллай билиш).
- 3. Ижодий кўникмалар** (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилиш талаб этилади).
- 4. Мулоқот кўникмалари** (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур).
- 5. Ижтимоий кўникмалар** (карорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-харакатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсада ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим).
- 6. Ўз-ўзини таҳлил** (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим)

Ҳар ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта асосланишига эриша олиши лозим. Кейс топшириқларининг амалий-дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқища қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

⁹ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

- мақсад аниқ ифода этиш (мақсад икки хил
(ёки ундан ортиқ) тушунилмаслиги;
- савол ёки топшириқлар маълум даражада мураккаб бўлиши;
- ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатини ёрита олиши;
 - тезда ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаслиги;
 - миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;
- таълимнинг барча йўналиш ёки соҳаларига оид типик вазиятларни ифодалashi;
 - долзарб аҳамиятга эга бўлиши;
 - талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;
 - баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;
- бир неча ечим (қарор)ни илгари суриш имкониятини таъминлай олиши

Ўқув кейсларининг муҳим характерли жиҳатлари талабаларга муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан талабалар эътиборига адабиётлар рўйхатининг тақдим этилиши, уларга методик кўрсатма, йўриқномаларнинг берилиши ва албатта, ўқитувчи томонидан муаммонинг ечими бўйича ўз вариантининг тақдим этилиши саналади.

Адабиётлар рўйхати ўрганилаётган муаммога бевосита тааллуқли бўлиши зарур. Кейсларни ечишга доир методик кўрсатма, йўриқномалар тахминан шундай бўлиши мумкин:

1. Кейс (муаммо) билан танишинг.
2. Муаммонинг долзарблигини баҳоланг.
3. Муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида изоҳланг.
4. Кейс (муаммо)ни самарали ечиш йўлларини аниқланг.
5. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини белгиловчи метод ва технологияларни танланг.
6. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни шаклантиринг

Хорижий мамлакатлар таълими амалиётида кейслар амалий ва илмий тадқиқотларини ташкил этиш мақсадида қўлланилиши сабабли улар одатда мураккаб таркибий тузилма ҳамда ўртача (Европа), катта (АҚШ) ҳажмга эга бўлади. Кўп ҳолатларда кейслар биргина машғулот жараёнида ҳал қилинмай, балки бутун бир семестр, ҳатто ўқув йили давомида ечилади. Уларнинг бу борадаги тажрибаларидан битирув малакавий ишлари (бакалавриат), магистрлик диссертациялари (магистратура), битирув лойиҳа ишлари (малака ошириш курслари)да фойдаланиш мақсадга мувофиқир. Ўқув материалининг характеридан келиб чиқсан ҳолда оддий, мураккаб таркибий тузилишга эга бўлмаган, яъни мини тестлардан ҳам фойдаланиш амалий қийматга эгалиги таълим амалиётида ўз тасдиfinи топган.

Айтиб ўтилганидек, хорижий мамлакатлар катта ҳажмли, мураккаб илмий-тадқиқот характерига эга кейслар кўп қўлланилади ва уларни ҳал этиш бутун бир семестр, ҳатто ўқув йили давомида амалга оширилади. Ўзбекистон шароитида

ҳам ушбу кейсларан самарали фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ўрганилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида кичик ҳажмли, содда – мини кейслардан ҳам фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас. Мураккаб ва оддий мини кейслар ўртасидаги энг муҳим фарқлар – уларнинг ҳажми, мураккаблик даражаси ва таркибий тузилмасида акс этади.

Мураккаб кейс (муаммоли вазият)лар қуидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Педагогик аннотация.
2. Кириш.
3. Кейс (муаммо)нинг баёни.
4. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
5. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
6. Методик кўрсатмалар.
7. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим варианtlарини илгари суриш, варианtlар мақбуллигини текшириш).
8. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
9. Кейс ечимини таҳлил қилиш.
10. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими

Мини кейслар учун қуидаги таркибий тузилмага эгалик характерлидир:

1. Кейс (муаммо)нинг баёни.
2. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
3. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
4. Методик кўрсатмалар.
5. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим варианtlарини илгари суриш, варианtlар мақбуллигини текшириш).
6. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
7. Кейс ечимини таҳлил қилиш.
8. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими

Англанганидек, таълим жараёнида ўқув кейсларини қўллашда жараён (машғулот) якунида албатта ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими тақдим этилиши зарур. Бунинг дидактик аҳамияти бу ечим асосида талабаларнинг ўз ўқув-билиш ҳаракатларининг қанчалик тўғри, самарали, мақсадга мувофиқ амалга ошира олганликларини таҳлил қилиш, солиштириш, йўл қўйган хатоларини аниqlаш имкониятини яратиши билан белгиланади.

Кейслар типологиясида ўқув топшириғини тақдим этиш усули саволли ҳамда топшириқли бўлиши кўрсатилган. Шунга кўра талабаларнинг эътиборларига ҳавола этиладиган кейслар ёки саволли, ёки топшириқли бўлиши мумкин.

Агар кейс **саволли-кейс** бўлса, у ҳолда муаммо ёки муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга оид **бир неча саволлар** келтирилади. М:

1. Ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига берилишининг асосий омиллари нималардан иборат?

2. Ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига берилишларида ОАВнинг ўрни ва ролини қандай аниқ далиллар асосида баҳолай оласиз?

Агар кейс **топшириқли-кейс** бўлса, у ҳолда кейсни ечиш жараёнида бажарилиши зарур бўлган **топшириқлар** берилади. М:

1. Ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш омилларини аниқланг.

2. Ёшларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни самарали шакллантириш йўлларини белгиланг.

Одатда кейсларни тайёрлашда дарслик ва ўқув қўлланмалардан, балки оммавий ахборот воситалари, жумладан, Интернет материалларидан ҳам мақсадли фойдаланиш мумкин.

Педагогик туркум фанларни ўқитишида қўлланиладиган кейсларни уларнинг характеристига кўра Б.Блум таксономияси (билиш-тушуниш-англаш-таҳлил-синтез-қўллаш тизими)га мувофиқ бир неча гуруҳга ажратиш мумкин (32-расм):



32-расм. Ўқув кейсларининг асосий гурухлари

Педагогик туркум фанларни ўқитишида ушбу кейслардан самарали, мақсадли ва ўринли фойдаланиш учун зарур шароитлар мавжудлиги аниқланди. Қуйидаги мисоллар ушбу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

1. Педагогик билимлардан хабардорликни аниқлашга ёрдам берадиган кейс.

Кейс баёни. Собир ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлади. Шаҳодатномасида “уч” баҳолар кўп бўлганлиги, салбий хулқقا эгалиги сабабли, Собир ҳеч бир касб-хунар коллежига қабул қилинмади. Ҳар бир коллежнинг раҳбари Собирни бошқа академик лицей ва касб-хунар коллежига киришини тавсия этди. Бироқ, Собирнинг ота-онаси ҳар гал ўғилларини ўзлари яшайдиган тумандаги касб-хунар коллежида таълим

олишини, шундагина уни назорат қилиб туришлари мумкинлиги айтишарди.

Кейс саволлари:

1. Айтинг-чи, касб-хунар коллекциининг раҳбарлари Собирни ўқишига қабул қилмасликка ҳақлимилар?

2. Айни вазиятда Собирнинг қандай ҳуқуқлари бузиляпти?

Ўқитувчининг ечими. Касб-хунар коллекции раҳбарлари ижтимоий хавф бўлмаган ҳолда “уч” баҳога ўқиганлиги ва хулқида салбий ҳолатлар кўзга ташланиши учунгина Собирни ўқитишига қабул қилмасликка ҳақли эмаслар. Улар шахснинг билим олишига бўлган ҳуқуқини поймол етишган. Қолаверса, касб-хунар коллекциянида таълим олиш мажбурий-ихтиёрий характерга эга. Шу сабабли Собир ва унинг ота-онаси касб-хунар коллекциини ўzlари танлай олади.

Борди-ю, коллекция қабул қилиш синов, имтиҳонлар асосида олиб борилса ва Собирнинг ўзи уларга пухта тайёрланмаганлиги сабабли синовдан ўта олмаса, у ҳолда ана шу касб-хунар коллекцияни қабул қилинмайди.

Бу вазиятда Собирнинг билим олиш ҳуқуки (Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси) поймол этганликлари сабабли касб-хунар коллекциининг раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилади.

2. Педагогик фаолият, ҳодиса ёки жараён моҳиятини тушуниш ҳолатини белгилашга хизмат қиладиган кейс.

Кейс баёни. Узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда талабалар ўртасида алоҳида ҳурматга эга тарих фани ўқитувчи аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини қўради. Карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда кулгили чиқкан. Бутун гуруҳ ўқитувчининг карикатурагая, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. Бирок, ўқитувчи шошилмасдан, катта қизиқиши билан карикатурани томоша қиласди ва шундай деди: “Карикатура шунчалик яхши чиқибдик, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. Расм ижодкори – ёш рассом уни қофозга кўчириб олиши керак. Мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”.

Кейс саволлари: 1. Ўқитувчининг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз?

2. Бу вазиятда ўқитувчи қандай тарбия методини қўллади?

Ўқитувчининг ечими. Бу вазиятда ўқитувчи ўзининг таржрибали ва педагогик назокатга эгалигини намоён эта олди. У карикатурани ўзининг устидан кулиш воситаси деб эмас, аксинча, санъат асари сифатида қабул қилди. Натижада ўқитувчи айбор талабани қидириб, унга танбех беришни истамади. Бунинг ўрнига ўзининг санъатга бўлган муҳаббатини кўрсатди. Бундай ёндашув талабаларга ўқитувчининг иродали, ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ҳиссиётларини жиловлай олиш, ўз-ўзини бошқара билиш қобилиятига эгалигини кўрсатди. Оқибатда талабалар

ўқитувчининг руҳан барқарор эканликларини англади. Шу сабабли кейинги сафар улар ўқитувчини камситиш ёки устидан кулишни исташмайди.

Баён этилган вазиятда ўқитувчи: 1) **изоҳлаш** (ўзида муайян гурух ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифодаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули); 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – **қўллаб-қувватлаш методидан** фойдаланди.

3. Таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисаларнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш ҳамда таҳлил қилишга йўналтирилган кейс.

Кейс баёни. Тарих фани ўқитувчиси бир соатлик дарсида қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширди:

- 1) маълумотларни изчил баён қилди;
- 2) зарур ўринларда таянч тушунчаларга алоҳида урғу берди;
- 3) харитадан тарихий воқелар содир бўлган жойларни кўрсатди;
- 4) вақти-вақти билан талабаларга саволлар бериб, улардан жавоблар олди;
- 5) ўқув фильми орқали тарихий воқеликка оид далилларни намойиш этди.

Кейс топшириғи. Ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари қандай методлар ёрдамида амалга оширилганлигини аниқланг.

Ўқитувчининг ечими. Тарих фани ўқитувчиси қўллаган методлар: 1) ҳикоя; 2) тушунтириш; 3) тасвирлаш; 4) сухбат; 5) намойиш.

4. Таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисанинг таркибий элементларини тизимлаштириш, синтезлаш, босқичларни изчил ифодалашни тақозо этадиган кейс.

Кейс баёни. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:

- 1) ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув ҳаракатининг;
- 2) зарур кўникума ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши;
- 3) дастлабки бажарилиши ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- 4) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши.

Ушбу ҳолатда машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари нотўри кўрсатилган.

Кейс топшириғи. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичларини зарур изчилликда ифодаланг.

Ўқитувчининг ечими. Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:

- 1) ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- 2) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши;
- 3) ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши;
- 4) зарур кўникума ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп


бора такрорланиши.

5. Педагогик билимларни амалда қўллаш, мавжуд кўникма ва малакаларни тўлақонли намоён этишга доир кейс.

Кейс баёни. Оғзаки баён қилиш методлари талабаларнинг умумий маданияти, мантиқий фикрлаш ва билиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кейс топшириғи. Оғзаки баён қилиш методи турларини “Балиқ скелети” график органайзерида ифодаланг.

Ўқитувчининг ечими:



Бугунги кунда республика таълим муассасалария таълим олувчилар фаолиятини назорат қилишда “ассесмент” синови кенг қўлланилмоқда.

“Ассесмент” технологияси (ингл. “essment” – “баҳо”, “баҳолаш”) – талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами

Мазкур технология шахснинг касбий тайёргарлиги, мутахассис сифатида шаклланганлик даражаси ҳамда касбий компетентлик сифатларига эгалигини аниқлаш, баҳолашга хизмат қилади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда.

“Ассесмент” технологиясининг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди.

Технология биринчи марта **1954-йилда** “AT&T” компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида тадбиркорлар психологлар билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат кўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – “Ассесмент-марказ” (“The Assessment Centre”)ни йўлга қўйилди. 1960 йилда “IBM”, “Стандарт ойл оф Огайо”, “Сирс Робакс” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали татбиқ этдилар. Агарда 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъкул кўрган бўлса, айни вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологияндан муваффақиятли фойдаланмоқда. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимиға ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

Айни вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камидаги тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда. М:

Изоҳли луғат	Муаммоли вазият
Ижодий иш	Тест

Ушбу методдан дарснинг кириш, асосий ёки якуний қисмида яъни уйга вазифа бериш жараёнида қўллаш мумкин. Дарснинг кириш қисмида талабаларнинг уйга вазифаларини қай даражада бажарганликларини аниқлашда ёки мавзуни умумлаштириш жараёнида эгалланган билим, кўникмаларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

“Ассесмен” методини дарс жараёнига татбиқ этиш муайян технологияга асосланади. Ўқитувчи томонидан талабаларга жадвал кўринишдаги вазифаларни қисқа вақт ичida бажаришларни топшириқ сифатида берилади. Топшириқ бажарилганидан сўнг, жавоблар ўқитувчи томонидан эълон қилинади талабалар эса айнан жавоб кўра ўз-ўзини текширишни амалга оширади ҳамда олдиндан эълон қилинган мезонлар асосида баҳолайди. Бунда талабалар мавзу мазмунини қай даражада ўзлаштирганлиги бўйича ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш орқали хулоса чиқаради.

Ассесмент технологиясини қўллаш қўйидаги тамойилларга асосланади:

- 1. Яхлитлик** (талабалар турли машқ ва тестлар ёрдамида синовлардан ўтади).
- 2. Реаллик** (талабаларнинг кузатиб борилаётган хатти-харакати баҳоланади).
- 3. Мустақиллик** (хар бир талаба бир неча мугахассислар томонидан баҳоланади).
- 4. Объективлик** (хulosалар стандартлаштирилган баҳоларга асосланади).
- 5. Ишончлилик** (хulosалар талабалар томонидан мустақил бажарилган вазифаларнинг натижаларига асосланади)

Талабаларнинг умумий-маданий компетентлигини баҳолашда асессмент баҳолаш қуидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

- 1) талабалардаги баҳоланиши лозим бўлган касбий компетентлик сифатлари рўйхатини тузиш;
- 2) касбий компетентлик сифатлари намоён бўладиган фаолият турларини моделлаштиришга имкон берувчи, муаммоли вазият вазифасини ишлаб чиқиш;
- 3) маълум бир компетенцияларнинг шакллангланик даражасини белгилар берувчи мезонларни ишлаб чиқиш; эксперталар учун баҳолаш варақаларини тайёрлаш;
- 4) сўров анкеталарини ишлаб чиқиш; асессментдан имтиҳон шакли сифатида фойдаланиш;
- 5) савол-жавоб анкетасини тузиш;
- 6) хулоса чиқариш

4. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар.

Замонавий шароитда инновацион характерга эга воситалар ҳам қўлланилмоқда. Уларнинг технологик-дидактик имконияти талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш билан бирга, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда ҳар бир ОТМда ташкил этилаётган ўқитиш жараёнида компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, проектор, электрон доска, модем, телефон, интернет, мультимедиа, микрофон, карнай (колонка), вебкамера, CD-ROM каби техник воситалар, маълумотлар омбори (базаси) ва вебинар технологиялар каби инновацион характерга эга воситалар самарали қўлланилмоқда. Қуида уларнинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтилади.

Компьютер (ингл. “computer” – ҳисоблаш машинаси) – маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисоб-китоб ишларини қатъий белгиланган тартибда амалга оширувчи, шунингдек, рамзий белгиларга

асосланган бошқа вазифаларни бажарадиган дастурий электрон қурилма ёки тизим. Қурилма томонидан бажариладиган қатъий белгиланган тартиб дастур деб номланади. Компьютер қуидаги таркиюй элементлардан ташкил топган: тизим блоки, монитор, клавиатура, сичқонча ҳамда ташқи қурилмалар.

Сканер (ингл. “scanner” (“scan” сўзидан) – синчилаб разм солмоқ, синчиқлаб қарамоқ) – қандайдир объект (одатда тасвири, матн)ни таҳлил қилиш асосида объект тасвири (матни)нинг рақамли нусхасини ҳосил қиласиган қурилма. Нусха олиш жараёни сканерлаш деб номланади.

Видеокўз – эшик олди (остона)аги вазиятни телевизор ёки видеомонитор экранидан масофавий кузатишга мўлжалланган замонавий электрон қурилма. Ташқи томонан видеокўз оддий “Эшиккўзи”дан ҳеч қанай фарқ қиласиган, шу сабабли дикқатни ўзига тортмайди. Видеокўзниңг муҳим жиҳати агар у ўрнатилса, уй, бино ичидағи шахсларнинг эшик олида ким турганлигини билиш учун албатта остоңага келиши талаб этилмайди.

Видеокамера – телевизон узатиш камераси ва видео ёзувни амалга оширадиган қурилманиңг ўзаро қоришимаси бўлиб, у дастлаб “телевизон камера”, “телекамера” тарзида қўлланилган. Дастлаб кичик ҳажмли қўл телекамераси сифатида қўлланилган видеокамералар оиласидан видео лавҳаларни видеомагнитафонга ёзиб олиш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ТВ-камерава видеомагнитафоннинг ўзаро қоришимаси сифатида камкордер (ингл. “camcorder”) пайдо бўлганидан кейин видеокамера журналистикада қўлланила бошланди.

Проектор LCD (ингл. “liquid crystal display” – LCD) – бир ёки бир нечта суюқ кристалли матрицаан иборат бўлиб, тасвири экранга узатиб беришга хизмат қиласиган қурилма. Ундан фойдаланиш вақтида тасвирининг сюжетидан келиб чиқсан ҳолда тасвири ёрқинлаштириш ва кескин ўзгаришларни бартараф этишга тўғри келади.

Электрон доска (ингл. “interactive whiteboard” – интерфаол доска) – катта сенсорли экранга эга қурилма бўлиб, у компьютер ва проектор ҳам кирадиган тизимнинг бир қисми саналади. Проектор ёрдамида компьютернинг “Иш столи”даги тасвири электрон (интерфаол) досканиңг юзасига чиқарилади, натижада доска “экран”га айланади. Доскага узатиб берилган тасвири ўзгартириш, унда маълум ўзгаришларни ҳосил қилиш ёки унга белгилар қўйиш мумкин. Барча ўзгартиришлар мос равища компьютерда файлга ёзиб олинади, уни сақлаб қўйиш флешка ёки дискка ёзиб олиш, қайта ишлаш мумкин. Бу вазиятда электрон доска ахборотни киритувчи қурилма сифатида намоён бўлади. Доскани маҳсус стилус ёки қўлни унга салгина теккизиш орқали бошқариш мумкин. Доска ва компьютер ўртасидаги алоқа икки ёқлама бўлиб, қўл ёки досканиңг ручкаси (стилуси) худди сичқонча каби ишлайди.

Модем (“модуляция”, “демодуляция” сўзларидан олинган) – узлуксиз сигналларни рақамли маълумот (модуляция)ларга ва рақамли маълумотларни эса узлуксиз сигнал (демодуляция) ларига айлантириб

берадиган қурилма. Компьютер телефон тармоғи орқали ахборот алмасиши мақсадида ишлатилаётганда тармоқдан узатилаётган сигналларни қабул қилиш ва уларни рақамли ахборотларга айлантириш имконини берадиган қурилманинг мавжуд бўлиши тақозо этилади. Модемнинг вазифаси компьютер узатилган сигнални телефон тармоғининг иш частотаси диапозонига мос частотали электр сигналига айлантириб бериш, шунингдек, компьютерлараро алоқани ўрнатишдан иборат. Ушбу қурилма ўзининг коммуникацион дастурларига эга. Мазкур дастурлар узок масофаларга маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имконини яратади.

Телефон (қад. юнон. “узок” + “овоз” – узокдаги овоз) – муайян масофадан туриб, овозни узатиш ва қабул қилиб олишга мўлжалланган аппарат. Замонавий телефонлар электр сигналларни бевосита юбориш имкониятига эга.

Интернет (англ. “Internet” – бутунжаҳон компьютер тармоқларининг бирлашган тизими) – дунёнинг барча нукталаридағи ўн минглаб ахборотларни сақловчи ва узатиб берувчи компьютер тармоқларни бирлаштирувчи улкан бутунжаҳон компьютерлар тармоғи; унинг вазифаси хоҳловчиларга исталган маълумотларни етказиб беришдан иборат. Кўп ҳолларда “Бутунаҳон тармоғи”, “Глобал тармоқ” ёки оддийгина “Тармоқ” деб номланади. Интернет асосида Бутунжаҳон ўргамчак тўри (World Wide Web – WWW), шунингдек, жуда қўплаб бошқа маълумотларни етказиб берувчи тизимлар ишлайди

Электронная почта (ингл. “electronic mail” тушунчасидан олинган; “email”, “e-mail”) – 1) жойлашган ўрни, хабар матни ёки файл (хужжат, фотосурат ва х.к.)ан қатъий назар бошқа шахсга маълумотларни юбориш имкониятини берадиган электрон почта; 2) компьютер тармоғи, шунингдек, Интернетдан фойдаланувчилар ўртасида электрон хабарларни алмасиши ва олиш борасида кўрсатиладиган хизмат; технология. Одатда электрон почта орқали юборилган хабар электрон хат (мактуб) ёки e-mail (имэйл), почтанинг ўзи эса қути (электрон қути) деб номланади. Мазкур почта таркибий элементлари, ишлаш тамойиллари ва характерли хусусиятлари (фойдаланишнинг оддийлиги, етказиб беришда маълумотларнинг бироз тутиб турилиши, етарли даражадаги ишончлилик, қолаверса, етказиб бериш кафолатининг мавжуд эмаслиги)га кўра амалда оддий (қоғоз орқали юбориладиган) почтанинг ўзи бўлиб, унда ҳам почта, хат (мактуб), конверт, қути, етказиб бериш ва б. тушунчалар қўлланилади.

Мультимедиа (ингл. “multi” – кўп, “media” – мухит) – битта рақамли тақдим этишда матн, овоз, гарфика, фото, видеони бирлаштирадиган замонавий техник ва дастурий воситаларни қўллаш асосида интерфаол дастурий таъминот бошқарувига кўра содир бўладиган визуал ва аудиоэффектларнинг ўзаро таъсири. Ўқув жараёнда компьютер дастур (тизим)лари, мустақил таълим учун турли топшириқлар кўринишдаги компьютер моделлари, ўқув машғулотларининг турли босқичларида ҳал этиладиган ўқув-билиш вазифалари, компьютер ўқув ўйинлари, шунингдек, Интернет тармоғидаги таълимий веб-саҳифалар

каби мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланилади.

Микрофон – турли хил овозли анимация (Windows тизими ёки MSWord матн муҳаррири) ва тақдимотларни тайёрлашда қўлланиладиган курилма. Анимациялар тўлиқ овозли шаклда тайёрланади.

Карнай (колонка) – Windows тизими ёки MSWord матн муҳарририда қўлланиладиган овозли анимация ва тақдимотларни намойиш этишда овозларни компьютердан фойдаланувчига эшишига хизмат қиладиган қурилма. Унинг асосий вазифаси овоз (мусиқа, овоз ва б.)ни курилма орқали чиқариб кучайтириб беришдан иборат.

Вебкамера – компьютерларо видеотасвирларни узатувчи қурилма. У халқаро Интернет тармоғи хизматидан фойдаланишда қўлланилади. Вебкамера ёрдамида дунёning исталган нуқтасида жойлашган субъектни кўриш, у билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлинади.

Интернетда скайп тизимидан фойдалангандашебкамера қўлланилади. Бунда видеокўнфироқларни, конференсалоқаларни амалгаошириш мумкин.

CD-ROM (CompactDiskReadOnlyMemory) – фақат ўқиш мақсадида фойдаланиладиган лазерли қурилма, лазерли (компакт) диск. Ушбу диск ўзида 650 Мбайт (700 Мбайт) ҳажмдаги маълумотни сиғдиради, уни ишлатиш қулайБ маълумотларни алмашишда тезкорлик таъминланади. Лазерли (компакт) дискнинг CD-ROM (ўқиш учун) ва CD-Writer (ёзувчи; маълумот ва дастурларни ёзиш учун) кўринишлари мавжуд.

Маълумотлар омбори (базаси) – биргаликда қўлланиладиган ўзаро мантиқий боғланган маълумотлар тўплами; бир марта белгиланиб, кейин кўплаб фойдалнувчилар томонидан бир вақтнинг ўзида фойдаланиладиган маълумотларни сакловчи ягона омбор.

5. Вебинар технологиялар ва уларни таълим жараёнида қўллаш. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда.

Вебинар технологиялар (ингл. “webinar” – web-based seminar) –

- 1) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинар;
- 2) Интернет технологиялари ва маҳсус дастурлар қўлланилган ҳолда талаба (tinglovchi)лар билан интерфаол

Гарчи “вебинар” тушунчаси шу маънони англатса-да, бироқ, таълим амалиётида кенг маънода қўлланилиб, турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айrim ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавхалар) ва таълим воситаларини англатишга хизмат қилади.

Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш

имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.


Бу турдаги технологияларнинг яратилиш тарихи 1980-йиллардан – биринчи марта матнли хабарларни алмашиб тизими яратилган вақтдан бошланган. Ўтган асрнинг 90-йилларида янада такомиллашган мулоқот тизими веб-чат ҳамда жуда қисқа вақтда хабарларни алмашиб тизимлари пайо бўлди. 90-йилларнинг охирларида келиб, биринчи конференц-алоқаларни ташкил этиш тизими ишлаб чиқилди. Шундан сўнг кўплаб бошқа мулоқот тизимлари, жумладан, Интернет тармоғидаги конференц-алоқаларни амалга ошириш имконияти юзага келди.

Тушунча сифатида “**вебинар**” 1998 йилда Эрик Р.Корб томонидан
кўлланилган ва бугунги кунда “*InterCall*” компаниясининг
савдо белгиси сифатида эътироф этилади

Вебинар машғулотларни олиб бориш учун педагогларнинг олдига веб-камера ўрнатилиб, у томонидан ташкил этилган машғулот тармоқ орқали намойиш этилади. Бу машғулотни Ер шарининг исталган нуқтасида кўриш, Интернет тармоғига уланган компьютер воситасида талabalар ва педагог ўртасида мулоқотни ташкил этиш мумкин. Машғулот иштирокчилари ўртасидаги алоқа Веб-илова хизмати орқали таъминланади.

Вебинарга уланиши учун иштирокчи (талаба, тингловчи) ўз манзилини сайт манзилидаги браузер қаторига киритиши зарур. Талabalар педагогни тинглаган ҳолда унга саволларни оғзаки ҳамда ёзма тарзида беришлари мумкин. Педагог ўз компьютерида ўқув материаллари (матнли хужжатлар, тақдимот слайдлари ва б.)ни намойиш этиш, виртуал доскага ёзиш, чизиш имкониятига эга. У иштирокчиларнинг барчасини кўриб туради ва исталган талаба, тингловчига ёки уларнинг барчасига бир вақтнинг ўзида эътиборни қаратади. Бошқача айтганда машғулот ўтаётган виртуал аудитория тўла равишда педагогга кўриниб туради.

Одатда вебинар машғулотлар турли шаклларда ташкил этилади. Жумладан (33-расм):



33-расм. Вебинар машғулотларнинг асосий шакллари


Таълим шаклининг танланиши педагог томонидан қўйилган мақсадан келиб чиқиб белгиланади.

Вебинар машғулотларни ўтказиш мақсадлари куйидагича бўлиши мумкин:

- талабалар томонидан ўқув материалининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш;
- талабаларнинг мавжуд билимларини мустаҳкамлаш;
- жамоада ишлаш методларини ўзлаштириш;
 - ўзаро тажриба алмашиш;
- касбий фаолият кўникма ва малакаларини ўзлаштириш;
 - билиш фаолияти мустақил ташкил этишда йўл қўйилган камчиликларини тўғрилаш

Одатда вебинар машғулотлар талабалар томони ўқув модули, унинг муайян бўлими, мавзулари мустақил ўрганилгандан кейин ташкил этилади. Бу машғулотларнинг анъанавий дарслардан фарқи – уларда ҳар бир талаба, тингловчи ўқув материалини муҳокама қилиш ва муайян кўникма, малакаларни ўзлаштириш масалаларини муҳокама этиша фаол иштирок этиши мумкин. Машғулотнинг муваффақияти педагогнинг маҳоратига, муроқот жараёнининг тўғри ташкиллаштиришига, аудиториянинг фаоллигига ва машғулот шаклининг мақсали танланганлигига боғлик.

Вебинар машғулотлар уч босқичда ташкил этилади. Яъни (34-расм):



34-расм. Вебинар машғулотларнинг ташкил этилиш босқичлари

Машғулотларни ташкил этишда қуидаги техник восита (қурилма)лар керак бўлади:

1. Шахсий компьютер (у Интернетга уланган бўлиши лозим).
2. Веб-камера (компьютерга уланган ёки автоном).
3. Гарнитура (микрофон ёки овозни қабул қилувчи мослама – қулқочин, овозли кранай (колонка)).
4. Эхони бартараф этадиган мослама (иштирокчилардан кимнидир компьютеридаги карнай микрофон олдида бўлиб қолса, у ҳолда бошқаларнинг овози микрофонга “тушиб қолади” ва бу эхо ҳосил қиласди).
5. Дастурй таъминот (шахсий компьютерларда Adobe Flash Player плагинининг сўнгги модели, шунингдек, веб-браузер (Mozilla Firefox, Google Chrome) ўрнатилиши зарур)

Вебинар машғулотлардан олдин талаба, тингловчилар бу ҳақида хабардор қилинади. Шу мақсадда уларга хабарнома юборилади. Унда қуидагилар кўрсатилиши шарт:

- машғулотнинг номи;
- вебинар машғулотни олиб борувчи ҳақида маълумот;
- машғулот санаси, бошланиш вақти ва давомийлиги;
- машғулот мақсади ва вазифалари;
- вебинарнинг таркибий тузилмаси ва мазмуни (бўлимлар бўйича) ҳақида қисқача маълумот;
- кутилаётган натижалар

Кўшимча равишда иштирокчиларга “Вебинарда қандай иштирок этиш мумкин?” номли қисқача йўриқномани юбориш мақсадга мувофиқдир.


Вебинар машғулоти ҳақидаги хабар масофавий ўқув курсининг “Янгиликлар форуми”да тарқатилиши ва тавқимда қайд этилиши керак. Агарда вебинар мустақил ташкил этилаётган бўлса, у ҳолда иштирокчилар машғулот ҳақида бир ҳафта олдин хабардор қилиниши, шунингдек, машғулот ҳақида яна бир бор бир кун ва бир соат аввал хабар юборилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу турдаги машғулотнинг дастурий таъминоти мутахассислар томонидан таъминланади. Айни вақтда вебинар машғулотлар турли тижорат (Webinar.ru, Comdi, Mirapolis Virtual Room ва б.) ҳама эркин тарқатувчи (OpenMeetings, OnWebinar ва ҳ.к.) серверлар ёрдамида ташкил этилади.

6. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши. Бугунги кунда таълим жараёнида талабалар томонидан ҳам турли ўқув лойиҳаларнинг тайёрланишига эътибор қаратилмоқда. Хўш, ўқув лойиҳасининг ўзи нима? Ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёни қандай кечади?


Ўқув лойиҳаси – 1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;
 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;
 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита

Лойиҳа таълими технологияларидан ўқув амалиётида фойдаланишда “ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси ҳам қўлланилади. **Ўқув лойиҳавий фаолият** – ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга ошириладиган ҳаракатлари мажмуаси саналади. Талабаларнинг ўқув лойиҳавий фаолияти муайян босқичларда ташкил этилади. Улар қуидагилардир (35-расм):




35-расм. Талабалар ўқув лойиҳавий фаолияти босқичлари

Талабалар томонидан жуфтлик, кичик групкалар ёки жамоа асосида турли мавзуларда ўқув лойиҳаларини тайёрлаш қуидаги босқичларда кечади (36-расм):



36-расм. Талабалар томонидан ўқув лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари

Ўқув лойиҳалари фаолият мазмуни, билим соҳаси (фандар) бўйича тайёрланишига кўра қуидагича турланади (37-расм):




37-расм. Ўқув лойиҳаларининг турлари

Хар бир ўқув лойиҳаси ўз мақсади ва кутиладиган натижасига кўра муайян турга мансуб бўлади. Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари қуидагилардир (7-жадвал):

7-жадвал. Ўқув лойиҳалари турларининг моҳияти

Ахборотли лоиҳалар	Тадқиқот лоиҳалари	Амалий лойиҳалар
Мақсади		
Муаммога оид маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, моҳиятини ёритиш, муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини тавсифлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш	Тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммо изоҳини асослаш, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш	Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш
Натижаси		
Мақола, реферат, маъруза, кейс ва б.	Хисобот, маъруза, кейс ва б.	Ҳаракатлар дастури, бизнес-режа, кейс, стратегия, тавсия, маълумотнома тўплами ва б.
Лойиҳа мавзуси (намуна)		
Педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндашуви ўқитиш сифати ва самарадорлигини кафолатлай оладими? Педагогнинг инновацион фаолияти айнан	Иш тажрибасидан қатъий назар ҳар бир педагог инноватор бўла оладими? Педагогнинг инноваторлик	Педагогнинг инновацион фаолиятни малакаларини ўзлаштириш дастури. Педагогнинг инновацион фаолиятни ташкил этиш



Ўқув лойихалари муайян топшириқ бўлиб, унинг натижаси оддий бир маҳсулотни тайёрлаш (м: технологик харитани тайёрлаш, бирор-бирор модел, дейлик, дизайнерлик моделини яратишдан иборат бўлади. Бироқ, айни ўринда шуни ҳам қайд этиш керак, “лойиха” тушунчаси негизида ҳамиша ҳам амалий ҳаракатлар натижасиа тайёрланган бирор-бир маҳсулот тушунилмайди. Чунки лойиха доирасида назарий, амалий ва методик ҳарактердаги ғояларни яратиш негизида маҳсулотни яратишга тўғри келади.

Ўқув лойихаларини тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси мухим ўрин эгаллайди. Унинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилади. Улар:

- лойиха иши учун муайян мавзу, муаммони белгилаш;
- лойиха топшириқларини ишлаб чиқариш;
- лойиха ишини ўқув жадвалига киритиши;
- лойиха жараёнини моделини аввалдан ишлаб чиқиши, топшириқларни талабаларнинг имкониятларига мослаштириш;
- талабаларни лойиха иши билан таништириш;
- уларнинг амалий фаолиятлари назорат килиб туриш

Амалиёт ўқитувчиси аввалдан қуидаги материал ва ҳужжатларни тайёрлаб олиши лозим:

- лойиха (чизма, электросхема)лар;
- лойихага тааллуқли топшириқлар баёни;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадларни ёриувчи маълумотлар

Амалиёт ўқитувчиси таълим жараёнида талабаларнинг фаолиятларини назорат қилиб бораи ва назорат натижаларини “Назорат протоколи”га қайд этади. Протокол талабаларнинг фаолиятини баҳолашга доир мезонларга эга бўлиши лозим.

6. Талабалар портфолиоларини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ўқув портфолиоси ҳам инновацион ҳарактерга эга. Айни ўринда ана шу восита тўхталиб ўтилади.

Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум қўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қиласди. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради.

“Портфолио” (ингл. “portfolio” – “портфел”,
“хужжатлар солинадиган сумка”) –
автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами

Ушбу тўплам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиласди индивидуал папка саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритади.

Портфолио педагог ёки талаба учун ўзига хос рекламадир

Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қуйидаги имкониятларга эгалигига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялийлик ва ўзининг шахсий мувафаққиятини баҳолаш;
- индивидуал мувафаққиятлар мониторингини амалга ошириш;
 - имтиҳонни ташкил этиш;
 - таълим натижаларини холис белгилаш;
- таълимий мувафаққиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
 - талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш

Моҳиятига кўра талабаларнинг ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар (38-расм):



38-расм. Талабалар ўқув портфолиоларининг асосий турлари

Куйида талабалар ўқув портфолиоларининг турларига хос хусусиятлар тўғрисида сўз юритилади.

1. Хужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивиудал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлиқ, гувоҳнома ва б. жамланади).

2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гурухдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гурухли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гурухи” танловини ташкил этиш мумкин).

4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

5. Тақризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, тақриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади)

6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим мусассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қофоз вариантларда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди.

Портфолиода талабанинг жорий, оралиқ ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга кўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганилиги тўғрисидаги далилий хужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустақил баҳолаш учун зарур шароитни яратади.

Куйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (раҳбарият ва ҳамкаслар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).
2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди).
3. Фан олипиадаларда иштирок этишда (олипиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувффақ бўлинади).
4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабар бўлади).
5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратади)


Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари

Турига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади:

- 1. “Менинг қиёфам”** (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилади; унда қуйидаги лавҳалар мавжуд: “Менинг анкетам”; “Танишинг – бу мен!”; “Менинг ўйларим”; - “Мен ва менинг қизиқишлиарим”).
- 2. Портфолио-коллектор** (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксеронусхалари, курсдошларининг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлим қуйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: “Иш столи”; “Бу қизик”; “Курсдошларим ижодидан”; портфолио-коллектор унча катта бўлмаган ўзига хос саналади).
- 3. Иш материаллари** (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади; бўлимнинг лавҳалари қуйидагича бўлиши мумкин: “Ёзма ишлар”, “Ижодий ишлар”, “Тадқиқот тажрибалари”, “Амалиёт ишланмалари”).
- 4. Шахсий ютуқлар** (талабанинг ярим, бир ўкув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда қуйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: “Менинг бунёдкор ғоям”; “Менинг таълим борасидаги ташаббусларим”).

Талабаларнинг ўкув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча босқичда ташкил этилади. Яъни (39-расм):



39-расм. Талабалар ўқув портфолиосини яратиш босқичлари

Шундай қилиб, бугунги тезкор давр талабаларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади. Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга хизмат қиласди.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг инновацион, ҳамкорлик, модул, интерфаол, индивидуал, дастурий, лойиҳа, масофавий, компьютер, муаммоли, ривожлантирувчи, табақалаштирилган ва мустақил таълим, шунингдек, ўйин технологиялари каби турлари фарқланади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиши сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, масофали ўқитиши, blended learning (аралаш ўқитиши) ва маҳорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда.

Замонавий шароитда таълим тизимида инновацион характерга эга методлар ҳам қўлланилмоқда. Улар орасида энг кенг оммалашган методлар ягона ном билан номланувчи интерфаол методлар саналади. Ҳозирги кунда уларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ўқув материалининг характери, талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таълим жараёнида уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш мумкин. Сўнгги вақтларда “Кейс-стади” методи ва “ассесмент” синови хорижий мамлакатлар таълими амалиётида таълим олувчилар фаолиятини назорат қилишда муваффақиятли қўлланиб

келинмоқда.

Инновацион характерга эга воситаларнинг технологик-дидактик имконияти талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш билан бирга, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шу сабабли ОТМда ташкил этилаётган ўқитиш жараёнида компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, проектор, электрон доска, модем, телефон, интернет, мультимедиа, микрофон, карнай (колонка), вебкамера, CD-ROM каби техник воситалар, маълумотлар омбори (базаси) ва вебинар технологиялар каби инновацион характерга эга воситалар самарали кўлланилмоқда.

Таълим жараёнида талабалар томонидан ҳам турли ўқув лойиҳаларнинг тайёрланишига эътибор қаратилмоқда. Лойиҳа таълими технологияларидан ўқув амалиётида фойдаланишда “ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси ҳам қўлланилади. Ўқув лойиҳавий фаолият ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга ошириладиган харакатлари мажмуасидир.

Замонавий шароитда нафакат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ўқув портфолиоси ҳам инновацион характерга эга.

Назорат саволлари:

1. Шахсга йўналтирилган таълим нима?
2. Шахсга йўналтирилган таълимнинг қандай турлари мавжуд?
3. Шахсга йўналтирилган таълим турлари қандай дидактик имкониятга эга?
4. Амалий ўйинларнинг замонавий таълим учун аҳамияти қандай?
5. Амалий ўйинларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Муаммоли ўқитиш қандай шартлар асосида самарали ташкил этилаи?
7. Интерфаол таълим қандай вазифаларни амалга оширади?
8. Модулли-кредит тизимининг моҳияти нимадан иборат?
9. Масофали ўқитиш қанай тамойилларга асосланади?
10. Blended learning (аралаш ўқитиш) қандай ташкилий-дидактик имкониятга эга?
11. Маҳорат дарслари нима ва улар қандан ташкил этилаи?
12. Шахсан Сиз фаолиятингизда қандай интерфаол методларни кўллайсиз?
13. “Кейс-стади” методининг таълимий аҳамияти нимада кўринаи?
14. “Ассесмент” синовининг таълим амалиётида тобора оммалашиб бораётганлигининг сабабли нимада?
15. Бугунги кунда ОТМа қандай инновацион характерга эга воситалар кўлланилмоқда?

16. Ўқув лойиҳаси нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
17. Талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ўқув портфолиоси қанай аҳамият касб этади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.
2. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.қўлл. “Ўртамахсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
4. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.
5. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
6. Сайфуров Д. Малака ошириш тизимида масофавий таълимни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2002. - №5-6. – 28-29-б.
7. Сайфуров Д. Масофадан ўқитиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №6. – 16-20-б.
8. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет.қўлл. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

З-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ВА УНГА ХОС СИФАТЛАР.

Режа:

1. “Компетентлик” тушунчасининг моҳияти.
2. Касбий компетентлик сифатлари.
3. Педагогнинг касбий компетентлиги.

Таянч тушунчалар: компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, Индивидуал ривожлантириш дастури, педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш.

3.1. “Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

Инглизча “**competence**” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қиласи

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъянавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўнишка ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.


Касбий компетентлик қуидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- {
- мураккаб жараёнларда;
 - ноаниқ вазифаларни бажаришда;
 - бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
 - кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда
- }

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- {
- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
 - янги ахборотларни ўзлаштиради;
 - давр талабларини чуқур англайди;
 - янги билимларни излаб топади;
 - уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди
- }

2. Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик негизида қуидаги сифатлар акс этади (40-расм):



40-расм. Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар

Қуидада касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнинма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулодотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуидаги мазмунни ифодалайди:

1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик мұхитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мұлоқотни ташкил этиш, турли салбай психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқылона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини түғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадға мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни мудаффақиятли қўллаш;

3) информацион компетентлик – ахборот мұхитида зарур, мұхим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятта танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

5) инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги гояларни илгари суриси, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мұлоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равища касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5. Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқылона қарор қабул қилиш, түғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.


Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Бундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова, ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин.

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлиги айтилади (41-расм):



41-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари (А.К.Маркова)

3. Педагогнинг касбий компетентлиги. Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ўранилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қўйидаги таркибий асослар ташкил этади (42-расм):



42-расм. Педагогик компетентликнинг таркибий асослари (Б.Назарова)

Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.


Ўз устида ишлаш – педагогнинг изчил равишда ўзининг касбий БКМ ва шахсий сифатларини ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Ўз устида ишлаш қўйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;

- ижобий сифатларни ўзлаштириш.

Педагогнинг ўз устида ишлаши бир неча босқичда кечади. Улар (43-расм):



43-расм. Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари

Педагогнинг мутахассис сифатида:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи тақомиллаштириш;
- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгти янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникма ва малакаларини тақомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди.

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойихали ёндаша олишлари қўл келади. Уларнинг лойихали ёндашув асосида қуидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Маълум босқич вазифалари ҳал этилгач, педагог бу ҳолатни алоҳида бандда қайд этади (8-жадвал):

8-жадвал. Педагогнинг ўз устида ишлаш модели

Босқичлар	Уларда амалга ошириладиган вазифалар	Қайдлар
1-босқич		
2-босқич		

3-босқич		
4-босқич		
5-босқич		

Педагогнинг касбий компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилишидир

Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зоро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам муҳимдир.

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши. **Ўзини ўзи баҳолаш** субъект учун шахсий имкониятларини хисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқиши таъминлайди

Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Ўзини ўзи самарали баҳолаш омиллари:

1. Ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш).
2. Шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш (ўзи тўғрисидаги ижобий маълумотларни тўплаш).
3. Ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши).

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Кўплаб манбаларда шахс томонидан ўз-ўзини баҳолаш қуидаги формула асосида аниқланиши кўрсатилган:

**ЎЎБ = ютуқлар / ўзини юқори баҳолашга интилиш
(ёки ЎЎБ = Ю / ЎЮБИ)**

Формулага кўра, қандайдир ютуқقا эришгач, шахс томонидан ўзини ўзи юқори баҳолаш (ютуқлар ҳиссасини ошириш) ёки ўзига нисбатан қўяётган талабларни пасайтириш рўй беради.

Бизнинг фикримизча, ЎЎБда холисликка эришишда қуидаги формула ҳам қўл келади:

**ЎЎБ = ютуқлар / ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари
(ёки ЎЎБ = Ю / ЎЎРВ)**

Ушбу формула билан ишлашда педагог қуидаги ўзини-ўзи баҳолаш моделига таяниб иш кўриши мумкин (9-жадвал):

9-жадвал. Ўзини-ўзи баҳолаш модели

№	Мавжуд ютуқлар	Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари
1.		
2.		
3.		
...		

Ушбу модел асосида ўз-ўзини баҳолаш ниҳоятда осон кечади. Борди-ю, эришилган ютуқлар сони ўз-ўзини ривожлантириш вазифаларига нисбатан кўп (1 дан катта) бўлса, у ҳолда педагог юқори даражада касбий компетентликни намоён этади. Борди-ю, ютуқлар ва белгиланган ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари ўзаро (1 га) тенг бўлса, у ҳолда у ўзида ўрта даражадаги касбий компетенликни ифодалайди. Агарда, ютуқлар сони белгиланган ривожлантириш вазифаларидан кам (1 дан кичик ёки 0 га тенг) бўлса, у ҳолда педагогнинг касбий компетентлик даражаси паст ҳисобланади ва бу ҳолат педагогдан ўз касбий компетентлигини ривожлантиришга жиддий эътибор беришини талаб қиласди.

Формулада “ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари” жумласи қўлланилган экан, энг аввало, ўзини ўзи ривожлантириш нима эканлигини тушуниш олиш лозим.

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Бир қатор тадқиқотларда мутахассис, шу жумладан, педагогнинг ўз-ўзини ривожлантиришида “Индивидуал ривожланиш дастури” қўл келиши айтилади.

Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган БКМ ҳамда касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланади.

Хар қандай мутахассис каби педагог ҳам ўзи учун шахсий-амалий

характерга эга “Индивидуал ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур.

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – мутахассис сифатида педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, билим, кўникма, малакалар, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқсан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагог томонидан ишлаб чиқиладиган “Индивидуал ривожланиш дастури” қўйидаги таркибий элементлардан таркиб топади:

- 1) педагогик билимлар;
- 2) психологик билимлар;
- 3) мутахассислик билимлари;
- 4) дидактик малакалар;
- 5) тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари;
- 6) руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар;
- 7) ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари;
- 8) ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар

Қўйидаги педагогнинг “Индивидуал ривожлантириш дастури”нинг намунаси келтирилади (10-жадвал):

10-жадвал. Индивидуал ривожлантириш дастури

Билим, малака ва шахсий сифатлар	Мавжуд даража	Истиқбол вазифалар
Педагогик билимлар		
Психологик билимлар		
Мутахассислик билимлари		
Дидактик малакалар: билишга оид (гностик) лойиҳалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар		
Тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари: билишга оид (гностик) loyihalaش малакалari ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал)		

техник-технологик малакалар		
Рухиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар: педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик ҳозиржавоблик ҳиссий ривожланганлик педагогик рефлексия		
Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари		
Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириклар		

Педагогнинг касбий жиҳатдан ривожланиш даражасини яна қуидаги шкала ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин (11-жадвал).

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган қучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундейди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида ижтимоий, маҳсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

11-жадвал. Касбий ривожланиш шкаласи

	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1. Ижтимоий компетентлик											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўнимма, малакаларига эгалик										
)	касбий мулоқот ва хатти- харакат услубларини ўзлаштира олганлик										
2. Шахсий компетентлик											
	доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										
	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чикара олиш										
3. Маҳсус компетентлик											
	мустакил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш										
	одатий касбий- педагогик вазифаларни тўғри ҳал										

	қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик									
	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик									
4. Технологик компетентлик										
	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик									
	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув куроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик									
5. Экстремал компетентлик										
	фавқулотда ҳолатларда (табиий оғатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чикканда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри харакатланиш малакасига эгалик									
	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри харакатланиш малакасига эгалик									

Бир қатор, хусусан, А.К.Маркова ҳамда Б.Назароваларнинг тадқиқотларида педагогик компетентликнинг таркибий асослари қайд этиб ўтилган. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараённи самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур. Ўз-ўзини ривожлантиришда педагогга “Индивидуал ривожланиш дастури” кўл келади. Зоро, ушбу дастурда педагогда мавжуд бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган сифат, БҚМни аниқ, холис ифодалаш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. “Компетентлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Касбий компетентлик нима?
3. Компетентлик қандай ҳолатларда намоён бўлади?
4. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
5. Ижтимоий компетентлик деганда нимани тушунасиз?

6. Maxsus компетентлик негизида қандай компетентликлар кўзга ташланади?
7. Психологик компетентликнинг моҳияти нимадан иборат?
 8. Методик компетентлиқда қандай жиҳатлар акс этади?
 9. “Информацион компетентлик” деганда нимани тушунасиз?
 10. Креатив компетентлик нима?
 11. Инновацион компетентликнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?
 12. Педагогик фаолиятда коммуникатив компетентлик қандай аҳамият касб этади?
 13. “Шахсий компетентлик” тушунчаси Сиз учун қандай маънони англатади?
 14. Педагогик компетентлик нима?
 15. А.К.Маркова педагогик компетентликнинг таркибий асосларини қандай ифодалаган?
 16. Б.Назарованинг ёндашувига кўра педагогик компетентлик қандай асослардан таркиб топади?
 17. Индивидуал ривожланиш дастури нима?
 18. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастурида нималар акс этади?
 19. Ўз-ўзини ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?
 20. Ўз устида ишлаш нима?
 21. Педагогнинг ўз устида ишлаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?
 22. Педагогнинг ўз устида ишлаши қандай босқичларда кечади?
 23. Ўзини ўзи таҳлил қилиш деганда нимани тушунасиз?
 24. “Ўз-ўзини баҳолаш” тушунчаси қандай маънони англатади?
 25. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши қандай омиллар негизида кечади?
 26. Ўз-ўзини баҳолаш қандай формула ёрдамида ифодаланади?
 27. Ўзини-ўзи баҳолаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.

4-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.

Режа:

1. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари.
2. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги.
3. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш.
4. Замонавий педагог имиджи.

Таянч тушунчалар: маҳорат, педагогик маҳорат, педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари, педагогик деонтология, педагогнинг коммуникатив компетентлиги, педагогик мулоқот турлари, педагогик мулоқот услублари, педагогик назокат (такт), низо, педагогик низо, педагогик низо турлари, педагогик низоларни ҳал қилиш йўллари.

4.1. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари. “Педагогик маҳорат” тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланиб, ОТМда мустақил фан сифатида ўқитила бошлаган. “Педагогик технология” фани ўқитила бошлагач эса “Педагогик маҳорат” фанининг асослари унинг мазмунига сингдириб юборилди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули негизида тингловчиларни педагогик маҳорат асослар билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, тингловчилар томонидан педагогик маҳоратнинг таркибий элементлари билан таништириш, уларда педагогик техника, нутқ маданияти, педагогик деонтология, коммуникатив компетентлик, педагогик низо, шунингдек, замонавий педагогнинг имиджи тўғрисидаги маълумотларнинг ўзлаштирилиши ва мазкур билимлар негизида зарур малакаларнинг ўзлаштирилиши ОТМда ташкил этиладиган педагогик жараён сифатини яхшилаш, самарадорлигини таъминлашни кафолатлайди.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича тингловчиларни педагогик маҳорат ва унинг таркибий элементлари билан таништириш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

Тингловчиларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан қуроллантириш; уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи самарали йўлга қўйиш кўнкма ва малакаларини ривожлантириш; тингловчиларнинг педагогик ва нутқ техникасига эга бўлишларини таъминлаш; уларда педагогик деонтология ва педагогик маданият сифатларини таркиб топтириш; тингловчилар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт) ва педагогик таъсир кўрсатиш малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш; уларда педагогик маданият сифатларини шакллантириш

Олий таълим муассасалари педагогларининг касбий маҳоратлари ҳақида сўз юритишдан аввал “маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчаларининг моҳияти билан танишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳорат (а. “маҳорат” – моҳирлик, усталик, эпчиллик) – бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш.

Педагогик маҳорат – педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига эгалиги

Педагогнинг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараённинг фаол иштирокичиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади. Жумладан (44-расм):



44-расм. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

Педагогик фаолиятда педагогик деонтология муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик деонтология (педагогик мажбурият) – жамият томонидан ўқитувчи шахси, у томонидан педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлокий йўл-йўриқ, кўрсатмалар


Касбий фаолиятни ташкил этишда педагог қуйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; талабалар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш;

танлаган касбига, талабалар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чуқур англаш. Педагогик мажбуриятлар сирасидан, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, талабалар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш кабилар ҳам ўрин олади.

2. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги унинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар ва раҳбарият билан уюштириладиган мулоқот жараёнида намоён бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг талабалар жамоаси билан ўзаро мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Педагог талабалар билан мулоқотга киришиш, унинг самарали бўлишига интилади.

Педагогнинг коммуникатив компетентлиги – педагогнинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ҳамда мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган сұхбати

Таълим жараёнида педагогнинг коммуникатив компетентлиги куйидагиларда намоён бўлади (45-расм):



45-расм. Педагогик мулоқот йўналишлари

Педагогик мулоқот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни ташкил этишда мулоқот жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Агарда тўғри ташкил этилган педагогик мулоқот талабада қўрқувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг туғилиши, диққат, хотира ва иш қобилиягининг сусайиши, нутқ меъёрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган мулоқот юқоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада талабаларда ўқишига ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқиш ортади.

Педагогик мулоқот ўзига хос ижтимоий-психологик жараён ҳам саналади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар бажарилади:

- (
- 1) шахсни ўрганиш (билиш);
 - 2) ахборот алмашиш;
 - 3) фаолиятни ташкил этиш;
 - 4) ҳамдард бўлиш
-)

Мулоқот жараёнида талаба томонидан билдирилаётган фикрлар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Талаба шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, хистуиғулари, орзу-умид, мақсад ва ҳаётий интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараённинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Зеро, бу жараёнда педагогик талаба шахсига хос ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади.

Мулоқот жараёнидаги ахборот алмашинуви талабанинг ўзаро ижтимоий жараёнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлар алмашишини таъминлайди. Педагог ва талабалар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй беришини учун шароит яратади. Бу жараёнда педагог талабаларнинг энг яқин маслаҳатчиси, йўлбошчиси ва раҳбарига айланади. Мулоқот чоғида талабалар томонидан ўз шахсини, “мени”ни, қадр-қимматини етарлича баҳолаш ва ўз олдидарига ҳаётий мақсадларни кўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш вазифасининг ҳал қилиниши қуидаги воситалар асосида рўй беради:

- (
- 1) нутқ;
 - 2) паралингвистик (юн. “*pará*” – “яқин”, мулоқот таркибида сўзли, ғоявий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши) ва эксталингвистик (инг. “*exterior*” – “ташқарида”, немисча “*linguistik*” – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.) тизимлар;
 - 3) мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти;
 - 4) кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа;
 - 5) белгиларнинг оптик-кинетик тизими
(мимика, пантомимика, жестлар –қўл ва оёқ ҳаракатлари).
-)

Педагог раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриқлари, кўрсатмаларига асосан ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулоқот мухим аҳамият касб этади. Айни шу вақтда мулоқотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифасини намоён бўлади. Яқин-яқингача фаолиятни ташкил этишда педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди. Эндилиқда аксарият ҳолларда талабаларнинг ўzlари таълим ва тарбиявий жараёнларни мустақил

уюштириш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ, бу дегани, таълимий ва тарбияйи ишларни ташкил этиш даврида педагогнинг ўрни ва роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Педагог бу жараёнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоён бўлади ва талабаларни педагогик жараёнларни илмий-назарий, ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради.

Педагогик мулоқотнинг муҳим вазифаларидан яна бири – педагог ва талабаларнинг ўзаро хамдард бўла олишлари (педагогик эмпатияга эгаликлар) саналади.

Педагогик ҳамдардлик – педагог томонидан талабалар, ота-оналар ва ҳамкасларининг хатти-ҳаракатлари, хиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш

Педагогик ҳамдардлик асосида педагог талаба шахси, унинг истакларини тушуниш ва у орқали талабаларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди.

Педагогик мулоқотни ташкил этишда педагог, айниқса, ёрдамига муҳтоҷ талабаларга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир талабада турли ўқув фанлари асосларини ўзлаштиришга қизиқтириш усусларини, ҳамкорлик, ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишини олдиндан ўйлаб қўйиш лозим.

Педагогик амалиёт педагог томонидан ташкил этилаётган мулоқотни бир неча турга ажратиш мумкинлиги кўрсатади. Педаголгар ўз фаолиятларида мулоқотнинг қуидаги турларига таяниб иш кўради:

- 1) ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулоқот;
- 2) ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулоқот;
- 3) муайян масофани сақлаган ҳолда ташкил этиладиган мулоқот;
- 4) қўрқитиш, таҳдид қидишга асосланган мулоқот;
- 5) ҳазил-мутойибага, юморга асосланган мулоқот

Педагог томонидан жамоа билан мулоқотни уюштириш техникасини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Маълум вазиятларда педагог раҳбар сифатида талабалар фаолиятларини бошқаради. Бу жараёнда ҳам мулоқот етакчи омил ҳисобланади. Бироқ, мулоқотнинг самарадорлиги раҳбар сифатида намоён бўлаётган педагог томонидан қандай мулоқот услубининг танланганлиги билан белгиланади. Одатда, педагогнинг раҳбар сифатидаги мулоқот усуслари қуидаги уч турга ажратилади:

1. Авторитар услуб. Бунга кўра талабалар томонидан барча турдаги фаолиятнинг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси факат педагог томонидан белгиланади. Талабаларнинг ҳар қандай ташабbusлари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, шунингдек, жазолаш чораларини

кўриш орқали талабаларга таъсир этилади. Ҳатто талабаларнинг фаолиятлари ижобий баҳоланган вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиқлар билан баён этилади. Яъни: “Сендан ижобий хатти-ҳаракатни кутмаган эдим?!”; “Буни қара-я, наҳотки ўзгарган бўлсанг!?”; “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳ.к. мазмундаги рағбатлар, улар асли ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, талабани янги ютуқларига илҳомлантиrmайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим муассасасига ва педагогларга нисбатан совуққонликни юзага келтиради.

2. Демократик услуг. Унга кўра педагог педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир талабанинг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган ҳолда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Мухокамалар чоғида барча талабаларнинг иштироклари таъминланади. Талабалар томонидан билдирилаётган ташаббуслар қўллаб-куватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда бу ташаббуслар амалиётга татбиқ этилади. Бу услугдан фойдаланаётган педагог зиммасидаги вазифа фақатгина талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаб етади. Асосий эътиборни талабаларнинг ютуқларини эътироф этган ҳолда ёки уларнинг хатоларини ўзларига англашган ҳолда самарали тарбия чорасини кўришга қаратади. Ҳар бир талабанинг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги зафарларга эришишга руҳлантиради. Ушбу услугга асосланиб иш кўрадиган педагог ҳар бир талабанинг қизиқишилари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қиласи, фаол талабаларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Педагог талабалар билан мулоқотни ўрнатишда илтимос, маслаҳатга таяниб иш кўради.

3. Либерал услуг. Одатда бу услуг педагог ва талаба муносабтларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуг сифатида эътироф этилади. Бу услугга кўра иш юритадиган педагог талабалар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга ҳам эътибор бермасликка интилади. Талабаларни тартибга чақириш, вазиятдан келиб чиқсан ҳолда уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаб, жазолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат қилиб олади. Бу эса талабаларнинг одобсиз, ялқов, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услугни маъқул кўрадиган педагог талабалар ҳаёти билан мутлақо қизиқмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазиятларда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қиласи. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъқуллайди. Бу таҳлитда иш кўрадиган педагог обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас.

Педагогик фаолиятни ташкил этишда педагогнинг нафақат ўзи, балки унинг

ижобий таъсири асосида талабалар ҳам мулоқот маданиятини ўзлаштириб боришлари лозим.

Мулоқот маданияти – мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувоғиқ ташкил этиш асосида сұхбатдошни тушуна олиш өхтиёжи ва қобилиятига әгалик

Таълим амалиёти педагогик мулоқот жараёнида педагоглар томонидан қуидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради: эҳтиётсизлик, шахсиятпастлик, сұхбатдошни ортиқча мажбурлаш; сусткашлик, ўзини жуда юқори ёки паст қўйиш; ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш.

Педагог талабаларга самарали коммуникатив таъсир қўрсатиш малакаларини ўзлаштира олиши зарур.

Коммуникатив таъсир қўрсатиш – талабалар билан мулоқотда бўлиш, уларга тўғри ёндашиш, педагогик назокат билан уларга тарбиявий, иродавий ва ҳиссий таъсир этиш

Махоратли педагог фаолиятида педагогик тект ҳам ўзига хос ўрин тутади:

Педагогик (назокат) тект – педагогнинг талабалар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига әгалиги

Педагогик тект педагог фаолиятига ғоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқнинг бевосита татбиқ этишининг шакли сифатида намоён бўлади.

Тект (даҳлдорлик) – ахлоқий ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлиши

Ўз моҳиятига кўра педагогик тект ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракатдир.

Педагогга хос бўлган педагог тектнинг асосий таркибий элементлари сифатида қуидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
 2) юксак талабчанлик;
 3) сухбатдошни қизиқиш билан тинглай олиш
 ва унга нисбатан қайғуриш малакаси;
 4) руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик;
 5) муносабатлар жараёнида ишонч билан сўзлай олиш;
 6) қатъиятлилик (қайсаrlик эмас);
 7) талабаларга нисбатан эътиборли ва хушёр бўлиш

Талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тактнинг қуидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- талаба шахсини ҳурмат қилиш ва унга нисбатан талабчанлик;
 - турли фаолият бўйича талабаларда мустақилликни ривожлантириш ва уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;
 - талабанинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;
 - талабаларга ишониш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориши;
 - улар билан мулокотни ташкил этишда ўзини оқлаган ишchan ва ҳиссий характерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориши

Педагогнинг педагогик тактга эгалиги унинг юриш-туриши, вазминлиги, ўзини тута билишида намоён бўлади. Ушбу сифат талабага ишонч билан қарашни назарда тутади. Талабага ишончизлик билан қараш педагогнинг педагогик тактга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида педагогнинг педагогик тактга эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай қўполлик, кесатик ва койишлар, талабаларни доимий равища танқид қилиш, уларга ишончизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик такт, шунингдек, педагогнинг талаба жавобини диққат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, талаба хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиқлик, вазминлик билан тўғрилашда, талаба фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб берадиган талабага жилмайиш, турли имо-ишоралар билан, бошни қимирлатиш, юз ифодалари, қўл ҳаракатлари билан унинг жавобларини маъқуллаб тuriш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маҳоратли педагог талабалар фаолиятини баҳолашда эҳтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо талаба шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишига бўлган қизиқишини сўндиради. Талабалар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш қўриш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабага амалий ёндашиш (“Талаба бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Талабам, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса талаба. Мен унга қўядиган

баҳо унинг билими ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш).

2. Ҳар бир баҳо талабани келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у талабанинг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

Муносабат талабалар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Ижтимоий муҳитнинг муҳим таркибий асоси сифатида талабалар ҳам бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришадилар. Улар ўртасидаги муносабатлар характеристига кўра ижтимоий, таълимий ва шахсий бўлиши мумкин. Аудиторияда асосан талабалар ўртасидаги таълимий муносабат кўзга ташланади. Талабаларнинг аудиториядаги ўзаро муносабатлари тўғри ва самарали ташкил этилиши, муваффақиятли бошқарилиши зарур. Бунда педагог алоҳида ўрин тутади ва унинг талабалар жамоасини бошқара олиш маҳоратига эгалиги муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, педагоглар талабаларнинг аудиториядаги ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш ва бошқаришда нималарга эътибор қаратишлари зарур?

Бунда педагоглар, энг аввало, талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бирламчи ва иккиламчи аҳамиятга эга эканлигини инобатга олишлари зарур. Бирламчи муносабатлар – талабалар жамоасидаги ҳар бир аъзо ўртасидаги муносабатлар саналиб, у умумий характер касб этади. Бу каби муносабатлар ишчанлик касб этади ва ўзаро ҳиссий таъсирга эга бўлади. Иккиламчи муносабатлар эса жамоа таркибида шаклланган кичик гурухларда ташкил этиладиган муносабатлар ҳисобланади. Талабалар жамоасидаги кичик гурухлардаги (иккиламчи) муносабатлар яна жипс, мустаҳкам бўлиб, ҳиссий алоқалар ёрқин намоён бўлади.

Педагог таълим жараёнида талабалар ўртасидаги муносабатларнинг қандай характер касб этишини аниқ билиши зарур. Одатда талабаларнинг ўзаро муносабатлари қуйидаги мазмунга эга бўлади:

- 1) бир-бирига боғланганлик (ўрганганлик);
- 2) дўстлик;
- 3) муҳаббат;
- 4) беллашув;
- 5) ўзаро ғамхўрлик қилиш;
- 6) вақтни бирга ўтказиш;
- 7) турли ишларни биргаликда бажариш;
- 8) ўйин;
- 9) ижтимоий таъсир этиш;
- 10) бўйсуниш;
- 11) зиддиятларга асосланганлик;
- 12) маълум тартиб-қоидаларни бажаришда ўзаро бирликка эгалик.

Аудиторияда кўзга ташланадиган талабалар ўртасидаги муносабатлар аниқ таълимий мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ҳар бир педагог талабалар жамоаси (гурухи)да шаклланган муносабатнинг қуйидагиларга асосланишига эътиборни қаратиши зарур:

1. Ўзаро, биргаликда ҳаракатланиш (хар бир талабанинг фаоллиги бир вақтнинг ўзида қолган талабалар учун ҳам рағбат, ҳам акс таъсир бўлиб хизмат қиласди).
2. Биргаликдаги фаолиятнинг доимий мақсадга эга бўлиши.
3. Гуруҳда ташкилий раҳбарликнинг мавжудлиги (расмий ёки норасмий уюшган лидерларнинг борлиги гуруҳ фаолиятини самарали ташкил этилишини таъминлади).
4. Гуруҳда ролларнинг тўғри тақсимланганлиги ва табақалаштирилганлиги (гурухнинг ҳар бир аъзоси зиммасига муайян вазифа юклатилган бўлиб, улар ана шу вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдирлар).
5. Гуруҳ аъзолари ўртасида хиссий ёндашувнинг бўлиши.
6. Гуруҳда муайян тартиб-қоидалар (меъёрлар, ҳаётӣ тамойиллар, хулқ-атвор қоидалари)нинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда аъзолар томонидан уларга қатъий риоя этилиши.

Талабалар жамоаси (гурухи)нинг:

- 1) гуруҳ қизиқишли;
- 2) гуруҳ эҳтиёжлари;
- 3) гуруҳ фикри;
- 4) гуруҳ қадриятлари;
- 5) гуруҳ қоидалари;
- 6) гуруҳ мақсадларининг мавжуд бўлиши талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқарилишига ёрдам беради.

Педагоглар талабалар гурухларининг тўғри уюштирилганлиги, аниқ мақсадга эгалиги, расмий ва норасмий лидерларнинг мавжудлиги, қадриятлар ва қоидаларга эгалиги, аъзолар ўртасида ролларнинг тақсимланганлиги каби омилларни инобатга олишлари керак. Шундагина аудиторияда ҳам талабаларнинг фаолияти самарали ташкил этилади ва муваффақиятли бошқарилади.

3. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш. Педагогик жараёндаги муҳим ҳодисалардан бири – низо саналади.

Низо – қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмайдиган кучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлигини, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддият

Педагогик низо –педагог ва талаба, ота-она, ҳамкаслар ёки раҳбарият ўртасида педагогик жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, ўзаро қарама-қаршилик

Педагогик низо бир қатор белгиларга эга. Унга хос бўлган асосий белгилар қўйидагилардир:

Инқироз; англашилмовчилик; кутилмаган ҳодиса;
зўриқиши; ноқулайлик, ички ёки ташқи хавотир,
бартараф этищ қийин бўлган кўркув

Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагилари (47-расм):



46-расм. Педагогик низони келтириб чиқарувчи омиллар

Давомийлигига кўра педагогик низолар бир неча турли бўлади. Уларнинг асосий турлари қуйидагилардир (48-расм):




47-расм. Педагогик низонинг асосий турлари

Педагогик низоларда адолатсизликларга, ижтимоий муносабатлардаги яккаҳоқимликка йўл қўйиб бўлмайди.


Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор йўл тутилади. Улар орасида энг самарали йўллар қуйидагилар саналади:

- 1. Низонинг таъсир доирасини кенгайтирмаслик.
- 2. Қулай ечимларни таклиф қилиш.
- 3. Ман этилган усулларни қўлламаслик, шакллардан фойдаланмаслик.
- 4. Шикоятлар сонини қисқартириш.
- 5. Иккинчи даражали масалаларни ҳам узвий равишда ҳал қилиб бориш.
- 6. Низога киришган субъектлар шахсини камситадиган сўзлардан фойдаланмаслик

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор усуллар ҳам кўлланилади. Улар орасида энг самарали усуллар қуйидагилар саналади (49-расм):



Педаголлар педагогик низо иштирокчилариға педагогик, педагогик ёрдам күрсата олиш имкониятига ҳам эга бўлишлари зарур. Бу борада кўрсатиладиган ёрдам турлари қуйидагилар саналади (50-расм):



49-расм. Педагогик низо субъектларига кўрсатиладиган педагогик-психологик ёрдам турлари

4. Замонавий педагог имиджи. Бугунги кунда “имидж” тушунчаси ишлаб чиқариш, савдо ва ўзаро муносабатлар жараёнида фаол қўлланилмоқда.

Луғавий жиҳатдан “**имидж**” (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъносини билдиrsa, мазмунан “жозиба”, “мафтункорлик” маъносини англатишга хизмат қиласди

Ўқитувчиларнинг имиджи уларнинг шахси тўғрисида атрофдагиларга “мълумот” бериб қолмай, балки талабаларга самарали таъсир кўрсатиш воситаларидан бири саналади.

Педагогик имидж – педагог маънавий-ахлоқий қиёфаси билан унинг ташки кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносибликни ифодалайди

Талабаларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог қандай имиджга эга бўлиши зарур. Педагогнинг имиджи унинг содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг дикқатини тез жалб этувчи турли ялтироқ безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ кийинишида акс этади. Соч турмаги унинг эркин ишлашига ҳалакит қиласлиги керак.

Педагогнинг касбий фаолиятига мос иш кийимиға эга бўлиши талабаларга у томонидан кўрсатилаиган тарбиявий таъсир самараорлигини оширади. Зоро, иш кийими, энг аввало, педагогни тартибга ўргатади, қолаверса, унинг тартиблилиги талабалар ҳам намуна бўла олади.

Касбий фаолият педагогнинг пардоз мақсадларида турли ёрқин ранглар (қизил, қора, кўк, яшил, зарғалдоқ ва б. рангли тирноқ ва соч бўёқларидан) фойдаланмаслигини тақозо этади. Шунингдек, педагог таълим муассасасига ўта ҳашамдор, очик, ялтироқ либосларда келмаслиги зарур. Чунки ёрқин ранглар, ҳашамдор, очик, ялтироқ либослар талабаларнинг эътиборини таълим олишдан четга тортади. Бу эса ўз-ўзидан таълим сифати ва самарадорлигига зиён етказади.

Демак, “педагогик маҳорат” тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули негизида тингловчиларни педагогик маҳорат асослар билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Педагогик маҳоратнинг таркибий элементлари билан танишиш улар томонидан педагогик техника, нутқ маданияти, педагогик деонтология, коммуникатив комптентлик каби сифатларни самарали ўзлаштириш, педагогик низоларга оқилона ёндашиш имкониятини беради.

Моҳиятига кўра педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида педагогик билимдонлик, одоб, қобилият, мулоқот маданияти, релаксация, такт, техника, ижокорлик, тажриба ва маданият, коммуникатив таъсир кўрсатиш маанияти ҳамда нутқ техникаси малакасига эгалик кўзга ташланиб, педагог маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чукур англаши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Педагогик мулоқот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни ташкил этишда мулоқот жараённинг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Касбий фаолиятда мулоқотни ташкил этишда педагоглар авторитар, либерал ва демократик услублардан фойдаланади. Улар орасида либерал услуб педагог шахсида намоён бўлмаслиги зарур. Мулоқот жараёнида педагоглар эҳтиётсизлик, шахсиятпарастлик, сұхбатдошни ортиқча мажбурлаш; сусткашлик, ўзини жуда юқори ёки паст қўйиш; ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш каби камчиликларга йўл қўймасликка эътиборни қаратишлари керак.

Педагогик жараёндаги муҳим ҳодисалардан бири низо бўлиб, улар юзага келган вазиятларда ижтимоий муносабатлардаги яккаҳокимликка йўл қўйиб бўлмайди. Одатда педагогик низолар икки усул: 1) педагогик усул; 2) маъмурий усул билан ҳал қилинади.

Ўқитувчининг имиджи атрофдагиларга унинг шахси тўғрисида “маълумот” бериш билан бирга талабаларга самарали таъсир кўрсатади.

Шу сабабли педагогнинг имиджида соддалик, тартиблилик, бежиримлик акс этиши керак.

Назорат учун саволлар:

1. “Маҳорат” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Педагогик маҳорат нима?
3. Педагогик маҳорат қандай муҳим таркибий қисмлардан иборат?
4. “Педагогик деонтология” тушунчаси қандай маънони англатади?
5. Педагогнинг коммуникатив қобилияти нималарда акс этади?
6. Педагогик муроқотнинг қандай турлари мавжуд?
7. Педаголар талабалар билан муроқот жараёнида қандай услубларни кўллайди?
8. Педагогик назокат (такт) нима?
9. Педагогик низо нима ва унга хос белгилар қайсилар?
10. Педагогик низо қандай йўллар билан ҳал этилади?
11. “Имидж” ва “педагогик имидж” деганда нимани тушанасиз?
12. Замонавий педагогнинг имиджи қандай бўлиши зарур?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
3. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
4. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
5. Қурдатов Т. Нутқ маданияти асослари / ОЎЮ учун ўқув қўлл. – Т.: “Педагог”, 1993.
6. Husanov B., G'ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009.

5-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИК МОҲИЯТИ.

Режа:

1. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти.
2. Педагогнинг креативлик потенциали.
3. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари.
4. Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи

мезонлар.

Таянч тушунчалар: креативлик, креативликни ривожлантириш, креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар, креатив потенциал, педагогик креативлик, педагогнинг креатив потенциали, креатив потенциалнинг таркибий асослари ва тамойиллари, педагогнинг креатив потенциалини аниқловчи мезонлар.

1. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти. Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қиласди.

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг якуnlаниши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташки олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенизи – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижоий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Сүнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида талаба ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва б. томонидан олиб борилган қўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижалариан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мактаб креативликни барбод этяптими?” номли видео лавҳани YouTube сайтида 5 млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув қўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этиляпти, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этиляпти (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.).

Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, қўпчилик ўқитувчилар ҳали ҳануз шахс (ўзларида ҳамда талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий харакатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян аражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ, ўқув йилининг охирида келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Қўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, ахвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга

рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – **креативлик** саналади¹⁰.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўнималарга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гурух тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирасалар, иккинчи гурух вакиллари кретивлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил- мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. **Ҳар томонлама фикрлаши** талабалардан ўқув топширифи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда **бир томонлама фикрлаши** эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик”

¹⁰ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

түшунчасини қуидагича шарҳлаш мумкин:

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хистайғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади. Талаба томонидан тавсия этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим¹¹.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик”¹² түшунчаси негизида қуидаги ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин¹³. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгти йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” түшунчаси билан ифодаланмоқда.

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равища таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

¹¹ Ўша асар, +5-оснлар.

¹² Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009. – с.

¹³ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

“Креатив педагогика” қуидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:


- 1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;
- 2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиласиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустакил фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласлиги билан белгиланади. Муаллиф томонидан тавсия қилинган восита ва стратегиялар талабаларда креативликни ривожлантиришда ўқитувчилар учун қўл келади ҳамда талабаларда ўқув фанларини ўрганишга бўлган қизиқиш, интилишни ривожлантиради¹⁴.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлаи. Улар қуидагилардир (51-расм):

¹⁴ Ўша асар, 6-бет.

Асосий шакллар




50-расм. Педагогик креативликнинг асосий шакллари

Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши унинг креативлиги қай даражаа эканлигига боғлиқ бўлади.

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аникловчи тест ишлаб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қўйидаги белгиларни намоён қиласди:

- 1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслиқ;
- 2) муаммоларни аниклаш учун харакат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аникланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қўйидагилардир (52-расм):



51-расм. Э.П.Торренснинг шахса креатив сифатларини намоён бўлишини аникловчи тестларнинг түрлари

Талабаларда креатив фикрлаш күнін масини шакллантиришдан олдин синфда қулай мұхитни яратиш лозим. Креатив мұхитда таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиши ортади, шунингдек, креатив тафаккурға эга ўқытувчини құзатиш натижасида креатив фикрлашға мойил бўлади (Sternberg & Williams, 1996). Креативлик харақтеридаги ўқув-билиш мұхити талабаларда таълим жараёнида катта ахамиятта эга бўлган танқидий ва кретив фикрлаш күнін масининг ривожланишига олиб келади (Boykin & Noguera, 2011, 2012; Marks, 2000, as cited in Jensen, 2013).

Креатив тафаккурға эга талабалар:

- бошқа талабаларнинг хаёлига келмаган ғояларни билдиради;
 - ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди;
 - баъзан мавзу алоқаси йўқ ёки ғайриоддий саволлар беради;
 - ечими очиқ қолган вазифалардан завқланади;
 - ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал кўради;
 - муаммонинг ечимини топишда ноанъянавий ёндашувни танлайди.
- Шахсга хос креативлик сифатлари қуидагилар саналади (52-расм):



52-расм. Шахсга хос креативлик сифатларининг турлари

Шахс креативлигини ривожлантириш жараёнида “табақалаштириш”, “даврлаштириш” тушунчаларининг мұхим ахамият касб этиши эътиборни тортади. Хўш, бу икки тушунча қандай мазмунни

ифодалайди?

Табақалаштириш (лот. “diferentia” – “фарқланиш”, “даражаланиш”) – бутуннинг турли босқич ёки даражаларга ажратилиши.

Даврлаштириш (юон. “peridos” – “доира бўйлаб айланиш”) – муайян ҳодисани ўзида қандайдир якунланган жараённи қамраб олган маълум вақт бирликларига ажратилиши

Креатив жиҳатдан ривожланиша ҳар бир шахс ҳаётида давр ва босқич муҳим аҳамият касб этади. Демак:

Креативликнинг ривожланиш даври – маълум креативлик сифатларининг ривожланиши якунига етган қандайдир вақт бирлиги.

Креативликнинг ривожланиш босқичи – муайян креативлик сифатларининг ривожланганлик даражаси

Шунга кўра маълум давр ва босқичларда педагогларда ҳам креативлик сифатлари, ижодий фаолият малакалари ривожланади.


Педагоглар креативлик сифатлари билан бир қаторда ижодий фаолиятни ташкил этишга лаёқатлийкни ифодаловчи қуидаги малакаларга ҳам эга бўлишлари зарур:

Педагогларда креатив фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган малакалар гурӯхлари:

- 1) билишга оид (гностик) малакалар;
- 2) лойиҳалаш малакалари;
- 3) ижодий-амалий (конструктив) малакалар;
- 4) тадқиқотчилик малакалари;
- 5) мулокотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;
- 6) ташкилотчилик малакалари;
- 7) изчилийни таъминловчи (процессуал) малакалар;
- 8) техник-технологик малакалар

Айтиб ўтилганидек, барча шахсларда бўлгани каби педагоглара ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра тадқиқотларда шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффакиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари ёритилади. Патти Дрепеау¹⁵ томонидан ҳам шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффакиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган (54-расм):

¹⁵ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.



54-расм. Креатив сифатларни ривожлантириш йўллари

Қуйида мазкур йўлларнинг моҳияти хусусида сўз юритилади.

1-йўл: креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш. Бунда асосий ургу креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш асосий эътибор марказида бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги харакатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида талабаларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида зарур феълларнинг бўлишига эътибор қаратилади. Бу ҳолат мисоллар билан тушунирилса, талабалардан “юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб беринг” мазмунидаги назорат саволи уларда креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги “таърифлаб беринг” тушунчаси ўз моҳиятига кўра “мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг” дейиш билан teng.

Назорат саволларини беришда талабаларни фикрлашга ундовчи сўз (феъл)лардан фойдаланиш уларнинг креатив фикрлашларини осонлаштиради. Шу сабабли шахсда креатив сифатларни шакллантиришнинг биринчи йўлига кўра педагоглар турли, антиқа, ноанъанавий ҳамда пухта жавобни беришга мажбур қилувчи сўз (феъл)лардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. М: “боғлиқликни топинг”, “яратинг”, “башорат қилинг”, “фикрни мантиқан баён этинг”, “тасаввур қилинг” каби сўз (феъл)лардан фойдаланиш амалий жиҳатдан самарали саналади.

Агарда педагог талабалардан “юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб бериш”ни талаб қилиш ўрнига, “юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликнинг барча турларини келтириш”ни сўраши лозим. Натижада талабалар ҳам мавжуд билимларни умумлаштириш, ҳам янги фикр ва ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлади.

Педагоглар биринчи йўлни қўллаш – талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда ёш ўқитувчиларнинг “Креативлик харитаси”дан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

2-йўл: амалий креатив харакат кўникмаларини ривожлантириш. Педагоглар талабаларда креатив харакат кўникмаларини шакллантириш ва

ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланади. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, бироқ, талабалара интерфаоллик ва киришимлиликни ривожлантирмайди.

3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш. Мазкур йўл талабаларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга ургу беради. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмаса-да, креатив фикрлаш юз беради. М: “Юрак ва қон айланиши тизими ўртасидаги боғлиқликни топиш” (Isaksen & Treffinger, 1985). Топшириқни бажаар экан, талабалар одамнинг қон айланиши тизими билан боғлиқ турли муаммоларни таҳлил қиласди. Натижада ушбу жараёнда кўп томонлама фикрлаш, мушоҳада юритиш рўй беради.

4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш. Бу йўлни тутишда педагог талабаларга “Одамнинг қон айланиш тизими” мавзусида Power Point дастури ёки мультимедия ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғини бериши мумкин. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабаларда креатив фикрлаш кўникмалари фаол ривожланади.

Талабалар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай муҳитда тўла намоён қилишлари мумкин. Агар талабаларда муваффақиятсизликка учраш қўркув ҳисси мавжуд бўлса, фикрни нотўғри ифодалашдан ҳадиксирасалар, танқидга учрасалар бундай вазиятда уларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ёки ривожлантириш мумкин бўлмайди. Талабаларда креативликни одатга айлантириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин.

Бу жараёнда улар томонидан мавзу мазмунининг пухта англаниши ва креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган метод ва воситалар (3-мавзу) муҳим аҳамият касб этади.

Креатив характерга эга муҳитдагина талабалар ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўкув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлаш бошлашади (Anderson et al., 2000). М: талабалар “Иммиграция ходисасининг моҳияти”ни “Ақлий ҳужум” стратегияси асосида ўрганиш жараёнда, энг аввало, стратегиянинг ўзи нималигини, уни қандай қўллаш зарурлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Муайян омиллар педагогларда креативлик сифатлари, малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қиласди. Шу сабабли педагогик жараёнда ўқитувчилар ушбу омилларни баратаф этишга эътибор қаратишлари лозим. Кўйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласди:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-харакатларда қўполликка йўл қўйиш;
- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш


2. Педагогнинг креативлик потенциали. Талабаларни креатив фикрлашга ўргатиши, уларда креатив тафаккурни шакллантира олиш учун аввало ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор шахс бўлиши зарур. Борди-ю, унинг ўзи креативлик сифатларига эга бўлмаса, у ҳолда қандай қилиб, талабаларни креатив фикрлашга рағбатлантира олади. Чиқариладиган ягона хуоса қуидагича: ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор бўлсагина, талабалар ҳам шундай бўла олади.

Ўқитувчининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки дарсларни ижодкорлик, креативлик руҳида ташкил этиши, янги ғояларни таълим жараёнида синаб кўришга интилиши зарур. Машғулотларда ўқитувчи “креативлик йўл харитаси”га кўра қуидаги тўртта йўналиш бўйича ҳаракатланади ва улардаги ҳаракатлар педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар (Патти Дрепреау) саналади:

- 1) ижодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш;
- 2) талабаларни ўқув фанларини қизиқиш билан ўзлаштиришга рағбатлантирувчи стратегия (метод ва воситалар)дан фойдалана олиш;
- 3) инновацион ёндашув ва педагогик масала (муаммо)ларнинг ечимини топишга креатив ёндашиш;
- 4) кутиладиган натижага¹⁶.

5. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамоилилари. Педагогнинг **креативлик потенциали** унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилияtlари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив потенциали анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуидагиларда намоён бўлади:

- 
- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
 - янги ғояларни яратиш қобилияти;
 - бир қолипда фикрламаслик;
 - ўзига хослик;
 - ташаббускорлик;
 - ноаниқликка тоқат қилиш;
 - заковатли бўлиш

Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

¹⁶ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик күрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкаслар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичиде изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қиласар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.


Педагог ўзида қўйидаги креативлик малакаларини намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Илмий-тадқиқот ишлари, илмий ёки ижодий лойихаларни амалга ошириш ҳам педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиради. Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўнгилмаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари, илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қиласди;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойихаларни бажаришда фаол иштирок этади

Педагогнинг креатив потенциали қуидаги таркибий асосларни ўз ичига олади (54-расм):



54-расм. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари

Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қуидаги тамойилларга таянади (56-расм):



56-расм. Педагог креативлик потенциалининг устувор тамойиллари

Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивацияга эга бўлиш педагогларнинг креатив бўлишларига ёрдам беради. Куйидагилар позитив-фаол мотивация


саналади:

1. Ўз касбини ва талабаларни севиш.
2. Янгиликка интилиш.
3. Ўз фаолияти натижаларидан қониқиши.
4. Ҳамкасблар билан самимий муносабатда бўлиш.
5. Ташаббускор ва ижодкор бўлиш.
6. Ўзини ўзи қадрлай олиш.
7. Вақти-вақти билан ўзини ўзи рағбатлантириб бориш (ўзи учун ёқимли буюмларни сотиб олиш).

Буларнинг барчаси педагог учун рағбат (стимул) бўлиб, уни янада фаол ва самарали ишлашга йўналтиради.

6. Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар. Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кратив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуидагилар саналади (57-расм):



57-расм. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради (12-жадвал):

12-жадвал. Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари

	Даражалар	Даражада хусусиятлари
.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намойиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан
.	Ўрта	Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади
.	Паст	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Креативлик “турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалалар юзасидан қарорларни қабул қилишда яққол намоён бўлиб, у педагогнинг

ижодий фаоллигини тавсифлайды”¹⁷. Моҳиятига кўра ОТМ педагогларида креативлик сифатларини ривожлантириш улар томонидан педагогик, психологик ҳамда мутахассислик фанлари асосларидан тўла хабардор бўлиш, улар томониан ўзлаштирилган билимларни амалиётда фаол қўллай олиш қўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобига кечади.

В.В.Утёмов, М.М.Зинковкина, П.М.Горев¹⁸ларнинг қайд этишларича, креатив шахсни шакллантириш уч босқичда кечади. Яъни:

13-жадвал. Креатив шахснинг шаклланиш босқичлари

Босқичлар	Мазмуни
Табиий имкониятларга асосланувчи креативлик	Индивиднинг ўзига хос хатти-харакатларини ифодалайди
Бирламчи (умумий) креативлик	Шахснинг ижодкорлигини намоён этувчи умумий қобилият (у боланинг 3-5 ёшида намоён бўлиб, 6-7 ёшида унинг хатти-харакатларида яққол ифодаланади)
Ихтисослашган креативлик	Ижтимоий фаолиятнинг муайян тури бўйича ижодкорликни намоён этувчи қобилият (унга кўра касбий-ижодий фаолият тажрибаларига таянган ҳолда, унинг таъсирида умумий креативлик янада ривожланади)

Ҳар қандай шахсда бўлгани каби педагогларда ҳам ижодий-касбий характердаги сифатлардан бири сифатида креативлик муайян босқичларда ривожланади. Таълим амалиётини кузатиш, талабалар ва малака ошириш курси тингловчиларининг фаолиятини ўрганиш, ташхисловчи методларни кўллаш натижасида мутьлум бўлдики, педагогларда креативлик қуидаги тўрт босқичда шаклланади ва ривожланади (14-жадвал):

14-жадвал. Креатив шахснинг шаклланиш босқичлари


Босқичлар	Мазмуни
1-босқич	Педагогик, психология, фалсафа, эстетика каби фанлар (туркум фанлар)нинг назарий-методологик асосларини ўзлаштириш
2-босқич	Ўзлаштирилган назарий билимларни узлукли ва узлуксиз педагогик амалиёт даврида, шунингдек, амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараённида амалиётга тадбиқ этиш қўнималарини ҳосил қилиш
3-босқич	Мустақил равишда ўқиб-ўрганиш ва ижодий изланиш асосида ҳосил қилинган амалий қўнималарнинг малакаларга айланишига эришиш
4-босқич	Мавжуд назарий билим, амалий қўникма ва малакаларга таянган ҳолда касбий фаолиятни самарали ташкил этишига психологик жиҳатдан тайёрланиш

¹⁷ Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 15-б.

¹⁸ Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – С. 16.

Талабалара креативлик сифатларининг ўзлаштирилишига эришиш йўлида педагогик фаолиятни ташкил этишда юқорида қайд этиб ўтилган барча босқичлар бирдек аҳамиятли саналади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади. Таълим жараёнини кузатиш, бевосита педагогик жараённи ташкил этиш жараёнида қуйидаги методлар¹⁹ талабаларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билан бирга педагогикларда касбий фаолиятни ташкил этишда намоён бўлувчи ижодий малакаларни мустаҳкамланишига хизмат қиласди (58-расм):



58-расм. Шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар

Шахсда креативликни шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар фақатгина кўнгилочар характердаги топшириқ, машқ ёки вазифалардан иборат бўлиб қолиши керак эмас. Балки, талабаларга бериладиган барча топшириқ, машқ ва вазифалар мавжуд давлат таълим стандартларга мос келиши, талабаларга билим, кўникма ва малакаларини тўлақонли намойиш қила олиш имкониятини яратиши зарур. Машғулотлар жараёнида ўқитувчилар талабаларни аста-секин масъулиятдан озод қилиш орқали мустақил таълим олишга рағбат билдирадиган шахс бўлишларига эриша олишлари лозим (Фишер, Фрей, 2008 й.)²⁰.

Педагогнинг креативлиги ривожлантиришда унинг маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишига ижодий ёндашиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагоглар ўзларида креативлик қобилиятини ривожлантириш йўлида тизимли, изчил амалий ҳаракатларни ташкил этишлари зарур. Қўйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

¹⁹ Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 36-40-б.

²⁰ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

1. Матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш. Матнли, айниқса, катта ҳажмдаги матнли ахборотлар талабалар томонидан қийин қабул қилинади. Замонавий шароитда матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш талаб этилмоқда. Ўқув ахборотларини график шаклига ўтказышда маълумотларни модел, схема, жадвал, диаграмма, тасвир, кластер, математик, физик, геометрик кўринишларида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бу тарзда талабаларга тақдим этилган ахборотлар талабалар томонидан самарали қабул қилинади.

Айни вақтда ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Инновацион таълим технологиялари” йўналишида ташкил этилган амалий машғулотда тингловчилар билан қуидаги матнли ахборотни кластерда ифодалаш кўникма, малакалари билан қуроллантирилди:

Лугавий маъносига кўра “таксономия” туциунчаси “тартиб билан жойлаштириши қонуни” маъносини англатади. Объектларни уларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган ҳолда мураккаблашиб борадиган даражалар кетма-кетлиги (иерархик тарз)да жойлаштирган ҳолда туркумлаштириши, тизимлаштириши “таксономия” деб аталади.


Педагогик таксономия – педагогик жараённинг ўзаро боғлиқ ва хоссасига кўра кўп босқичли (иерархик) тузилишига эга объектларини тавсифлаш, тартибга солиш ва тизимлаштириши назарияси. Б.Блум раҳбарлигидаги 1956 йилда АҚШда “Педагогик таксономия” гоялари эълон қилинди. XX асрнинг 60-йилларида Д.Кратвол ва бошқалар томонидан педагогик мақсадларни ифодаловчи таксономиянинг навбатдаги гоялари шакллантирилди

Б.Блум таксономияси категория (мезон)лари

№	Мезонлар	Мазмуни
1.	Билиш	<i>Билимлардан хабардор бўлиш, уларни ўзлаштириши, ёдда тутшии, қайта ёдга олишини ифодалайди</i>
2.	Тушуниш	<i>Билимлар юзасидан фикрлаш, мушоҳада юритиши, назарий ҳолатдан амалиётга кўчиши мантигини ўзлаштириши</i>
3.	Кўллаш	<i>Билимларни амалиёт (амалий ҳаракатлар)да кўллаш</i>
4.	Анализ	<i>Мавжуд билимларга таянган ҳолда яхлит, бир бутун обьект, ҳодиса, воқелик ва жараённи таркибий элементларга ажратган ҳолда ўрганиши, жузъий хулоса чиқарии</i>
5.	Синтез	<i>Мавжуд билимларга таянган ҳолда айрим, алоҳида таркибий элементлар асосида яхлит, бир бутун обьект, ҳодиса, воқелик ва жараён түҳрисида умумий хулоса чиқарии</i>


6.	Баҳолаш	<i>Шахснинг назарий билим ҳамда амалий қўникумга, малакаларга эгалигини баҳолаш</i>
----	---------	---

“Б.Блум таксономияси” мавзусидаги ўқув ахборотининг кластердаги ифодаси



2. Махсус тестлар билан ишлаш. Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларда креативлик қобилияти ва сифатлари мавжудлигини аниqlашда Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланиш самарали натижаларни беради.

Мазкур тест қуидаги штрихларан иборат ноаниқ тасвиirlардан иборат бўлиб, тингловчиларга уларни тугатиб бериш топшириғи берилади:



ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести кўллаш жараёнида тингловчилар томонидан кўплаб таклифлар берилади. Берилган таклифлар тинглов-педагогларнинг қай даражада креативлик сифатларига эгалиги, тасаввурининг қанчалик бойлигини ифодалайди.

3. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Машғулотларда интерфаол метод (стратегия, графикр органайзер)лар билан ишлаш талабалар томонидан ўқув ахборотларини тизимли, яхлит ҳолда ўзлаштириш имкониятини яратади. Қолаверса, интерфаол методлар ёрдамида талабалар ўқув ахборотлари билан ишлашда билимларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мухим тушунчаларни тизимлаштириш, объект, жараён, фаолият, воқеа, ходисаларнинг умумий моҳиятини аниқ ифодалаш каби кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффак бўлади.

Кўйида пеагогик туркум фанларини ўқитиш ҳамда талабалар, ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш курслари тингловчиларида креативлик сифатлари, ижодий-касбий фаолият малакаларини шакллантиришда интерфаол методлардан фойдаланишга оид мисоллар келтирилади.


3.1. “Синквейн” стратегияси. Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиши ва ёзиши асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир талаба (талаба) ва талаба (талаба)лар гурухларининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини кўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг моҳияти билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Синквейн (фр. “беш қатор”) – маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ходиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир талаба ушбу маълумотлар йиғиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки қарашлар орқали ифодалаш имкониятига эга

Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва хиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

Синквейн тузиш мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиш беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:




“Word матн мұхаррири”нинг “Синквейн” стратегияси ёрдамида ёритилган моҳияти

- 1-қатор.** *Windows* (1та от)
- 2-қатор.** Хужжатни *тез ва сифатли* тайёрлайди (2 та сифат)
- 3-қатор.** Маълумотларни *ёзиши, қайта ишилаши ва саклашга* ёрдам беради (3 та феъл)
- 4-қатор.** *Windows тизими мұхитида ишилайди* (4 та сўз)
- 5-қатор.** *Word матн мұхаррири Microsoft office дастурлари пакетига киради, унинг пиктограммаси “W” белгиси, унда ишиланган файл кенгайтмаси .doc саналади* (1 та гап)


3.2. “Вени диаграммаси” график органайзери (ГО) талабаларда мавзуга таҳлилий ёндашиш, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қўйидаги схема чизилади:



ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қўйидагилардан иборат:



ГОни қўллаш жараёнида ҳар бир гуруҳ муайян мавзуга оид топшириқларни бажаради. Талабалар эътиборига қўйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гурухлар	Диаграмманинг тартиб раками	Топшириқлар мазмуни
1- гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

“Вени диаграммаси” қўллашга оид мисоллар

“Таълим ва тарбия жараёнларининг моҳияти” мавзусидаги Вени диаграммаси




4. Ўқув топшириқларининг турлари ва ўқув машғулотлар учун ўқув топшириқлари турларини белгилаш. Режалаштирилган мақсадлар тизими ушбу мақсадларнинг бажарилишини таъминловчи ҳаракатлар тизими билан узвий боғланади. Ўқув материалларини ўзлаштиришда таълим олувчини фаол ҳаракатга ундейдиган омил – ўқув топшириқлари ҳисобланади. Ўқув топшириқлари – ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси.

Шу сабабли ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади. Педагогика ОТМда таҳсил олаётган талабалар ўкув топшириқларини тўғри шакллантириш кўникма, малакаларига эга бўлиши зарур. Ўқув топшириқларини шакллантиришда қуидагиларга эътибор қаратилади:

1. Ўкув топшириқларининг мураккаблик даражасини аниқлай олиш.
 2. Дарснинг мақсадига мувофиқ ўкув топшириқлари тизимини шакллантириш

Бу ўринда Д.Толлингерова томонидан қўйидаги ўкув топшириқлари таксономияси таклиф этилган (59-расм):



59-расм. Характерига кўра ўкув топшириқларининг турлари

Ҳар бир ўкув топшириғи ўз ичига яна бир неча кичик турдаги топшириқларни қамраб олади. Улар қўйидагилардир:

I. Хотирада сақлаш, қайта ёдга туширишни талаб этувчи топшириқлар:

- 1) хабардор бўлишга оид топшириқлар;
- 2) алоҳида далил, сон, тушунчаларни ёдга олишга доир топшириқлар;
- 3) таъриф, меъёр, қоидаларни ёдга олишга оид топшириқлар;
- 4) катта ҳажмдаги матн, бўлим, шеър, жадвал ва б.ни ёдга олишга оид топшириқлар.

II. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

- 1) далиллар (ўлчаш, тортиш, ҳисоблаш ва б.)ни аниқлашга оид топшириқлар;
- 2) далилларни келтириш ва таърифлашга (ҳисоблаш, санаб ўтиш ва б.)га доир топшириқлар;
- 3) харакатлар жараёни ва усулларини ташкил этиш ва тавсифлашга оид топшириқлар;
- 4) ажратиш ва йиғишиш (таксилил ва синтез)га доир топшириқлар;

5) қиёслаш ва фарқлаш (такқослаш ва бўлиш)га оид топшириқлар;
6) тақсимлаш (категориялаштириш ва таснифлаш)га доир топшириқлар;

7) далиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (сабаб, оқибат, мақсад, восита, таъсир, фойдалилик, восита, усуллар)ни аниқлашга оид топшириқлар;

8) мавхумлаштириш, аниқлаштириш ва умумлаштиришга доир топшириқлар;

9) мураккаб бўлмаган (катталик, ўлчамлари номаълум бўлган) мисолларни ечиш.

III. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

1) кўчириш (бирор жойга узатиш, шаклини ўзгартириш)га оид топшириқлар;

2) баён қилиш (шарҳлаш, маъносини тушунтириш, моҳиятини ёритиш, асослаш)га доир топшириқлар;

3) индукция (жузъий хусусиятга таянган умумий хуласа чиқариш)га оид топшириқлар;

4) дедукция (умумий ҳолатга кўра хусусий хуласалар чиқаришга) доир топшириқлар);

5) исботлаш (далиллаштириш) ва текширишга оид топшириқлар;

6) баҳолашга доир топшириқлар.

IV. Маълумотларни эълон қилишга оид топшириқлар:

1) умумлаштирувчи қисқача маълумот, қоралама, мазмун ва б.ни ишлаб чиқишига доир топшириқлар;

2) ҳисобот, маълум муаммога бағишлиланган илмий асар, маърузаларни тайёрлашга оид топшириқлар;

3) мустақил равишда ёзма ишлар, чизмалар, лойиҳалар ва б.ни бажаришга доир топшириқлар.

V. Ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлар:

1) амалий таклифларни ишлаб чиқаришга доир топшириқлар;

2) муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилишга оид топшириқлар;

3) саволларни қўйиш ва масала ёки топшириқларни ифодалашга доир топшириқлар;

4) шахсий кузатишларга асосланган ҳолда ечимни топишга оид топшириқлар;

5) шахсий мулоҳазага асосланган ҳолда ечимни топишга доир (рационал ечимга асосланган) топшириқлар.

Англанганидек, педагоглар таълим жараёнини ташкил этишда ўкув материалларининг характеристидан келиб чиқсан ҳолда юқорида қайд этилган топшириқлардан икки ва ундан ортигини танлаш имкониятига эга. Бир машғулотда талабаларни бир неча турдаги топшириқлар билан ишлашга жалб этиш талабаларда ўкув фаолиятига нисбатан қизиқишни оширади ва ўкув-билиш фаолиятини кучайтиради.

5. Ўқув топшириклари учун иш қоғозларини тайёрлаш. Иш қоғозлари асосида ўқув топширикларининг бажарилиши мазкур жараённи тезлаштириш, талабалар фаолиятини осонлаштириш ва энг муҳими, мумкин қадар вақтни тежаш имконини яратади. Шу туфайли етакчи хорижий мамлакатлар тажрибасида ўқув топшириклари билан ишлаш жараёни учун иш қоғозларини шакллантириш ва уларни машғулотлар учун тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида таълимни ташкил этишга инновацион ёндашиш натижасида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида деярли ҳар бир дарс, ўқув машғулотида талаба ва талабаларнинг амалий фаолиятини иш қоғозлари воситасида ташкил этиш анъанаси бир қадар шаклланди. Айни вақтда бу борадаги тажрибани янада бойитишга нисбатан эҳтиёж мавжуд. Шу сабабли ОТМ педагогларида иш қоғозларини шакллантириш борасидаги кўникма, малакаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ўқув машғулотларида бажариладиган топшириклар учун иш қоғозларининг тайёрланиши педагогларда креативлик қобилиятини янаа ривожланишига ёрдам беради.

Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллашда график органайзерларнинг графикли тавирларидан иш қоғозлари сифатида фойдаланиш мумкин.

ЎММнинг “Иловалар” қисмида сўнгги йилларда ўқув машғулотларида тобора кенг қўлланилаётган иш қоғозларидан намуналар (1-илова) келтирилади.

6. Креатив ёндашув асосида ўқув фанлари бўйича назоратсинов топширикларини тайёрлаш, кейс ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш. Замонавий таълимда талабаларга тайёр билимларни бериш эмас, балки уларни билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, тайёр билимларни ўзлаштириш гарчи талабаларнинг борлиқни англашларии, ижтимоий муносабатлар мазмунини, у ёки бу кўринишдаги кишилик фаолияти моҳиятини тушунишларига ёрдам беради. Бироқ, борлиқ ва ижтимоий муносабатларнинг мавжуд ҳолатини ифоаловчи ҳодиса, воқелик, жараённинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик, алоқадорликни тушуниш, сабаб-оқибатларини таҳлил қилиш, фаолият мазмуни, йўналиши ва энг муҳими, натижасини кафолатловчи омилларни таҳлил қилиш малакаларини самарали ривожланишига тўсқинлик қиласи. Шу каби салбий ҳолатнинг олини олишда талабаларни “муаммо вазиятлар”га рўпара қилиш методик жиҳатдан самарали саналади.

Муаммоли вазиятларнинг дидактик имкониятлари талабаларни ўрганилаётган масала (мавзу, муаммо) юзасидан фикрлаш, масала моҳиятини ёритувчи таркибий элементлар ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш, “муаммо-муаммони ҳал қилиш жараёни-ечим” тизими асосида масалани таҳлил қилиш, ечим борасида фаразларни илгари

суриш, уларнинг мақбуллигини текшириш, ечимни баён этиш ва уни ҳимоя қилиш каби амалий ҳаракатларни ташкил этишга мажбур қилади. Қолаверса, муаммоли вазиятлар ёрдамида талабалар ўз билимларини мустақил таҳлил қилиш, ўқув-билиш фаолиятига танқилий ёндашиш, ўрганилаётган масала (мавзу, муаммо) юзасидан ижодий фикрларни илгари суриш каби имкониятларга эга бўладики, худди шу ҳолат жамият томонидан таълим тизими олдига қўйилаётган ижтимоий буюртманинг тўлақонли бажарилишини таъминлайди. Яъни, муаммоли ўқитиш, уни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологиялар республика узлуксиз таълим тизими томонидан ўз олдига қўйилган ҳар томонлама (ақлий, ахлоқий, жисмоний, ҳиссий жиҳатдан) ривожланган баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашдан иборат ижтимоий буюртманинг бажарилишини таъминловчи зарур педагогик шарт-шароитни вужудга келтиради. Шу сабабли бугунги кунда таълим тизимида муаммоли таълимдан фойдаланиш, муаммоли таълим технологияларини самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида умумий ва мутахассислик фанларини ўқитишида муаммоли таълим технологиялари орасида мухим ўрин эгаллаган “Кейс-стади” технологиясини қўллаш тажрибаси шаклланмоқда.

Шундай қилиб, малака ошириш курсларида “Креатив педагогика” модули (фани)ни ўқитиш педагогларда уларга хос креатив сифат ва ижодий-педагогик фаолият малакаларини самарали ривожлантириш имконини беради. Педагогларда креативлик сифатлари, ижодий-педагогик фаолият малакаларини ривожлантириш борасида америкали тадқиқотчи Патти Дрепеау томонидан таклиф қилинган йўлларда фойдаланиш кутилган натижаларни кўлга киритишига ёрдам беради. Қолаверса, педагогларда креативлик сифатларини шакллантириша устувор тамойиллар асосида иш кўриш аниқ мақсага йўналтирилган фаолият самарадорлигини кафолатлади. Малака ошириш курсларида амалий машғулотлар жараёнида педагогларнинг креативлик имкониятларининг аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даража кўрсатичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш, ютуқларни бойитиши, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик креативликка қандай сифатлар хос?
2. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
3. Шахсада креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар нималарда акс этади?
5. Шахс креативлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари кайсилар?
6. Педагогларнинг креативлик имкониятлари нималарда акс этади?

7. Педагоглар креативлик имкониятларининг таркибий асослари нималардан иборат?
8. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай мезонлар ёрдамида аниқланади?
9. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай даражаларда намоён бўлади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.
5. Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ ШАРТЛАРИ.

Режа:

1. Таълим тизимининг модернизацияси ва педагогик технологиялар моҳиятига оид блиц-сўров.
2. Кичик гуруҳлара таълим тизимининг модернизациясининг аҳамиятини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш.
3. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.
4. Мавзуга оид аражали тестларни ечиш.

Машғулотнинг бориши

I. Таълим тизимининг модернизацияси моҳиятига оид блиц-сўров.

Топшириқ (блиц-сўров):

1. Модернизация –
2. Таълим тизимининг модернизацияси –
3. Таълим технологияси –
4. Таълим методи –
5. Педагогик технология –
6. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш биринчи босқичи –
7. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш иккинчи босқичи –
8. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш учинчи босқичи –

II. Кичик гуруҳлара таълим тизимининг модернизациясининг аҳамиятини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш.

Тингловчилар учун қуийдаги иш қоғози тавсия этилади:

1-саҳифа

Модернизация -
Таълим тизимининг
модернизацияси –
Таълим тизими
модернизациясининг мақсади -

2-саҳифа

Таълим тизими
модернизациялаш
вазифалари –

III. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.

1. Кейс баёни. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга

оширилади.


Кейс топшириғи: таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

Босқичлар	Вазифалар
1-босқич	- талабалар фаолиятини назорат қилиш;
2-босқич	- талабалар фаолиятини ташхислаш;
3-босқич	- лойиҳани яратиш;
4-босқич	- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-босқич	- педагогик жараённи ташкил этиш

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:




Ўқитувчининг ечими:



2. Кейс баёни. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга оид таълим инновациялари ҳам бир неча гурӯҳларга бўлинади.


Кейс топшириғи: берилған таълим инновацияларини тегишли турлар бүйича белгиланг.



Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилған инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилған инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

Ўқитувчининг жавоби:



IV. Мавзуга оид аражали тестларни ечиш.

1. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши – бу ...

- a) таълим тизимининг ривожланиши;
- b) таълим тизимининг шакллантирилиши;
- c) таълим тизимининг ҳолати;
- d) таълим тизимининг модернизацияси.**

2. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

- a) ўзгартириш киритиш;
- b) қўшимча киритиш;
- c) янгилик киритиш;**
- d) таклиф киритиш.

3. “Инновацион таълим” тушунчаси дастлаб қаерда асосланган?

- a) 1919 йилда Берлинда;
- b) 1979 йилда Римда;**
- c) 1920 йилда Вашингтонда;
- d) 1995 йилда Москвада.

4. Янги ғоялар, тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илғор иш услублари. Улар ... қўринишлари.

- a) технологиянинг;
- b) методиканинг;
- c) инновациянинг;**
- d) лойиҳалашнинг.

5. Таълим (ўқитиши) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши қандай номланади?

- a) таълим методикаси;
- b) таълим технологияси;**
- c) таълим парадигмаси;
- d) таълим метоологияси.

6. Таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиши ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги харакатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи. “Педагогик технология” тушунчасининг ушбу таърифи ким томонидан берилган?

- a) У.Нишоналиев;
- b) Б.Фарберман;
- c) ЮНЕСКО;**
- d) В.П.Беспалько.

7. Педагогик технология мезонларини рақамларини мос катакларга қўйиб чиқинг: 1) концептуаллик; 2) тизимлилик; 3) бошқарувчанлик; 4) самарадорлик.

Таълимий технология самарали натижа ва таълим мақсадларига эришиш кафолатини таъминлайди	Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларига эга, яъни: яхлитлик, тузилмавийлик, барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боялиқлиги ва уларнинг бир-бира бўйсуниши, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги	Таълим технологияси фалсафий, психологияк, дидактик ва тахлимий мақсаднинг ижтимоий-педагогик асосланган аниқ илмий ғояларига асосланади	ТТ моҳияти – ишларни аниқ бажарилишида, яъни: бутун тугалланган таълим жараёнини аниқ педагогик ғоя остида дастлабки башоратлаш, лойихалаштириш ва режалаштиришида кўриш мумкин

Жавоб:

4	2	1	3
---	---	---	---

8. Педаголарда инновацион ёндашувнинг қарор топиши босқичларининг мос рақамларини ёзинг.

Босқичлар	Рақамлар
Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепсияси ёки методикасини яратади	
Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради	
Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади	
Тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади	

Жавоб:

Босқичлар	Рақамлар
Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепсияси ёки методикасини яратади	
Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради	
Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади	
Тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади	

9. Таълим инновациялари турларига мос келадиган инновация турларини ёзинг: 1) фаолият йўналишига кўра; 2) киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра; 3) ўзгаришларнинг қўламига кўра; 4) келиб чиқиш манбаига кўра.

Жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар	Радикал, модификацияланган , комбинацияланган инновациялар	Педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар	Тармоқ (локал), модул ва тизим инновациялари

Жавоб:

4	2	1	3
---	---	---	---

10. Новация ва инновацияга оид хусусиятларга мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг: 1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 4) қўлам ва вақт бўйича чегараланади; 7) методлар янгиланади; 9) натижга аввалти тизимни такомиллаштиради; 2) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 3) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойихалайди; 5) субектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 6) янги технологиялар яратилади; 8) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 10) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Тушунчалар	Жавоблар
Новация	
Иновация	

Жавоб:

Тушунчалар	Жавоблар
Новация	1, 4, 7, 9
Иновация	2, 3, 5, 6, 8, 10

Машғулотнинг якунланиши

Кичик грухлар ва ҳар бир тингловчининг машғулот жараёнидаги иштироки баҳоланади. Таълим мақсадининг натижаланганлиги таҳлил этилади.

2-амалий машғулот: ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ (6 соат)

Режа:

1. “Ўқитиш тизимида шахсга йўналтирилган таълимни қўлланилишининг аҳамияти” мавзусида “Қарорлар қабул қилиш технологияси”

график организатори ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.

2. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.
3. Мавзуга оид даражали тестларни ечиш.
4. Таълим жараёнида амалий (дидактик) ўйинлардан фойдаланиш борасида ўзаро тажриба алмашиш.
5. Ўқитиш тизимида интерфаол методларни қўллаш юзасидан маҳорат дарсларини ташкил этиш.

Машғулотнинг бориши

I. “Ўқитиш тизимида шахсга йўналтирилган таълимни қўллаш имкониятлари ва муаммолари



II. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.

Кейс баёни. Таълим тизимида “новация” ва “инновация” тушунчалари қўлланилади. Ҳар икки тушунча турли ҳолатларни ифодалайди. Бунинг натижасида улар ўртасидаги фарқларни аниқ кўриш мумкин бўлади.

Кейс топшириғи: Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни ТОПИНГ.

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вакт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижга аввалги тизимни тақомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

4. Кейс баёни. Ўйинлар педагогик мақсадда ҳам қўлланилади ва улар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласди. Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади. Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни муайян тартибда гуруҳлаштирган.

Кейс топшириғи: қуйидаги келтирилган педагогик ўйинларни машҳур педагог Г.К.Селевко томонидан тавсия этилган схемада қайта ифодаланг.

1. Продуктив, репродуктив ва ижодий ўйинлар.
2. Жисмоний ўйинлар.
3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи ўйинлар.
5. Ишбилиармонлик ўйинлари.
6. Мулоқотга асосланувчи, ташхисловчи, касбга йўналтирувчи, психологик-техник ўйинлар.
7. Мехнат, техник, ишлаб чиқаришга доир ўйинлар.
8. Компьютер, телевизон ва техник воситаларга асосланувчи ўйинлар.
9. Стол ўйинлари, хона ўйинлари, кўча ўйинлари, жой билан боғлиқ ўйинлар.
10. Мехнат ўйинлари.
11. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ўйинлар.
12. Дидактик ўйинлар.
13. Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайёҳлик, халқона ўйинлар.
14. Имитацион ўйинлар.

15. Ролли ўйинлар.
16. Сюжетли ўйинлар.
17. Техник ва ҳаракатни таъминловчи ўйинлар.
18. Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тијорат характеридаги ўйинлар.
19. Драматик ўйинлар.
20. Предметли ва предметсиз ўйинлар.
21. Мусиқий, театр томошаси, бадиий ўйинлар.
22. Математик, биологик, кимёвий, физик ва экологик ўйинлар.
23. Ижтимоий ўйинлар.
24. Психологик ўйинлар.

Педагогик ўйинлар

Фаолият мөхиятига кўра

--	--	--	--	--

Педагогик жараённинг характерига кўра

--	--	--	--

Ўйин методикасига кўра

--	--	--	--	--	--

Фан соҳаларига кўра


--	--	--	--	--

Ўйин мухитига кўра

--	--	--	--

Ўқитувчининг жавоби:

Педагогик ўйинлар



5. Кейс баёни. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишининг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимишининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-куватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

Кейс саволи: кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишда топшириш мумкинлигиними ёки маълум ўқув фанини талабага юклатиладиган юкланма ҳажми (мехнат сарфи)дан келиб чиқсан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда ўзлаштириш ва хар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтиш зарурлигиними?

Ўқитувчининг жавоби. Кредит маълум ўқув фани (модули)ни

ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишида топширишни англатмайди. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниш эмас. Балки бир ўқув фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

6. Кейс баёни. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда. “**Вебинар технологиялар**” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айрим ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишга ҳам хизмат қиласди.

Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.


Кейс саволи: кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

Ўқитувчининг жавоби: вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар, яъни вебинар дарсининг Интернет тармоғиги орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилишининг ҳал қилинишигина вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

7. Кейс баёни. Инновацион жараёнларни бошқариш ўз мазмунига эга. Тадқиқотчилар инновацион жараёнларни характерловчи бир қатор

моделларни яратишган. Ҳар бир моделда инновацион жараёнинг у ёки бу жиҳатлари акс этади.

Кейс топшириғи. К.М.Ушаков ғоясига қўра инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганинг ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг:



Ўқитувчининг ечими:

1. Инкор этиш – ҳар қандай янгиликнинг рад этилиши, қабул қилинмаслиги.

2. Қаршилик – янгиликларнинг қабул қилинишига нисбатан салбий муносабатнинг мавжудиги, янгиликларнинг қабул қилинишини хоҳламаслик.

3. Тадқиқот этиш – янгиликларнинг амалий аҳамиятга эгалигини амалий изланишлар асосида ўрганиш.

4. Оммалаштириш – амалий аҳамияти исботланган янгиликларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши.

5. Анъанавийлаштириш – амалий аҳамияти исботланган янгиликларни амалиётда изчил қўлланилишига эришиш.

8. Кейс баёни. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими:

Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион фаолияти	1. Янгиликлардан изчил хабардор бўлиш. 2. Ўз фани бўйича янгиликларни яратиш хоҳишига эгалик. 3. Ўзлаштирган ёки ўзи асосланган янгиликларни амалиётга тадбиқ этишда қатъиятлилик кўрсатиш. 4. Ўз фаолиятида инновацияларни фаол қўллаш

9. Кейс баёни. Таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат,

компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллади ва самарали натижаларга эришади.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими

Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион салоҳияти	<ol style="list-style-type: none"> 1. Янгича фикрлаш қобилиятига эгалиги. 2. Ўзини турли, айниқса, янгиликлар билан боғлиқ вазиятларда синаб кўришга интилиши. 3. Ижодий фаоллик кўрсата олиши. 4. Изчил равишда инновацион ғояларни илгари суриш маҳоратига эгалиги

III. Мавзуга оид даражали тестларни ечиш.

1. Таълим инновациялари неча турга бўлинади?

- a) 2 турга;
- b) 4 турга;**
- c) 6 турга;
- d) 8 турга.

2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра таълим инновациялари қандай турларга бўлинади?

- a) тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари;
- b) радикал, модификацияланган ва комбинацияланган инновациялар;**
- c) жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар;
- d) педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

3. Фаолият йўналишига кўра таълим инновациялари қандай турларга бўлинади?

- a) тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари;
- b) радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар;**
- c) жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар;
- d) педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.**

4. Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали

натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар ... деб номланади?

- a) таълим воситалари;
- b) таълим технологиялари;
- c) таълим методлари;
- d) таълим инновациялари.**

5. ... муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгаришишга қаратилган фаолият.

- a) инновация;**
- b) новация;
- c) гравитация;
- d) градация.

6. Янги ғоялар, тизим ёки фаолият йўналишини ўзгаришишга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илғор иш услублари. Улар ... кўринишлари.

- a) технологиянинг;
- b) методиканинг;
- c) инновациянинг;**
- d) лойиҳалашнинг.

7. Ўзгаришларнинг кўламига кўра таълим инновациялари ... каби турларга бўлинади?

- a) тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари;**
- b) радикал, модификацияланган ва комбинацияланган инновациялар;
- c) жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар;
- d) педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда кўлланиладиган инновациялар.

8. Фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлмай, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгаришишга хизмат қиласа ... деб юритилади?

- a) новация;**
- b) эврика;
- c) инновация;
- d) интуиция.

9. Ўзаро мувофиқликни аникланг.

1. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра таълим инновациялари	A. комбинацияланган инновациялар B. тармоқ (локаль) инновациялари C. модул инновациялари D. модификацияланган инновациялар E. тизим инновациялари F. радикал инновациялар
2. Ўзгаришларнинг кўламига кўра таълим инновациялари	

Жавоб: 1-В, С, Е. 2-А, D, F.

10. Ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, юксак муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг таркибий элементларини унинг муаллифи билан жуфтланг.


Инновацион фаолиятнинг таркибий элементлари	A	В.Сластенин
	B	У.Нишоналиев
	C	М.Кларин
	D	В.П.Беспалько

Жавоб: А


11. “Педагогик технологиялар” тушунчаси унга мос таъриф билан жуфтланг.

Педагогик инновациялар	A	Замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш
	B	Таълим муассасасини бошқаришнинг янги методларини амалга ошириш, ташқи алоқа ўрнатиш ва иш ўринларини ташкил этиш
	C	Педагогик янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни баҳолаш, фойдаланиш ва амалиётта татбик этиш
	D	Педагогик, ташкилий ва иқтисодий инновациялар билан мувофиқлаштирилган ва ўзаро алоқадорлик асосида амалга оширилиши

12. Педагларда инновацион ёндашувнинг қарор топтириш босқичларини изчил тарзда ифодаланг: 1) педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади; 2) мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади; 3) янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради; 4) тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.



Жавоб:



13. Инновациялар моҳиятини ёритувчи таърифларни уларга тегишли тушунчалар билан жуфтланг.

№	Таърифлар	№	Тушунчалар
1	Фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса	A	Таълим инновациялари
2	Замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш	B	Инновация
3	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	C	Новация
4	Таълим муассасасини бошқаришнинг янги методларини амалга ошириш, ташки алоқа ўрнатиш ва иш ўринларини ташкил этиш	D	Иқтисодий инновациялар
5	Фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса	E	Ташкилий инновация

Жавоб:	1-	2-	3-	4-	5-
Жавоб:	1-C	2-D	3-A	4-E	5-B

14. Таълим тизим модернизациясининг устувор вазифаларини белгиланг.

Ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг хукуклиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш	Узлуксиз таълим тизими (УТТ)да янги сифат кўрсат кичлари га эришиш	Электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш	Янги таълим ресурсларини жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш асосида УТТда самарали меъёрий-хукукий ва ташкилий-иктисодий механизmlарни шакллантириш	Давлат ва жамиятнинг қўллаб-куватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетент лигини ривожланишиш	Ўқитишиң мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш	Таълим тизимининг давлат ва жамоатчил ик бошқарувига асосланганл ик тамойилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчи лари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш
A	B	C	D	E	F	G

15. Таълим инновацияларини уларнинг турлари билан жуфтланг.

1	Фаолият йўналишига кўра	A	Жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар
2	Киритилган ўзгаришлар тавсифига кўра	B	Модул, тармоқ (локал) ва тизим инновациялари
3	Ўзгаришлар кўламига кўра	C	Педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда кўлланиладиган инновациялар
4	Келиб чиқиш манбаига кўра	D	Радикал, модификацияланган, комбинацияланган инновациялар

Жавоб:	1-	2 -	3 -	4 -
Жавоб:	1-C	2-D	3-B	4-A

16. “Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш босқичлари ва ҳар бир босқичга мос хусусиятларини ўзаро жуфтланг.

№	Босқич ва йиллар	№	Таълим технологияси сифатида талқин этилган ҳолатлар
1	I-bosqich: XX asrning 30-yillari	A	Таълим жараёнида техник воситаларни кўллаш, уларнинг имкониятларини такомилаштириш, ахборот сифимини кенгайтириш, уларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, талаба фаолиятини индивидуаллаштириш
2	II-bosqich: XX asrning 50-yillari	B	Дастурий таълим – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, талабалар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташҳислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
3	III-bosqich: XX asrning 60-yillari	C	Ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси

Жавоб:

1-	2-	3-
1-C	2-A	3-B

17. Берилган тушунчаларни мос ўринларга кўйиб, таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари моҳиятини ёритинг.

№	Таърифлар	№	Тушунчалар
1	... ўқитувчининг индивидуал услугига мувофиқ танланади	A	технологик воситалари
2	... тескари алоқа (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ	B	технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик мухит
3	Таълимнинг ... талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади	C	loyiҳalaш стратегиялари
4	Таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар ...нинг лойиҳада	D	loyiҳalaш сифати

	мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади		
--	---	--	--

Жавоб:

1-	2-	3-	4-
1-C	2-D	3-A	4-B

18. Берилган таърифлар асосида “новация” ва “инновация” тушунчаларининг моҳиятини ёритинг.

Новация	Инновация
Фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлади	
Фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилади	
Фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қиласди	
Унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қиласди	

Жавоб:

Новация	Инновация
Фаолиятнинг қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиши ва фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилиши	Фаолиятнинг маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиши ва натижасининг муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилиши

19. Куйида берилган ҳолатлар бўйича таълим жараёнида ўйин технологияларини қўллашнинг изчил тартибини белгиланг. 7. Машғулотларнинг бош мақсадини ифодалаш. 1. Муаммо ва вазиятни вужудга келтириш. 2. Материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш. 3. Маслаҳат бериш. 4. Гуруҳни шакллантириш. 5. Ўйин регламентини ўрнатиш. 6. Ролларни тақсимлаш.

Жавоб: 4, 7, 1, 6, 5, 2, 3.

20. Куйидаги жадвалда масофавий таълимни ташкил этишда иштирок этадиган мутахассислар ва уларнинг вазифаларини мос равища жуфтланг.

№	Мутахассислар	№	Уларнинг вазифалари
1	Модератор	A	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиши натижаларини назорат қилувчи педагог
2	Тьютор	B	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи
3	Инвигилатор	C	Гурухларнинг фаолиятини муаммонинг ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи педагог
4	Фасилитатор	D	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар,

			тренинг, давра сұхбати, форумларга бошчилик қилиб, талабаларнинг фаолиятларини фаоллаштирувчи (бошқарувчи) педагог
5	Эдвайзер	E	Үқув курслари учун интерфаол методларни танловчы, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи педагог

Жавоб:

1-	2-	3-	4-	5-
1-D	2-E	3-A	4-C	5-B

21. Қуйидаги ҳолатларнинг педагогик компетентликнинг қайси турига мос келишини белгиланг: 1) ижтимоий компетентлик; 2) махсус компетентлик; 3) шахсий компетентлик; 4) технологик компетентлик; 5) экстремал компетентлик.

Фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келгандა оқилона қарор қабул қилиш, түғри харакатланиш малакасига эгалик	Касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, унинг негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади	Изчил равишида касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятлар ини намоён қилиш	Ижтимоий муносабатла рда фаоллик кўрсатиш кўнишка, малакалари га эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш	Касбий-педагогик БКМни бойитадиг ан илфор технология-ларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технология-лардан фойдалан а олиш
---	---	--	--	---

Жавоб:

5	1	3	2	4
---	---	---	---	---

22. **Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида _____, _____, _____, _____, _____ ва _____ компетентлик кўзга ташланади:

- 1) психологик компетентлик;
- 2) ижтимоий компетентлик;
- 3) методик компетентлик;
- 4) шахсий компетентлик;

- 5) технологик компетентлик;
- 6) информацион компетентлик;
- 7) креатив компетентлик;
- 8) инновацион компетентлик;
- 9) экстремал компетентлик;
- 10) коммуникатив компетентлик.

23. Ушбу таъриф қайси тушунчанинг моҳиятини ёритади?

Педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига эгалиги _____ деб аталади.

Жавоб. Педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига эгалиги **педагогик маҳорат** деб аталади.

24. Таърифлар моҳиятини ифодаловчи тушунчаларни топинг.

А. Ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини қайси портфолио ўзида акс эттиради –

В. Талабалар ёки педагоглар томонидан жамланган энг яхши ишларни ўзида акс эттирадиган портфолио –

Жавоб:

А. Ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини қайси портфолио ўзида акс эттиради – **ишлар портфолиоси**.

В. Талабалар ёки педагоглар томонидан жамланган энг яхши ишларни ўзида акс эттирадиган портфолио – **натижалар портфолиоси**.

25. Педагогларда креатив фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган малакалар гурухларини белгиланг.

Билиш га оид (гностик) малакалар	Лойиҳа лаш малакалари	Ижодий -амалий (конст руктив) малакалар	Сухбат ни ташкил этиш малакаси	Техник-технологик малакалар	Тадқиқотчилик малакалари	Мулоқотга киришув чанлик (коммуникатив) малакалари	Ташкилотчилик малакалари	Дарсни олиб бориш малакаси	Изчилликни таъминловчи (процес суал) малакалар	Талабалар билими ни баҳолаш малақаси
A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K
A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K

IV. Таълим жараёнида амалий (дидактиқ) ўйинлардан фойдаланиш борасида ўзаро тажриба алмашиш.

Тингловчилар қуйидаги саволлар асосида таълим жараёнида ўзлари томонидан қўлланилаётган амалий (дидактиқ) ўйинлар ва улардан самарали фойдаланишга оид тажрибаларини ўзаро ўртоқлашади:

1. Сизнингча, машғулотларда фойдаланилаётган дидактиқ ўйинлар талабаларни қанчалик даражада фаоллаштиради?
2. Шахсан Сиз таълим жараёнида қандай дидактиқ ўйинлардан

фойдаланасиз?

3. Талабаларнинг фаолликларини ошириш учун машғулотлар жараёнида амалий (дидактик) ўйинлардан самарали фойдаланиш учун айнан нималарга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблайсиз?

V. Ўқитиши тизимида интерфаол методларни қўллаш юзасидан маҳорат дарсларини ташкил этиши.

Тингловчилар кичик гурухларга бирлашган ҳолда ўзлари томонидан таълим жараёнида интерфаол методларни қўллашга доир маҳорат дарсларини ташкил этади.

Маҳорат дарсларини ташкил этиши қўйидаги технологияга асосланади:

1. Маҳорат дарсини ташкил этиши мавзуси, мақсади ва вазифаларини белгилаш.
2. Маҳорат дарсининг технологик лойиҳасини ишлаб чиқиш.
3. Маҳорат дарсларини ташкил этиши.
4. Маҳорат дарсини ташкил этган педагог билан интерфаол мулоқотни ташкил этиши.
5. Маҳорат дарсини якунлаш.

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

3-амалий машғулот: ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Режа:

1. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.
2. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзиш.
3. “Индивидуал ривожлантириш дастури” бўйича ишлаш.
4. “Касбий ривожланиш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш.
5. “Ўз-ўзини ривожлантиришнинг 36 қоидаси” асосида педагоглар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Машғулотнинг бориши

1. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.

Блиц-сўров:

1. Луғавий маъносига кўра “компетентлик” –
2. Мазмунига кўра “компетентлик” –
3. Махсус (касбий) компетентлик –
4. Ижтимоий компетентлик –
5. Шахсий компетентлик –
6. Индивидуал компетентлик –
7. Экстремал касбий компетентлик –
8. Технологик компетентлик –
9. Индивидуал ривожланиш дастури –

2. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзиш.

“Кичик эссе” учун таклиф этиладиган мавзулар:

1. Педагогнинг ўз-ўзини баҳолаши.
2. Педагогнинг ўзини ўзи таҳдил қилиши.
3. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши

3. “Индивидуал ривожлантириш дастури” бўйича ишлаш.

Индивидуал ривожлантириш дастури

Билим, малака ва шахсий сифатлар	Мавжуд даража	Истиқбол вазифалар
Педагогик билимлар		
Психологик билимлар		
Мутахассислик билимлари		
Дидактик малакалар: билишга оид (гностик) лойиҳалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар		
Тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари: билишга оид (гностик) loyiҳalash малакалари ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар		
Руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар: педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик		

хозиржавоблик хиссий ривожланганлик педагогик рефлексия		
Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари		
Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар		

4. “Касбий ривожланиш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш.

Касбий ривожланиш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1. Ижтимоий компетентлик											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгалик										
2)	касбий муроҷот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик										
2. Шахсий компетентлик											
1)	доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										
2)	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рӯёбга чиқара олиш										
3. Махсус компетентлик											
1)	мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш										
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик										
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик										
4. Технологик компетентлик											
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илгор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик										
2)	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув куроллари)дан										

	фойдаланиш малакасига эгалик								
5. Экстремал компетентлик									
1)	фавқулотда ҳолатларда (табиий оғатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиқсанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик								
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик								

5. “Ўз-ўзини ривожлантиришнинг 36 қоидаси” асосида педагоглар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Ўз-ўзини ривожлантиришнинг 36 қоидаси:

1. Камолот, такрорланмас (ягона) бўлишга интилинг!
2. Ўзингизни ўзингиз таҳлил қилишга эътибор қаратинг!
3. Ўзингизга нисбатан талабчан бўлинг!
4. Ўзингиз учун гоҳо дам олишни уюштиринг, “мехнатнинг қули” бўлманг!
5. Бошқаларга ачининг, аммо, асло ўзингизга ачинманг!
6. Орзу-истакларингизнинг қулига айланманг!
7. Ўзингиз учун ўзгача хос ҳаёт тарзини яратинг!
8. Мулоқот маданиятини ўзлаштиринг!
9. Босиқлик талаб этилганда жиддий, босиқ бўлинг!
10. Ўз кучингиз ва қобилиятингизга ишонинг!
11. Вақт тутқич бермайди, шу боис уни қўлдан бой берманг!
12. Хатолардан сабоқ чиқаринг. Унутманг, ҳатто қироллар ҳам хатога йўл қўяди.
13. Илм ўрганинг!
14. Ўтмишга боқманг, бугун билан яшанг ва эртани ўйланг!
15. Мехнат инсонни такомиллаштиришини унутманг!
16. Ҳаракатларингизнинг изчил бўлишига эришинг!
17. Бугун бажариш мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг!
18. Бошқаларни нима учун кечирмасангиз, ўзингизни ҳам шулар учун кечирманг!
19. Кишининг ўз устидан хукмонлик қилиши, бошқаларнинг устидан хукмонлик қилиши учун гаровидир!
20. Мукаммал бўлмаганликлари учун ўзгалардан хафа бўлманг!
21. Ҳиссиётингизни бошқаринг, шундагина енгилмас бўласиз!
22. Рухий зўриқиши (стресс)ларни бартараф этишни ўрганинг!
23. Иродангизни чиниқтириб боринг!
24. Танангизни назорат қила олсангизгина ҳукмдорга айланасиз!
25. Камчиликларингизга қарши курашда моҳир жангчи бўлинг!

26. “Оқ қарға” бўлишдан қўрқманг!
27. Ўз олдингизга аниқ мақсад қўйишни ўрганинг!
28. Олий мақсадларга интилишни ўрганинг!
29. Кўпчилик ўрнига ишлаш – қорга ёзиш каби бефойда эканлигини унутманг!
30. Тартиб тартибли бўлишнинг муҳим омили!
31. Ўзингизни ҳимоя қилишни, ғуурли бўлишни ўрганинг!
32. Иззатталаблигингиздан фойдаланиб, қирол бўлинг!
33. Ҳйила-найранглар қурбони бўлманг!
34. Хатти-ҳаракатларингиз устидан ички сезги (интуиция)нинг устун келишига йўл қўйиб беринг!
35. Ўзингизга тез-тез “Нима учун?” деган саволни бериб туринг!
36. Муваффақиятсизликлардан чўчиманг – улар Сизни олға интилишга рағбатлантиради!

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

4-амалий машғулот: ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Режа:

1. Мавзуга оид тушунчалар моҳиятини ўрганиш.
2. Шахснинг пантомимик ҳаракатлари ва жестлари моҳияти билан танишиш
3. М.Снайдернинг “Мулоқот жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш” номли тести асосида тингловчиларнинг коммуникатив компетентликка эгаликларини аниқлаш.
4. Педагогларда коммуникатив компетентликни ривожлантирувчи амалий машқларни бажариш.

Машғулотнинг бориши:

I. Мавзуга оид тушунчалар моҳиятини ўрганиш.

Блиц-сўров:

1. Мулоқот (коммуникативлик) –
2. Мулоқот маданияти –
4. Педагогик мулоқот –
5. Мулоқот орқали педагогик таъсир кўрсатиш –
6. Мулоқот жараёнини бошқариш –
7. Педагогик жараёнда юзага келадиган низолар –
8. Педагогик жараёнда юзага келадиган ижобий низолар –
9. Педагогик мулоқот жараёнида юзага келадиган салбий низолар –
10. Коммуникатив қобилият –
11. Коммуникатив кўникмалар –
12. Ўқитувчига хос коммуникатив кўникмалар –

II. Шахснинг пантомимик ҳаракатлари ва жестлари моҳияти билан танишиш.

Талабалар шахсга хос хатти-ҳаракатлар моҳиятини ифодаловчи қўйидаги маълумотлар билан танишадилар:

Шахснинг пантомимик ҳаракатлари ва жестлари моҳияти

1. Агрессия ёки ўзига бўлган қатъий ишонч – иккала қўлни орқа томонда, оёқларни елка кенглигидан бир оз кенгроқ тутиш.

2. Менсимаслик, бошқаларга нисбатан ўзини катта тутиш – оёқларни елка кенглигидан бироз кенгроқ тутиб, қўл панжаларини бир-бирига бошнинг орқа томонида туташтириш.

3. Айборлик, қўрқув – оёқлар бир-бирига яқин қўйиб, бир оёқнинг тиззасини ва бошни бироз эгиш, пастга қарашиб.

4. Ишонмаслик, менсимаслик, ўзини юқори тутиш – бош бироз орқага ташлаб, нигоҳни сухбатдошга тепадан йўналтириш.

5. Қизиқувчанлик – бошни бироз чап ёки ўнг томонга эгиш.

6. Қўзғолишга тайёр туриш, олинган буйруқни дархол бажариш – стул четига ўтирган ҳолда, товонни бироз кўтариб туриш.

7. Оёқни кериб ўтириш – ўзига ишониш, мустақил фикрга эга бўлиш.

8. Ўтирган ҳолда бир оёқ учини эшикка қаратиш – сухбатдан қониқмаслик, чиқиб кетиш фикрида эканликни намоён этиш.

9. Ўтирган ҳолда оёқлар пастки қисмининг бир-бирига тегиб туриши – ҳаяжонланиш, шошилиш.

10. Бирдан туриб кетиш – сухбатдан совиш, бир қарорга келиш, зерикиш.

11. Тирсакларни столга тираган ҳолда қўлнинг бош бармоғи билан жағни тутиб туриш – менсимаслик, бирор нарсага танқидий ёндашиш.

12. Жағни қўл кафтлари билан ушлаб туриш – зерикиш.

13. Оёқларни чалиштириб, қўл панжаларини бир-бирига боғлаган ҳолда оёқ тиззасини ушлаб туриш – ўйланиш.

14. Қўлларни мушт қилган ҳолда силкитиш – масалага салбий муносабатда бўлиш.

15. Қўлни мушт қилган ҳолда кўрсаткич бармоқни тик (“бегиз”) қилган ҳолда гапириш – асл ниятнинг айтилаётган фикрларга мутлақо тескари эканлиги.

16. Кафтни ёзиб, тик ҳолда қўлинни олдинга узатиш – сабр қилишни, жим туришни талаб этиш.

17. Устки кийимнинг бирор жойини ушлаш ёки тугмаларни ечиш – сухбатдошларга нисбатан очиқ, самимий муносабатда бўлиш.

18. Сухбатдошнинг саволларига жавоб берга туриб, бурнини қашлаш – алдаш ёки ишонмаслик.

- 19.** Гапираётганды бошни дам-бадам қашлаш – ташвишланиш, уялиш.
- 20.** Жағни қашлаш – жавоб бериш ёки бермаслик ҳақида ўйланиш.
- 21.** Тирноқларни тишлиш – хижолатпазлик.
- 22.** Ручка ёки күзойнакни артиш – жавоб бериш олдидан ўйланиш.
- 23.** Бирон нарса (стол, парта, кафедра)га сұяниш – оғир вазиятга тушиб қолғанлик ва ундан чиқыш йўлларини излаш.
- 24.** Устки кийимдан ниманидир қоқиши – мавжуд вазиятни ёқтираслиш.
- 25.** Ўнг ва чап қўл бармоқлари учларини мос ҳолда бирлаштириш – диққатни жамлаш, масалага жиддий ёндашиш.
- 26.** Оёқларни, шунингдек, қўлларни кўкрак олдида чалтиштириш ёки ўнг ва чап қўл бармоқларини бир-бирига боғлаш – сухбатдошга нисбатан ёпиқлик, эҳтиёткорлик.
- 27.** Қўл кафтларини бир-бирига ишқаш, оёқ товонларини кўтарган ҳолда қимирлатиб туриш – асабийлик, безовталиқ, норозилик.
- 28.** Елкага қоқиб қўйиши – руҳий яқинлик, далда бериш.
- 29.** Қўлни маҳкам сиқиши – дўстлик, ҳамкорликни ифодалаш.
- 30.** Қўл учida саломлашиш – ёқтираслиш, ёмон кўриш, жирканиш.
- 31.** Бошни силаб қўйиши – эркалатиш, ёқтириш.
- 32.** Лабни ялаш – ёлғон гапириш, қўрқув.
- 33.** Лабни тишлиш – хижолат бўлиш, уялиш.

М.Снайдернинг “Мулоқот жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш” номли тести асосида тингловчиларнинг коммуникативлик компетентлигига эгаликларини аниқлаш.

“Мулоқот жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш” (М. Снайдер тести)

Кўрсатма: қўйида берилган ҳолатларни диққат билан қайта ўрганиб чиқинг. Уларнинг ҳар бирига бўлган мулоҳазаларингизни “тўғри” (Т) ёки “нотўғри” (НТ) мазмундаги жавоблар билан белгиланг ва мақбул вариантларни доира ичига олинг.

Ҳолатлар	1	0
Менимча, бошқаларнинг хатти-харакатларига тақлид қилиш жуда қийин	НТ	Т
Бошқалар эътиборини тортиш ёки уларни кулдириш учун жиннилик қилишим мумкин	Т	НТ
Мендан ёмон актёр чиқмаган бўларди	Т	НТ
Менинг ҳолатим бошқаларга, гарчи ундей бўлмаса-да, нима ҳақидадир чуқур қайғураётгандек таассурот қолдиради	Т	НТ
Мен дўстлар даврасида камдан кам эътибор марказида бўламан	НТ	Т
Турли хил инсонлар билан мулоқотда мен ўзимни турлича тутаман	Т	НТ
Мен фақат ўзим қаттиқ ишонган ёки яхши билган нарсалар тўғрисида	НТ	Т

бахслашибим мүмкін		
Ишда ва атрофигилар билан мұлоқотда мен ўзимни улар хохлагандай тутаман ёки шундай бўлишга ҳаракат қиласаң	T	НТ
Мен ўзим ёқтирилдиган кишилар билан ҳам дўстона муносабатда бўла оламан	T	НТ
Мен қандай бўлсан шундайман	T	НТ

Натижаларни хисоблаш: 1) биринчи устунда доирага олинган ҳарфларни хисоблаб чиқинг (уларнинг ҳар бири 1 баллга teng), натижа Сизнинг якуний баллингиздир;

2) тўпланган баллар таҳлилига киришинг.

Баллар микдори қўйидагиларни англатади:

0-3 балл – Сиз киришимли эмассиз, аксинча, чўрсткесарсиз ва бундан фахрланасиз. Сиз бирор кимса ёки бирор нарсага мослаша олмайсиз. Бироқ, мұлоқот жараёнида мулойим ва очиқкўнгилсиз. Кўпчилик Сизни шунинг учун яхши кўради. Айримлар сизни “кўрс” инсон деб биладилар. Бу ўқувчилар билан ишлашда ноқулайликлар туғдириши мүмкін,

4-6 балл – Сиз ўртача даражада мұлоқот қилиш лаёкатига эгасиз. Мұлоқот чоғида етарлича самимий бўла оласиз ва айтадиган сўзларингизни обдон ўйлайсиз. Одатда мұлоқот жараёнида Сиз учун муаммолар туғилмайди.

7-10 балл – Сизда мұлоқотни юқори даражада назорат қила оласиз ва “Бутун дунё – театр, инсонлар эса – актёрлар” деган фикрга тўла кўшиласиз. Вазият ўзгаришини хотиржамлик қабул қиласиз ва атрофдагиларга кўрсатадиган таъсирингизни яхши ҳис қиласиз. Баъзан жўрттага шундай қиласиз. Сиз ўзингизни қачон ва қаерда қандай тутишни жуда яхши биласиз. Касбий мұлоқот сиз учун муаммо эмас, аммо гап чукур муносабатлар хақида кетганда, Сиз ўзингизни одатий ниқобларингизсиз ноқулай сезасиз.

III. Коммуникатив қобилиятни ривожлантириш учун қўйидаги машқлар²¹ни бажариш.

1. “Яқиндан таниш бўлмаган ота-оналар билан суҳбат” машқи.

Гурӯҳ аъзолари билан аввал яқиндан таниш бўлмаган ота-оналар билан мұлоқот қилиш жараёнини тасвирлашга уриниб кўринг. Суҳбат мавзусини ўйлаб олинг. Бунинг учун икки варинтда иш кўринг: 1) ота-оналар билан шахсан ўзингиз учрашиб, суҳбатлашинг; 2) ота-оналар билан ўқувчингиз иштироқида учрашиб, суҳбатлашинг (топшириқни бажаришда қарама-қарши томонлар, шу жумладан, ўқувчи билан ҳам фаол мұлоқотда

²¹ <http://vashpsixolog.ru/lectures-on-the-psychology/103-educational-psychology/538-workshop-on-educational-psychology-teaching-abilities-their-content-and-structure>.

бўлишга алоҳида эътибор қаратинг; яқинда ишга келган ҳамкасбингиз билан танишиш жараёнининг ҳам моҳиятини ёритинг).

2. “Тортинчоқ талабалар билан мулоқот” машқи.

Тортинчоқ ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этинг. Машқ жараёнида ўқувчилардаги ўзига нисбатан ишончсизлик, ҳадик ва қўрқувни енгишлари учун имконият яратинг. Бунинг учун мимика, пантомимика ва жестлардан, рағбатлантирувчи сўзлардан фойдаланинг. Бу каби ўқувчилар билан мулоқотга киришишнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилинг.

3. “Киришимли ўқитувчи” машқи.

Агарда киришимли шахс бўлмасангиз, у ҳолда киришимли, сўзамол ўқитувчи ролини бажаришга уриниб кўринг. Сиз раҳбар этиб тайинланган синф ўқувчилари билан илк марта танишиш жараёнини ташкил этинг. Ўқувчилар билан яқиндан танишишнинг ўзига хос шаклларини таклиф қилинг.

4. “Мавжуд қайфиятни сақлаб қолиш” машқи.

Кайфиятингиз аъло даражада. Дарс ёки тарбиявий ишлар жараёнида бундай қайфиятингизнинг ўқувчилар, ҳамкасларингиз ёки раҳбарлар томонидан бузилишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўринг (бундай вазиятда йўл тутиш шаклларининг рўйхатини тузинг).

5. “Ҳаётый вазиятлар” машқи.

Мақсад: талабаларда турли ҳаётый вазиятларни борлигича, аслидек, табиий қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Кўрсатма: Сизнинг ҳаётингизда турли-туман ҳаётый вазиятлар содир бўлган. Уларнинг айримлари ижобий, айримлари эса салбий мазмунга эга. Айни вақтда Сизга ҳаётингизда содир этилган ҳаётый вазиятларнинг жадвалини яратиш топшириғи берилади. Жадвалда тўртта устун ҳосил қилиб, уларнинг биринчисини “Ижобий аҳамиятга эга ҳаётый вазиятлар”, учинчисини “Салбий ҳарактерга эга ҳаётый вазиятлар” деб номланг. Иккинчи ва тўртинчи устунларни эса “Уларнинг оқибатлари” деб номлаб, ҳаётый вазиятлар Сизга нималарни тақдим этганлигини, бунинг натижасида ўзингизда қандай фазилат (сифат ёки иллат) шаклланганлигини таҳлил қилинг. Жадвални тўлдиришни туғилганингиздан бошлаб, то 7 ёшгача бўлган даврда ҳаётингизда содир бўлган воқеа-ходисалардан бошланг. Эслашга ҳаракат қилинг: қандай ҳаётый вазиятларга дуч келган ва уларни қандай баҳолагансиз.

6. Диққат ва кузатувчанликни ривожлантириш учун қўйидаги машқлар²²ни бажаринг.

Ўқитувчиларда педагогик кузатувчанликни ривожлантириш учун энг аввало уларда диққат яхши ривожланиши лозим. Бунда диққатни йўналтириш, йиғиши ва тақсимлашни, сухбатдошлар шахси (жестлари, мимикаси, ҳаракат суръати, овоз оҳангни ва бошқалар)нинг намоён

²² <http://vashpsixolog.ru/lectures-on-the-psychology/103-educational-psychology/538-workshop-on-educational-psychology-teaching-abilities-their-content-and-structure>.

бўлишини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунга эришишнинг энг асосий йўли – доимий равища машқ қилиш ва тажриба тўплаб бориш саналади.

6.1. “Тавсифлар эгасини топинг” номли машқ.

Гуруҳдаги 1-2 нафар тенгдошингизни бир неча вақт давомида кузатинг. Кузатиш натижаларини ёзиб боринг. Кузатиш натижалари асосида тенгдошларингизнинг асосий сифатлари, тарбияланганлик даражаси (м: тартиблилиги, масъулияти, жамоа билан бирлиги ва бошқалар) тўғрисида хулосалар чиқаринг. Ўз фикрларингизни бошқаларнинг мулоҳазалари билан солиштиринг.

6.2. “Барқарор диққат” номли машқ.

Гуруҳдаги тенгдошларингиз ёки ўқувчиларингиз (педагогик амалиёт жараёнида) мисолида диққатингиз барқарорлигини текшириб кўринг. Тасаввур қилинг, ўзингиз учун мутлақо нотаниш ўқувчилар (талабалар) жамоасига кириб қолдингиз. Жамоада ким билимдон, ким манман, худбин ёки тортинчоқ эканлигини, кимнинг ўзига хос “хоббиси” борлиги, кимнинг ҳеч нарсага қизиқмаслигини, кимнинг жамоада қандай “ролни ўйнаши”ни топишга уриниб кўринг.

6.3. “Тавсифлар эгасини топинг” номли топшириқ.


Гуруҳнинг бирор бир аъзоси кайфиятини ёзма равища баён этинг. Топшириқ бажарилгач, талабалар ўзларининг баёнларини ўқийдилар. Баён этилган ҳолатлар асосида кайфият эгаси топилади.

6.4. “Ўзингизни синааб қўринг” номли топшириқ.

Талабаларга хисоб-китобга доир математик топшириқ (кўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлишдан иборат мисол) берилади. Улар топшириқни бажаришаётган бир вақтда ўқитувчи монолог ёки шеърлар ўқиди. Топшириқни бажариб бўлганларидан кейин талабалар мисолнинг ечимини ва ўқитувчи томонидан ўқилган монолог ёки шеърларнинг мазмунини, ғоясини айтишлари керак.

6.5. “Қандай хотирага эгасиз” номли машқ.

Қуйидаги геометрик фигура ва улардаги рақамлар²³ни бир секундда ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг ва мавжуд ҳолатни қоғозда айнан тақрорланг:







Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) қандай фигуralарни эслаб қолдингиз?
- 2) қайси рақамларни эслаб қолдингиз?
- 3) қандай фигура ичидаги қайси рақамни эслаб қолдингиз?

9. “Наполеонча хотира” номли машқ.

²³ Прошицкая Е.Н. Выбирайте профессию / Учеб. пособие для ст. кл. сред. шк. – Москва: Просвещение, 1991. – С. 51.

- Берилган фигуralарга қўйидаги рақамларни қўйиб чиқинг:
-



Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

5-амалий машғулот: ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Режа:

- Махсус тестлар ёрдамида педагогнинг креативлик сифатлариiga эгалигини ўрганиш.
- Педагогик креативликни ривожлантиришга доир топшириқни бажариш.
- Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести билан ишлаш.
Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари билан танишиш ва у юзасидан муҳокама ташкил этиш.

Машғулотнинг бориши:

- “Тўлдирилган хикоя” тести ёрдамида педагогнинг креативлик сифатлариiga эгалигини ўрганиш.

“Тўлдирилган хикоя” тести

Тест ҳар бири 8 та расмдан иборат иккита тўплам асосида ташкил этилади. Хикоянинг қаҳрамони – Фердинад номли шахс. Тестнинг мақсади

таълим олувчиларнинг Фердинанднинг одатий кундалик ҳаётида рўй берган икки ҳодисаларнинг моҳиятини қанчалик тўғри англай олишларини аниқлашдан иборат.

Фердинанд оилали, унинг рафиқаси ва ўғли бор. У корхоналардан бирида раҳбар бўлиб ишлайди. Шу сабабли иккинчи ҳикояда унинг қўл остида ишлайдиган ходимлари ҳам иштирок этади.

Ҳар икки тўплам тестларида биринчи қаторда жойлашган тўртта расм орқали Фердинанднинг ҳаётида рўй берган воқеаларнинг изчиллиги акс эттирилган. Бироқ, бу қаторда битта расм тушириб қолдирилган. Сизлар иккинчи қаторда берилган яна тўртта расм орасидан биринчи қатордан тушириб қолдирилган расмни жойига қўйиш талаб этилади. Тегишли расм ўз жойига қўйилгач, Фердинанд билан боғлиқ воқеанинг мазмуни тўла англаради.

Тингловчиларнинг хатти-ҳаракатлари икки ҳолатни юзага келтиради:


1) борди-ю, тегишли расм тўғри топилса, персонажларнинг ҳистийғуларини тўғри англаради ва Фердинанднинг ҳаётида рўй берган воқеанинг мазмуни ҳам тўғри тушунилади;

2) агарда тегишли бўлмаган расм бўш катакка қўйилса, у ҳолда воқеанинг изчиллиги таъминланмайди.

Демак, эътиборингизга ҳавола этилаётган расмларни дикқат билан кўздан кечиринг ва бўш катакни тегишли расм билан тўлдиринг!

Ҳар бир тест билан ишлашингиз учун Сизларга 10 дақика вакт берилади. Регламент тугашига бир дақиқа қолганда Сизларни огоҳлантирамиз. Топшириқни имкон қадар тез бажаришга ҳаракат қилинг. Бир топшириқ учун кўп вакт ажратманг. Гарчи жавобни нотўғри деб ҳисобласангиз-да, уни баён этинг!

1-вариант




2-вариант



2. “Қишлоқда бир кун” тести бўйича тингловчиларнинг тасаввур даражасини ўрганиш.

Сурат билан танишиб чиқинг ва бериладиган саволларга жавоб қайтаринг.



1. Пароход дараёда оқимга қараб ҳаракатланяптими ёки оқимга тескари томонгами?

2. Суратда йилнинг қайси фасли тасвирланган?

3. Бу ерда дарёнинг ўзани чуқурми ёки саёз?

4. Параходлар тўхташ жойи бу ердан узоқми, яқинми?

5. Параходлар тўхташ жойи соҳилнинг қайси томонида жойлашган?

6. Рассом суратда куннинг қайси вақтини тасвирлаган?

Суратни диккат билан кўздан кечириб берилган саволларга тўғри жавоб қайтариш мумкин бўлган белгиларни топинг. Барча обьектлар ўртасида ўзаро боғлик бўлган 9 та белги (алоқа)ни топинг. Ўз мулоҳазаларингизни дафтарга ёзинг.

Тингловчилар ҳар бир тўғри жавоб учун 2 баллни қўлга киритади. Суҳбат якунида барча баллар жамланади.

Агар Сиз 6 та саволнинг барчасига тўғри жавоб қайтариб, обьектлар ўртасидаги ўзаро алоқадор 9 та белги (алоқа)ни топган бўлгангиз, у ҳолда Сизнинг тасаввур даражангиз юқори, агарда 3-4 белги (алоқа)ни топган бўлсангиз, тасаввур даражангиз ўртача, борди-ю, 1-2 та белги (алоқа)ни топган бўлсангиз, демак, Сизнинг тасаввур даражангиз паст.

3. Педагогик креативликни ривожлантиришга доир топшириқларни бажариш.

1. Объектни шакллантиришга оид топшириқ

Касбий фаолиятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо боғлик бўлмаган ихтиёрий 3-4 та предметни олинг. Улар асосида имкон қадар кўпроқ “ҳодиса”лар ҳақида ҳикоя (хабар) қилинг. Ҳикоя (хабар)ингиз имкон қадар бадиийлик касб этсин!

Мисол учун: девор, велосипед, осмон.

Ходиса: “Бола уй йўлгининг деворига суяб қўйилган велосипедни етаклаб, дераза олдига келди ва осмонга қаради” (жумлада ифоа этилган ҳодиса шунчаки хабар. Ҳодисанинг моҳияти ижодий характер касб этиши учун бадиий ибора ва ўхшатишлардан фойдаланиш зарур.

2. Объектларнинг умумий белгиларини топишга оид топшириқ

Касбий фаолиятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган 2 та обьектни олинг. Қуйидаги жадвал асосида уларга тааллуқли ўзаро ўхашаш жиҳат (белги)ларни топишга ҳаракат қилинг. Ўхашаш жиҳат (белги)ларни от ёрдамида ифодаланг. Ўзаро ўхашаш ўхашаш жиҳат (белги)ларнинг имкон қадар кўпроқ бўлишига ҳаракат қилинг.

Намуна

Бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган обьектлар	
Тарбиявий тадбир	Саёҳат

4. Объектнинг муқобиллари ёки унга зид бўлган объектларни топишга оид топширик

Касбий фаолиятингизга тааллукли бир объектни олинг. Икки устунли жадвални шакллантиринг. Биринчи устунга муқобили, иккинчи устунга эса доир зиди бўлган объектни қайд этинг. Уларнинг хусусиятларини тизимлаштиринг.

Намуна


Вертолёт	
Самолёт	Олов

5. Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести бўйича ишлаш

Америкалик психолог Э.П.Торренс томонидан асосланган “Тугалланмаган расмлар” тести юзасидан ишлашга оид топширик.

Тингловчиларнинг эътиборларига Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола этилади ва берилган штрихларга таянган ҳолда тўлақонли расм (сурат)ни ишлаш топшириғи берилади.

Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести



6. Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари билан танишиш ва у юзасидан муҳокама ташкил этиш.

Тингловчиларнинг эътиборларига Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари ҳавола этилади ва у билан батафсил танишиб чиқиш тавсия этилади. Кўрсатмалар билан танишибгач, жамоада муҳокама ташкил этилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Девид Льюис кўрсатмаларининг аҳамиятини Сиз қандай баҳолайсиз?

2. Шахсий ҳаётингизда кўрсатмалардан қайсиларига риоя этасиз?

3. Шахсий ҳаётингизда кўрсатмалардан қайсиларига эътибор қаратмагансиз?

4. Кўрсатмалар билан танишиш асосида шахсан Сиз қандай хулосаларга келдингиз.

5. Сизнингча, кўрсатмалардан энг аҳамиятлиси қайси?

Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари

1. Болаларнинг саволлариға чидам билан тўғри жавоб беринг.

2. Уларнинг саволлари ва фикрларини жиддий қабул қилинг.

3. Болаларга ўз ишлари билан шуғулланишлари учун алоҳида хона ёки бурчак ажратинг.

4. Агарда ижодий жараён билан боғлиқ бўлса, у ҳолда болани хонадаги тартибсизлик учун койиманг.

5. Вақти-вақти билан болаларга уларни яхши қўришингизни ва уларни қандай бўлсалар, шундай қабул қилишларини намоён этинг.

6. Болаларга имкониятлариға мос юмушларни буюринг.

7. Уларга шахсий режаларини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишга кўмаклашинг.

8. Болаларга фаолиятларда юқори натижаларга эришишлариға ёрдам беринг.

9. Камчиликларини кўрсатган ҳолда болани бошқалар билан солишишиманг.

10. Болани камситманг ва ўзини ёмон, ожиз деб ҳисоблашишига йўл қўйманг.

11. Уни мустақил фикрлашга ўргатинг.

12. Болани севимли машғулотини ташкил этиши учун зарур буюмлар билан қуроллантиринг.

13. Уни турли воқеаларни ўйлаб топишга, фантазия қилишга мажбурланг, бу жараёнда унга ёрдамлашинг.

14. Болани ёшлиқдан ўқиб-ўрганишга одатлантиринг.

15. Доимо боланинг эҳтиёжларига эътибор қаратинг.

16. Ҳар куни бола билан юзма-юз сухбатлашиш учун вақт топинг.

17. Оиласа оид масалаларнинг муҳокамасига болаларни ҳам жалб қилинг.
18. Хатолари учун болани масхара қилманг.
19. Болани ҳар бир ютуғи учун мақтандынг.
20. Унинг ютуқларини мақташда самимий бўлинг.
21. Болани турли ёшдаги кишилар билан мулоқот қилишга ўргатиб боринг.
22. Унинг борлиқни англашига ёрдам берадиган амалий тажрибаларни ўйлаб топинг.
23. Болага турли латта-путталар билан ўйнашни тақиқламанг – бу унинг тасаввурини бойитади.
24. Уни муаммони топиш ва уни ҳал қилишга рафбатлантиринг.
25. Болага нисбатан ўз муносабатингизни баҳолашда одил бўлинг.
26. У билан муҳокама қилинадиган мавзуларни чекламанг.
27. Болага қарорларни мустақил қабул қилиш ва унинг учун жавобгар бўлиш имконини беринг.
28. Болага унинг шахс бўлиб шакланиши учун ёрдам беринг.
29. Болага унинг учун фойдали бўлган телекўрсатувларни томоша қилиши ва радио эшиттиришларни тинглаши учун кўмаклашинг.
30. Уни ўз қобилияtlарини ижобий қабул қилишга одатлантириб боринг.
31. Болани катталардан мустақил бўлишга ўргатиб боринг.
32. Боланинг ўзига ва унинг соғлом фикрга эгалигига ишонинг.
33. Болага “Мен ҳам буни билмайман” деб, уни муваффақиятсизликларга беэътибор бўлишга ўргатманг.
34. Болага, гарчи у ишнинг ижобий натижага эга бўлишига ишонмаса-да, бошланган ишни охирига етказиши учун имконият яратинг.
35. Кундалик дафттар юритинг ва унга болада креатив қобилият шаклланишини қайд этиб боринг.

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Кейс баёни. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.


Кейс топшириғи: таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

Босқичлар	Вазифалар
1-босқич	- талабалар фаолиятини назорат қилиш;
2-босқич	- талабалар фаолиятини ташхислаш;
3-босқич	- лойиҳани яратиш;
4-босқич	- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-босқич	- педагогик жараённи ташкил этиш

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:




Ўқитувчининг ечими:



2. Кейс баёни. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга ои таълим инновациялари ҳам бир неча гурухларга бўлинади.


Кейс топшириғи: берилган таълим инновацияларини тегишли турлар бўйича белгиланг.



Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

Ўқитувчининг жавоби:



3. Кейс баёни. Таълим тизимида “новация” ва “инновация” тушунчалари қўлланилади. Ҳар икки тушунча турли ҳолатларни ифодалайди. Бунинг натижасида улар ўртасидаги фарқларни аниқ кўриш мумкин бўлади.

Кейс топшириғи: Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни топинг.

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вакт бўйича чегараланади; методлар янгиланади; 3)натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

4. Кейс баёни. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишининг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

Кейс саволи: кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни 1-, 2- ёки 3-уринишида топширишними ёки маълум ўқув фанини талабага юклатиладиган юкланма ҳажми (мехнат сарфи)дан келиб чиқсан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда

ўзлаштириш ва ҳар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтишими?

Ўқитувчининг жавоби. Кредит маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишида топширишни англатмайди. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниш эмас. Балки бир ўқув фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

5. Кейс баёни. Ўйинлар педагогик мақсадда ҳам қўлланилади ва улар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётӣ воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласди. Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади. Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни муайян тартибда гуруҳлаштирган.

Кейс топшириғи: қуйидаги келтирилган педагогик ўйинларни машҳур педагог Г.К.Селевко томонидан тавсия этилган схемада қайта ифодаланг.

1. Продуктив, репродуктив ва ижодий ўйинлар.
2. Жисмоний ўйинлар.
3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи ўйинлар.
5. Ишбилармонлик ўйинлари.
6. Мулоқотга асосланувчи, ташхисловчи, касбга йўналтирувчи, психологик-техник ўйинлар.
7. Меҳнат, техник, ишлаб чиқаришга доир ўйинлар.
8. Компьютер, телевизон ва техник воситаларга асосланувчи ўйинлар.
9. Стол ўйинлари, хона ўйинлари, кўча ўйинлари, жой билан боғлик ўйинлар.
10. Меҳнат ўйинлари.
11. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ўйинлар.
12. Дидактик ўйинлар.
13. Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайёхлик, халқона ўйинлар.
14. Имитацион ўйинлар.
15. Ролли ўйинлар.
16. Сюжетли ўйинлар.
17. Техник ва ҳаракатни таъминловчи ўйинлар.

18. Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тијкорат характеридаги ўйинлар.

Педагогик ўйинлар

Фаолият мөхиятига кўра				
Педагогик жараённинг характеристига кўра				
Ўйин методикасига кўра				
Фан соҳаларига кўра				
Ўйин мухитига кўра				

Ўқитувчининг жавоби:

Педагогик ўйинлар

Фаолият мөхиятига кўра				
Жисмоний	Интеллектуал	Мехнат	Ижтимоий	Психологик
Педагогик жараённинг характеристига кўра				
Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи	Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи	Продуктив; репродуктив; ижодий	Мулокотга асосланувчи; ташхисловчи; қасбга йўналтирувчи; психологик-техник	
Дидактик	Сюжетли	Ролли	Ишбилармонлик	Имитацион
Ўйин методикасига кўра				
Математик, биологик, кимёвий, физик, экологик	Мусиқий, театр томошаси; бадиий	Мехнат, техник, ишлаб чиқаришга доир	Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайдёлик, халқона	Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тијкорат
Предметли, предметсиз	Стол ўйинлари; хона ўйинлари; кўча ўйинлари;	Компьютер; телевизон; техник воситаларга асосланган ўйинлар	Техник, ҳаракатни таъминловчи ўйинлар	

6. Кейс баёни. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмокда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафакат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айрим холатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишга ҳам хизмат қилади.


Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

Кейс саволи: кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

Ўқитувчининг жавоби: вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар (вебинар дарсининг Интернет тармоғиги орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилиши)нинг ҳал қилиниши вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

7. Кейс баёни. Инновацион жараёнларни бошқариш ўз мазмунига эга. Тадқиқотчилар инновацион жараёнларни характерловчи бир қатор моделларни яратишган. Ҳар бир моделда инновацион жараённинг у ёки бу жиҳатлари акс этади.

Кейс топшириғи. К.М.Ушаков ғоясига қўра инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганинг ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг:



Ўқитувчининг ечими:

- 1. Инкор этиш** – ҳар қандай янгиликнинг рад этилиши, қабул қилинмаслиги.
- 2. Қаршилик** – янгиликларнинг қабул қилинишига нисбатан салбий муносабатнинг мавжудиги, янгиликларнинг қабул қилинишини хоҳламаслик.
- 3. Тадқиқот этиш** – янгиликларнинг амалий аҳамиятга эгалигини амалий изланишлар асосида ўрганиш.
- 4. Оммалаштириш** – амалий аҳамияти исботланган янгиликларнинг амалиётта кенг татбиқ этилиши.
- 5. Анъанавийлаштириш** – амалий аҳамияти исботланган янгиликларни амалиётда изчил қўлланилишига эришиш.

8. Кейс баёни. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими:

Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион фаолияти	<ol style="list-style-type: none"> 1. Янгиликлардан изчил хабардор бўлиш. 2. Ўз фани бўйича янгиликларни яратиш хоҳишига эгалик. 3. Ўзлаштирган ёки ўзи асосланган янгиликларни амалиётта тадбиқ этишда қатъиятлилик кўрсатиш. 4. Ўз фаолиятида инновацияларни фаол қўллаш

9. Кейс баёни. Таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат, компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллайди ва самарали натижаларга эришади.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими

Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонлари

Холат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион салоҳияти	<ol style="list-style-type: none"> 1. Янгича фикрлаш қобилиятига эгалиги. 2. Ўзини турли, айниқса, янгиликлар билан боғлиқ вазиятларда синаб кўришга интилиши. 3. Ижодий фаоллик кўрсата олиши. 4. Изчил равишда инновацион ғояларни илгари суриш маҳоратига эгалиги

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари.
2. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.
3. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.
4. Таълим инновациялари ва уларнинг моҳияти.
5. Таълим инновацияларининг турлари.
6. Новация ва инновация: улар ўртасидаги фарқлар.
7. Инновацион фаолият мазмуни.
8. Педагогнинг инновацион фаолияти.
9. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш.
10. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари.
11. Талабаларнинг билиш фаоллигини оширувчи инновацион таълим шаклари.
12. Амалий ўйинлар ва уларнинг дидактик аҳамияти.
13. Muammoli ўқитиш моҳияти.
14. Интерфаол дарслар ва уларни самарали ташкил этиш шартлари.
15. Модулли-кредит тизими.
16. Масофали ўқитишнинг афзалликлари ва муаммолари.
17. Blended learning (аралаш ўқитиш) моҳияти.
18. Маҳорат дарслари ва уларни ташкил этиш технологияси.
19. Интерфаол методлар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш.
20. “Case-study” (Кейс-стади) моҳияти.
21. “Ассесмент” методининг дидактик имкониятлари.
22. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар.
23. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чикиш.
24. Талабалар портфолиолари ва уларни шакллантириш.
25. Педагогик компетентлик ва уни самарали шакллантириш.
26. Педагогик компетентлик сифатлари.
27. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши.
28. “Индивидуал ривожланиш дастури” ва унинг педагог фаолиятидаги аҳамияти.
29. Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари.
30. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги.
31. Ўқитувчи томонидан талабаларга коммуникатив таъсир кўрсатиш.
32. Педагогик мулоқот услублари ва уларни тўғри танлаш.
33. Педагогик деонтология.
34. Педагогик мулоқот маданияти.
35. Таълим жараёни педагогик мулоқот услубларини ўринли қўллаш.
36. Педагогик низолар ва уларни самарали ҳал этиш йўллари.
37. Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар.
38. Педагогик низоларни ҳал этишда қўлланиладиган усуллар.
39. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари.

40. Замонавий педагог имиджи.
41. Педагогик креативлик ва унга хос сифатлар.
42. Шахс креативлигини аниқловчи психологик тестлар.
43. Педагогнинг креативлик потенциали.
44. Педагогда креативлик потенциалини ривожлантириш методлари.
45. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари.
46. Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Алгоритм Algorithm	Модул таълими таркибий бўлакларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараённи амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-коидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
Аралаш модел Mixed model	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
Аралаш ўқитиш Blended learning	Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигига гурухда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
“Ассесмент” технологияси “Assessment technology”	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириклар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Ахборотли лойиҳалар Information projects	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
Валидация Validation	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system
Вебинар технология Webinar technology	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
Дарс ишланмаси Lesson planning	Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Дастурий таълим Program education	1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the

	эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	academic subject; 2) one of the pedagogical technologies
Драматик йийнлар Dramatic games	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган йийнлар	Games intended for solving psychologic and social issues
Дидактик йийнлар Didactic games	Ўрганилаётган обьект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
Ижодий лойиҳалар Creative projects	Индивиуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий хисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Имитацион йийнлар Imitation games	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (таклид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган йийнлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
Инвигилатор Invigilator	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиши натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
Индивидуал таълим Individual education	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) биланўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
Инновацион таълим Innovative	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни	Education that allows to develop skills and qualities f a student

education	табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	
Инновацион фаолият Innovative activity	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шакланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
Инновация Innovation	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим Interactive aducation	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
Ишбилармонлик ўйинлари Business games	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology	Муаммоли вазият; талабаларда аник, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантиларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласидаган технология	A technology that forms skills in searching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Компьютер таълими Computer education	Талабаларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникиси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Компьютер таълими технологиялари Computer	Талабаларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological

education technologies	ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуюи	provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Консорциум Consortium	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
Лойихалаш Projecting	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, маҳсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, acivity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
Лойиха Project	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиха методи A method of project	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуюи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
Лойиха таълими A study of project	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a pla and aim that have educational characteristics
Масофавий таълим Distance learning	Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга	Education aimed at using study resources based on innovative form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)

	асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим	
Масофавий таълим технологиялари Distance learning technologies	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
Маҳорат дарслари Master classes	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилан самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
Модератор Moderator	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сухбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A gedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
Моделлаштириш Modeling	Ходиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
Модел Model	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган обьектнинг соддлаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
Модернизация Modernization	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равища янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
Модул Module	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
Модул таълими A study of module	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
Муаммоли вазият Dilemma	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and

	этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	effective accomplishment
Муаммоли маъруза A problem lecture	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаолиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим Problem education	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммоли таълим технологиялари Problem education technologies	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммо Problem	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
Мустақил таълим Independent learning	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogues
Новация Novation	Тизимдаги айрим элементларнингина ўзгартеришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
Педагогик муаммо Pedagogical problem	Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
“Портфолио”	Автобиографик характердаги эга	A set of autobiographical

Portfolio	хужжатлар тўплами	documents
Репетиторлик таълими Tutoring	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
Ривожланиш Development	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган микдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development
Ривожлантирувчи таълим Developing education	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
Ролли ўйинлар Role-playing games	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги рухий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
Сюжетли ўйинлар Plot games	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
Тадқиқот лойиҳалари Projects of research works	Илмий изланиш характеристига эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment
Таълим инновациялари Educational innovations	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
Таянч конспект Reference cropolispect	Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қисқа хulosса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да	A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schemes, charts)

	ифодаловчи конспект	
Таълим тизимини модернизациялаш Modernization of educational system	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Технологик модел (паспорт) Technological model (passport)	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
Технологик харита Technological map	Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Тьютор Tutor	Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer
Узоқлаштирилган аудиториялар Distant auditoriums	Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums
Фасилитатор Facilitator	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гурухларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гурухлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups
Франчайзинг	Ўзаро ҳамкор	Rights that are given by partner

Franchising	университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳукуқининг бериши	universities to other universities for carrying out distance learning courses
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва харакат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш Developing an individual	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
Эдвайзер Advisor	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
Ўйин Game	Кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
Ўйин технологиялари (ўйин таълими) Game technologies (game learning)	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўнкма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси Learning project	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence

Үқув топшириклари Study assignments	Үрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиласиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject
Ҳамкорлик таълими Cooperation education	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
Ҳамкорлик таълими технологиялари Cooperation education technologies	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Albert R.S., Runco M.A. Theories of creativity. – London: Newbury Park, 1990.
2. Albert R. S., Runco M.A. A History of Research on Creativity. – Cambridge: Cambridge University press, 1999. Pp. 16-31.
3. Amabile, T. M. Within you, without you: The social psychology of creativity, andbeyond. – London: NY, 1990. Pp. 61-91.
4. Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 1990. – 339 p.
5. Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 1998. № 29 (2). Pp. 163-172.
6. Cropley A., Cropley, D. Using Assessment to Foster Creativity. – Singapore: World Scientific. 2007. Pp. 209-230.
7. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
8. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. – СПб.: СПГУТД, 2006.
9. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
10. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006.
11. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
12. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
13. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиилар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
14. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.
15. Одарённые дети (Пер. с англ.). – М.: Прогресс, 1991. – С. 177-178.
16. Педагогика назарияси / Дарслик. Муал.: М.Х.Тоҳтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тоҳтаходжаева таҳрири остида. – Т.: “Iqtisod-moiya”, 2010. – 136-140-б.
17. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Т.: Низомий

номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.

18. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.

19. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

20. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

21. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

22. Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб. мет. пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3

23. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб. пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.

24. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.

25. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

26. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. З. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.посбоие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.

27. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzlusiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.

Интернет ресурслари

1. Aho E. Creating an Innovative Europe: http://ec.europa.eu/invest-in-research/pdf/download_en/aho_report.pdf.

2. Ala-Mutka K. Social Computing: Study on the Use and Impacts of Collaborative Content, <http://ftp.jrc.es/EURdoc/JRC47511.pdf>.

3. Ala-Mutka K., Punie Y., Redecker C. (2008a). Digital Competence for Lifelong Learning: <http://ftp.jrc.es/EURdoc/JRC48708.TN.pdf>.